


НЕЪМАТ АМИНОВ



ТИЛЛО ТАБАССУМЛАР

ХИҚОЯ ВА ҲАЖВИЯЛАР

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
„ЁШ ГВАРДИЯ“ нашриёти
Тошкент — 1977



А 70303—22
356(06)-77 57—77

© „Ёш гвардия“, 1977

«Тилло табассумлар»

Китобга шундай ном қўйишга қўйдим-у, кейин чуқур ўйга толдим. Чунки, ҳар гал «тилло» сўзини эшитганимда қизиқ бир воқеа эсимга тушади: Бухородаги эски ҳовлимизга қўшни Эгамқул бобо исмли бир қария яшарди. Унинг ўзидан йигирма ёш кичик хотини ва хотини орқасидан келган Офтоб исмли қизи бўларди. Эгамқул бобо ўзига тўқ, будди-шудди киши бўлиб, бировга гап бермас, доим гердайиб юрарди. Айтишларинча бир вақтлар у қамалиб ҳам чиққан экан. Унинг доимий машгулети кўкнорию иморат эди. Эсимни тапибманки, Эгамқул бобо ҳар йили иморат қиларди. Ҳовлимизнинг қовлашмаган ери қолмади, кечалари чироқ ёқиб ер қовлар, қовлашгап тупроқни элаклаб тор кўчага чиқариб ташларди. Ҳатто эски деворларнинг кесагини ҳам янчиб, элакдан ўтказарди.

— Эгамқул бобо яна иморат қилибдими?

— Умрининг охиригача ер қовлайди у.— дердилар отам дарвоза олдида уюлиб ётган нам тупроққа ишора қилиб,— унинг юрагига тилло ишқи тушган... тилло излайди. Билмайднки, отасидан қолган тиллоларни ўша 21 йилнинг ўзидаёқ ҳукумат тониб олган... ҳе майли, билганини қилсин, буям бир қўйи бад-да...

Алқисса, яна бир куни Эгамқул бобо қирмизи косада «бодомқовоқ» думбул кўкноридан ивтиб ичиб олди-да, эски бостирма остини қовлашга тутинди. У қандайдир бир қўшиқни хиргойи қила-қила эринмасдан ер қовларди. Дастлаб юздан ортиқ яналоқ гинит чиқди. У гинитларни бир чеккага авайлаб терар, яна терлаб-пишилб ичкиллаб кетмон урарди. Иттифоқо кетмон қаттиқ бир нарсага теккандек бўлди. Ер ўпирилиб, гулдор бир хумча кўринди. «Оҳ, хайрият... плоҳин ҳеч ким кўрмасин-да...»— у шундай ўйлаганча нам ерга чўккалаб, асабий равишда хумча атрофидаги тупроқларни қўли билан қовлашга тутинди. Худди шу аснода тепасида ногаҳоний бир чинқирик эшитди:

— Ана Тилло!

Эгамқул бобо жон ҳолатда ўзини хум устига ташлади. Акашак панжалари пайпасланиб титрар, ранги қум-қуйт ўчган эди. Бир пайт у ўзига келиб эски яктаги ёқасидан терчил кўкрагига тупурди. Тупуғи мош-гуруч соқоли учига илашиб қолди. У кўрқа-ниса юқори қараган эди, тепасида ўғай қизи ва Тилло исмли жиянини кўрди.

— Ҳа жувоимарг Офтоб-а,— деди у қизини қаргаб,— юрагини ёрдинг, юраккишамни ёрдинг... ҳе сени ўша...

Эгамқул бобо ишни чала қолдириб, чуқурдан чиқди. Хумни якка ўзи очиб кўрмоқчи эди. Лекин бу унга nasib этмади. Қоронги меҳмонхонага кириб ётганча, қайтиб ўрнидан турмади. Узоқ ётди... шу ётганча ўлиmidан бир кун олдин ўша хумчани келтиришни сў-

ради. Хотини хумчаши ковлаб олиб келиб, эри кўзи олдиди тўнтарди... ундан шигиллаб икки ҳовуч кулга ўхшаш бир нарса тўкилди..

Мен раҳматли Эгамқул бобога ўхшаш ҳаётдан тилло изладим. Касб-корим одамлар лабидан, одамлар тақдирдан табассум излаш бўлди. Ҳар бир кўрганым табассумни гўё бир тилло тоигандек ён дафтарчам варағига авайлаб тугиб, хотирам ковакларига яшириб қўйдим. Вақти келганда шу «тилло»ларни қимматли ўқувчиларим бошидан сочдим. Бундан кўпларнинг руҳи ойдинлашиб, кўпларнинг юзи мунаввар бўлди... якка-ярим жириллаганлар ҳам йўқ эмас. Начора...

Хуллас, тўпламга камтарликдан бўлмаса-да, «Тилло табассумлар» деб ном қўйишга журъат этдим. Зотан бизнинг гулгун замонамизда тилло — умумхалқ мулки, давлат монополияси...

Орзуга айб йўқ. Шояд менинг бу «тилло»ларим ҳам жопажон халқим мулкига айланса!..





Ҳикоялар

ОЛТИНБЕКНИНГ БУВИСИ

Олтинтопарлар шаҳри Зарафшонда навбатдаги чақалоқ туғилди:

«Инга... инга... инга...»

Чақалоқларга хос одатдаги йпги. Лекин бу йпги бутун шаҳарни илиқ бир ташвишга қўмиб ташлади. Шаҳар ижроня комитетидан қўнғироқ бўлди. Докторлар елиб-югурган, доя қизларнинг оғзи қулоғида.

Чақалоқ — шаҳарнинг ўн мингинчи граждани!

Бу қувончли воқеани ўша заҳоти маҳаллий радио эълон қилди, эртасига чақалоқ ва онасининг сурати газетада босилиб чиқди. Ҳамманинг оғзида шу янгилик — фахрий гражданнынг таърифи

— Отаси иккинчи карьерда инженер...

— Онаси Гавҳархон-да, лаборант Галя бор-ку... о қандай бахтли улар...

Дастлаб туғруқхонанинг ўзида, кейин бошқа коллективларда митинглар ўтказилди. Янги туғилган чақалоқ номига чинор кўчати ўтказилди. Худди шу аснода болага ном қўйиш кераклиги эсга тушди. Боланинг номини тахтачага ёзиб, кўчатга осиб қўйиш керак эди-да!

Ном қўйиш масаласига келганда чақалоқнинг отаси, онаси биледи, деди; онаси, катта бувиси биледи, деб чиқарди. Дарҳақиқат унинг етмиш беш ёшли мункиллаган бувиси бор. Яқин икки ойдан бери у чўли биёбон ўртасидаги шаҳарда товуқдан тухум кутган камбағалдек ҳомиладор келинини пойлаб ётарди.

Мана ҳозир ҳам тўққиз қаватли уйга ёр ҳидини аяқитиб келини учун атала қовурмоқда. Янги меҳмон Саврия холанинг қирқ уч ёшида кўрган яккаю ягона фарзанди — Искандарнинг тўнғичи эди. Ўғли ҳам юриб-юриб жуда кеч — ўттиз ёшида шу шаҳарга келиб уйланди. Орадан йил ўтмай...

Болага ташна Саврия холанинг лаблари ўз-ўзидан пичирлар, тўнғич неварасини хаёлан эркалар, келини

Гавҳархонга ғойибона миннатдорчилик билдириб ўтирарди: «Хайрият-эй, эсон-омонгина кўзи ёриди... доя қиз ҳам, барака топкур, жуда шўх экан: тўрт ярим кило, дейди... ҳа майли, умри билан берган бўлсин... ишқилиб шугинанинг тўйини кўрсам бўлгани...

Саврия хола аталага иккинчи тухумни чаққан ҳам эдики, эшик қўнғироғи жиринглади. Бечора кампир ҳовлиқиб қўшни хонадаги телефонга югурди. Трубкани кўтарганда эшик қўнғироғи такрор босилди. «Вой эсгинам қурсин-а,— деди у трубкани стол устида омонат қолдириб,— ки...им? Мана ҳозир!»

Остонада терлаб, буғриқиб кетган ўғли турарди. У гапирмасдан, шошилиб ичкари кирди.

— Ҳа, болам, хотиржамликми?— хавотирланди она.— Келин тузукми боласи билан?

Искандар: «Ҳаммаси яхши, жойида», деб онасини тинчитди. Кейин ошхонага кириб, стол устидаги чойнакдан чой сирқитиб ичди. Кампир бечора ҳуд-беҳуд лаллайиб турарди.

— Чақалоққа ном қўйиш керак,— деди ниҳоят Искандар,— тезлик билан, бутун шаҳар кутиб турибди.

Саврия хола ҳайрон қолди.

— Шаҳар нега кутаркан?

— Янги ўтқазилган чинор дарахтига неварангининг номини ёзишади,— деди Искандар бидирлаб гапириб,— кейин тушунтираман, ҳозир яхшироқ бир пом ўйланг, бўлинг тез!

Саврия хола чақалоққа номни ҳали келинининг бўйиндалигидаёқ ўйлаб қўйган эди. Шунинг учун ҳам дарров айта қолди:

— Сан беклар уруғидансан,— деди шошилмасдан,— бобонгни номи Эсонбек эди, даданг раҳматли Қаландарбек... сан Искандарбек...

Ўғлининг тоқати тоқ бўлди, беозор эътироз билдирди:

— Қўйинг, ойи, шу замонда бек қолдими?

— Ҳа энди айтдим-қўйдим-да, болам,— деди кампир ён бериб,— бўлмаса... олтин қазиб чиқарадиган шаҳарда туғилгани учун Тиллобек бўла қолсин... Ҳамширанинг айтишича ўзиям бир оз маллагина экан...

— Бўлмайди!— деди Искандар ўрнидан туриб кетиб.— Тилло бу эскича ном, яхшироғини ўйланг!

Она-бола узоқ ўйлашди. Ҳар иккала томондан кўпгина номлар айтилди. Бирортаси ҳам маъқул тушмади. Ниҳоят Искандар қатъий қарорга келди.

— Бўлди, ойи, майли Сизнингча бўлсин: Олтинбек қўямиз!

— Тиллобек яхшийди-ку!

Искандар яна чой сирқитиб ичди ва ҳали ойиси очиқ қолдиргани учун узлуксиз «пипиллаб» ётган телефон трубкасини жойига қўйди.

— Тилло билан олтин иккаласи ҳам бир гап-да,— деди у ишонтиришга ҳаракат қилиб,— Олтинбек қўямиз! Олтинбек Искандарович, қаранг, қандай чиройли жаранглайди... Олтинбек... бўладими? Ҳўп, мен кетдим!

Она ўғлининг орқасидан жавраб қолди:

— Ҳой болам, тўхта, аталани олиб кет!

Искандар онасининг овозини эшитмади.

«Ўн мингинчи граждани» жамоатчилик томонидан яхши қадрланди. Ҳатто бир автобус бекати «Олтинбек» деб аталишга қарор қилинди. Етти кундан кейин Саврия хола келини билан неварасини ясатилган таксида уйга олиб қайтди. Енг учиди «беш кеча», «танглай кўтарди» сийгари маросимларни ўтказди. Келинига кўрсатмасдан чақалоқнинг оёқчалари остига думба ёғи суркади... хуллас, ҳамма расмий маросимлар жуда осон ва хушчақчақлик билан ўтди. Фақат бир маросим... антиқа ташвишларга сабаб бўлди.

Эртасига Искандар ишга отланар экан, онаси уни бир чеккага тортиб, қатъий тайинлади:

— Битта мулло топишинг керак!

— Ана холос, муллони нима қиласиз?— кулди ўгли.

Саврия холанинг жаҳли чиқди, кўзида гилқиллаб ёш айланди.

— Сан бола мендан кулма, мангинадан кулма!— деди аламли овозда лабларини пирпиратиб.— Ахир ўглинг бугун саккиз кунлик бўлди, қулоғига азон айтиш керак! Эрта тонгла маҳшарда...

Саврия хола «азон»нинг аҳамияти тўғрисида узоқ гапирди. Искандар унга мулоимлик билан тушунтирмоқчи эди — қулоқ солмади. Миз-миз йиғлашга тушди. У кўз ёшларини бурни аралаш узун енига артиб, дам-бадам чуқур хўрсиниб қўярди. Ниҳоят ўгли рози бўлди: «Хўп, ойи, йиғламанг, излаб кўраман!» — деди. Ушанда рози бўлди-ю, кейин ўз ваъдасини унутиб юборди. Орадан уч кун ўтгач Саврия хола яна сўраб қолди:

— Топилдими?

— Нима?

— Нима бўларди, мулло-да!— деди Саврия хола жаҳл билан.— Ўглинг қулоғига азон айтилмасдан катта бўлаверадими? Аслида уч кунликда азон айтиш керак!

Искандар қизариб, зўраки кулди.

— Ахир бу ер янги, ўта замонавий шаҳар бўлса,— деди у секин мулоим овозда,— мачиту муллони қаердан топай?

Кампир жаҳл билан терсайиб олди. Бир муддатдан кейин яна ҳужумга ўтди.

— Агар топган шаҳрингда мачиту мулло анқонинг уруғи бўлса Бухородан мулло Рауфни чақирасан!

— Ана халос!— кулиб юборди ўгли.— Ахир саксон ёшли мулло Рауф шунча узоқ йўлга кела оладими? Пишиб турган ош бўлса...

— Харажатингизни кўтараман десанг, келади!

Искандар телефонни олиб, Бухорони улашни буюрди. У мулло Рауфнинг девор-дармиён қўшниси — магазинчи Қабиловнинг уйи билан гаплашди. Магазинчининг айтишича бечора мулло бобо грипп бўлиб ётган

эканлар. Саврия хола ўглининг телефондаги гапига қулоқ солиб туриб:

— Бўлмаса, мулло Шарофни юборинг де! Ҳар қалай у ёшроқ,— деди қўли билан ишора қилиб,— келади... томоша қилиб кетади де!

Искандар опаси тайинлаган гапларни айтмади. Трубкани қўйгач, кампир яна зугум қила бошлади:

— Нега мулло Шарофни чақирмадинг?

— Нима қиласиз ўша хотинбозни,— деди Искандар бир нарда баландроқ,— мулло Шарофингиз яхши бўлса, иккита хотин олармиди?

Келин кулиб юборди. Бу Саврия холага баттар алам қилди.

— Хотини иккита бўлсаям,— деди у чинқириб,— имони басаломат, қироати яхши, азонни жойига келтириб айтади... чақир ўшани!

Искандар хуноб бўлиб қўшни хонага чиқди. Яна кампир айтиб-айтиб йиғлашга тушди: «Биттаю битта неварагинамни беимон қилади булар...»

Искандар жуда танг аҳволда қолди. Наҳотки азон эшитган чақалоқ имонли бўлса? Ахир ўтмишда чақалоқлигида қулогига азон айтилган кишилардан жаллодлар, элим ва беимон кишилар кўнлаб чиққан-ку? Падаркуш Абдуллатифнинг қулогига шайхулисломга ишонмасдан бобоси — Шоҳруҳ Мирзоининг ўзи азон айтган экан...

Бу мулоҳазаларни Искандар опасига айта олмас эди. Тўғриси, айтишни ўзига эп кўрмади. Умрининг ярмидан кўпроғи хорлик-зорликлар билан ўтган, етмиш йилдан бери кўр-кўрона бўлса-да бир хил — диний эътиқодга содиқ қолган аёлга тушунтириши жуда қийин масала. У атеист бўлсаям инсонлардаги камил эътиқодни жуда қадрлар эди. Шунинг учун қайси йўл билан бўлмасин неvara туфайли боши кўкларда юрган онасини хафа қилгиси келмади. «Ҳа энди буям бир кўнгил-да», деб ўйларди у.

Якшаба куни кечқурун Искандар иккинчи марта Бухорони телефонга улашни сўради. Онаси уй бурчида уларга орқасини ўгириб соядек қимирламасдан ўтирар, ҳар замон-ҳар замонда бурини тортиб қўярди. Келин бўлса: «Шу ойимлани айтганларига хўп денг!»— деб илтимос қиларди. Ниҳоят телефонга Бухоро уланди.

— Олтинбек Искандаровични олиб келинг бу ёққа!— деди Искандар кўрсаткич бармогини илгак қилиб ойнаси чақираркан.— Тез олиб келинглар!

Саврия хола пилдираб ўғлига яқин келди. Унинг ёшлари серажин юзида қотиб қолган, кўзларида умид учқунлари порларди.

— Тиллобекни нима қиласан?— сўради у ажабланиб.— Узинг гапиравер!

Искандар босиқ овозда тушунтирди.

— Чақалоқнинг қулогини телефон трубкасига тутиб турамыз, бугун тайинлаб қўйган эдим, нариги томондан мулло Рауф бобо азон айтадилар...

— А... азон?!— кампир дастлаб ҳайратланди, кейин ана янтоқ оловидай гуриллади.— Бўлмайдн... азонни чақалоқнинг қулогига пиширлаб айтиш керак... мандан куласизлар-да... ҳа майли, кул, кулинглар...

Искандар бош чайқаб, ноилоҳ трубкани жойига қўйди. Унинг бу уриниши ҳам бекорга кетган эди.

Чақалоқ ўн беш кунлик бўлганда Искандар Бухорондан кичик бир пакет олди. Унда мулло Рауфнинг азон айтган овози ёзилган плёнка бор эди. Лента магнитофонга қўйилди.

«Оллоҳу акбар... оллоҳу акбар!..»

Мулло Рауфнинг таниш, чинқироқ овози кампирни анча эритди. У бир чеккада чақалоқни бағрига босганча таъсирланиб ўтирарди. Баланд, серажин дудоқларида мағрур бир аломат.

— Олиб келинг чақалоқингизни,— деди Искандар,— ана эшитсин азонни!

— Намунча баланд,— деди кампир иситиғно билан,—

болам бечорани кар қилали-я... азон пичирлаб айтилар-ди-ку!

Искандар жиддий қисфада хотинига кўз қисиб қўйди-ю, магнитофонга қараб:

— Сал пастроқ айттинг, мулло бобо, пичирлаб айттинг!— деди ва билинитирмасдан магнитофонни пастла-тиб қўйди. Ундан аранг пичирлаган товуш эшитилди.

«Оллоҳу акбар... оллоҳу акбар!..»

Саврия хола бисмилло, деб «ўн мингичи» граждани магнитофонга яқин келтирди. Азон айтиб бўлинди. Лекин негадир яна Саврия холанинг кўнгли тўлмади. «Ҳар қалай тирик одамнинг дами-нафаси бошқача-да!» — ўйлади у. Шунинг учун ҳам ҳали магнитофондан ёдлаб олган жумлаларини неварасининг қулогига оҳиста пичирлаб такрорлади:

«Облоҳу акбар... облоҳу акбар!..»

Бироқ унинг кўнглидаги армон ҳамон ушалмагандай эди: «Хотин киши айтган азон ҳисобга ўтармикан?»

Қўшни хонада қувноқ музика ва эр-хотиннинг баланд қаҳқаҳаси янгради.

Т У Т И Х О Н

Сен умрини мўътабар бил,
Йил деган бир дона йил.
Ой деган бир дона ойдир,
Кун деган бир дона кун.

Жамол Камол

Чилдирмачи йиғит чўғ тўла манқалда доирасини қизитиб олгач, «қани бошладик»— дегандек кўз қисди. Қўнгиб мўйловли, гавдаси бузуқ ашулачи ўрпидан туриб, ториши қулогига яқинига келтириб, черта бошлади. Тўйхонага файз кириб, яшнаб кетди. Катнинг икки четиди атлас лозимли оёқларини осилтириб, бири ўн сак-

киз ёшли, иккинчиси ёши ўтинқираган, серажин бетларига ҳаддан зиёд упу суриб, қошига ўсма қўйган ориқ жувон ўтиришарди. Ашулачи «Қайроқ ялласи»нинг уфориға ўтаркан, уларга яқип келиб:

— Қани, Тўти, йўрғала!— деди. Жувонлардан ёши ўтинқирагани тилла тишларини йилтиратиб ўйинга тушиб кетди. Ашула авжга чиқар, раққоса ҳар айлапганда бир оз кенгроқ қилиб тикилган қизил, ялтироқ қўйлаги ориқ, чўпдек гавдасига ўралиб, чирмашиб кетарди. Тўтихон бир давра айланиб келганда аллаким балаид овозда:

— Бай-бай, юзингдан аканг, худди аммамнинг ун пўстаги-я!— деб қичқирди. Уша столда кулги кўтарилди. Тўтихон гўё ҳеч нарса сезмагандай изига қайтди. «Қизиқ, одамларнинг базмга иштиёқи қолмабди,— деб ўйлади у ҳафсаласи пир бўлиб, жойига ўтираркан,— пул қистириш ҳам йўқ...»

Даврага Тўтихоннинг шериги — Ҳамрохон чиқди. Ҳамма қарсақ чалди. «У ёш-да, жувонмарг,— хаёлидан кечирди Тўтихон,— бўлмаса ўйини бир пуллик. Жилваси ҳам зўр эмас... бошини ликиллатишини қаранг, яна чапак ҳам чалишади-я... у ёш-да... Уҳў, пул қистириш бошланди...»

Тўтихон ўз ўтмишидан бир воқеани эслади: бундан ўн йилча олдин Янгибозор ПОсининг омбор мудирини тўйида Саидахон билан айтишгани кўз олдига келди. Ушанда у ёш эди, Саидахоннинг ёши ўтиб қолганлиги учун тўйдагилар фақат унга пул қистиришганди. Саидахон аламга чидай олмай унинг юзига чой қолдигини сениган эди. Мана эиди унинг ўзи Саидахоннинг ҳолига тушиб ўтирибди.

Чапани йигитлар қўлларида пиёла билан Ҳамрохонга хушомад қилиб, олқинлар ёғдиришар, зардўзи дўпписи остига кўк, қизил пулларни қистиришарди. Тўтихоннинг юраги эзилиб, рашк ва хусуматдан юз териларини тортишди, кўз олди қоронғилашиб кетди: «У ҳали

ёш-да... манам эдим сандай, сапам бўласан мандай!..»— раҳматли онасидан кўп марта эшитган шу сўзларни дилда такрорлади. Негадир, кейинги пайтлар онаси тез-тез тушига кирарди. Кеча кечаси ҳам азонга яқин онасини туш кўрибди: ҳамма ёқ туман эмиш. Туман ичидан онаси янги чиққан, сут рангидаги «Волга»ни ўзи ҳайдаб келганмиш-да, унга: «Ўтир, қизим, отангини ёшига борамиз!»— деганмиш. У машина эшигини очиб, энди ўтираман деганда машина юриб кетганмиш. «Она, тўхтатинг! Мен ҳам олиб кетинг!»— деб қичқирармиш у...

Тўйхонада янграган қарсак уни ўзига келтирди. Ҳамрохон рақсини тугатиб, таъзим қилди-да, қарсақлар кўзатувида жойига келиб ўтирди. Тўтихон эришиб, катдан тушаркан, оёқларида аллақандай беҳоллик сезди. «Чарчабман,— кўнглидан кечирди у,— йўқ, ҳали балавим қизига эмас...» Ашулачи ва чилдирмачи орқада, Тўтихон олдинда икки қатор қўйилган стол оралиғида хизмат қилиб юришарди.

— Холажон, неварадан нечта?— ён томондан кайф аралаш хирилдоқ овоз билан сўралган бу саволни ҳам Тўтихон эшитмаганга олди. Уша столда қийқириқ кўлги ва изидан: «Яна ўсма ҳам қўйибдилар, олмос кўйлакни айтинг, эсиз олмос!»— деган кесатиқ сўзлар эшитилди. Тўтихон тўйга чиқиб, бу хил камситилишни кўрмаган эди, чарх уриб айланаман деб стол қиррасига қуймичини уриб олди. Оғриқдан кўзлари ёшланди. Шу ёш аралаш ўзига томон пиёла кўтариб келаётган кишини кўрди-ю, тишларини йилтиратиб, аянч жилмайди. Ҳа, пул қистирмоқчи. У гир айланиб, пиёла ва битта ўн сўмлик тутиб турган барра телпакли кишига рўпара бўлди-да, муқом қилди. Йигит пулни узатаркан:

— Опажон, бир илтимос, Сиз ана бу пулни олиб, ўтиринг, анави қиз ўйнасин!— дея кат томон ишора қилди. Тўтихоннинг қўлидан йигит узатган пиёла тушиб кетди, у худди чўчигандек бир буришди-ю, яна мажбу-

рий бир вазиятда йўргалаб, рақсида давом этди. «Одамлар... нақадар шафқатсиз! — унинг тилла тишлари катта электр чирогиди йилтилллар, бутун гавдаси кенг, ялтироқ олмос кўйлагин ичида ишваланадир, аммо, юрагин эзилиб, кимларгадир нафрат ёдидирди. — Бераҳмлар! Юзимга айтишди-я... У ана, яна биттаси бўкирди: «— Холам ҳам долгонграюший экаиларми?!» — энди ўтираман... ҳа, ўтираман».

Тўтихон катга ўтираётиб, Ҳамрохонга зуғум қилди: — Туринг энди, устоз!

Ҳамрохон катдан тушаркан, даврада яна мастона қийқириқ, «О, бўсни!», «Ёши чиқди... ана бу бошқа гап!» — деган овозлар эшитилди. Тўтихон чўнтагидан иккита бир сўмлик ва ҳали: «Сиз ўтиринг, анави қиз ўйнасин!» — деб унинг кўнглини хуфгон қилган киши берган ўн сўмликни олиб, яқинидаги сумкага солди. Тушум жуда кам. У ўзининг аллақандай ҳоргин, руҳсиз сездн. «Наҳотки яна касалим... йўқ-йўқ, ўйламаслик керак... яхшиси, даврага қарай-чи...»

Даврада тўйчи ва тўйхўрлар сафланиб, Ҳамрохонга пул қистиришга ошнқишар, қайси бирлари «дўст!» деб қичқирадир, кимлардир мухаммас айтмоқчи бўлар, Ҳамрохон қўли кўксиди, бошида пул билан таъзим қиларди. «Ер ютгур! — қарғади Тўтихон. — Рақс ўрнига пул йиғди-ку бугун... ҳали ҳусни бор-да, жувонмаргинг...»

Ҳамрохон узоқ ўйнади. У ҳансираб ўтираркан, торчининг ишораси билан Тўтихон катдан туша бошлади. Бу гап у ланар айтиб, даврадагиларни ўзига ром этмоқчи бўлди. Лекин, шу найт кимдир микрофонга «пуф-пуф»лаб гап бошлади:

— Агар Тўтихон холам яна ўйинга тушсалар бизлар кетамиз!

Бутун тўй — беш юз кишилиқ давра кулди. Момагулдиракдек кулги бир гумбурлади-ю чақин чаққандек бўлди. Ҳамрохоннинг жон ҳолатда: «Войдод!» деган чинқириғи эшитилди. Ашулачи торини ташлаб, катга томон

югуриб кетди. У ерда Тўтихон алчайиб, ҳушсиз ётарди, ранги оппоқ ўчган, қўл-оёқлари чангак бўлиб титрар, оғзидан кўпик чиқарди. Ҳамма гур ўрнидан турди. Ким сувга чопди, ким пиёзга...

Эртасига Тўтихон бойлиги тўлиб-тошган уйида ёлғиз ранги синиқ ҳолда ўтирар, ўзининг «кайф-сафо» билан ўтган умрига ачинарди. Бир вақтлар у театрда ишларди, раҳматли биринчи эри гижжакчи эди. Ўша вақтлар ҳам бир давр экан. Ҳали эсида, ўша — юзига чой қолдиғини селган Саидахон уни биринчи марта қўярда-қўймай тўйга олиб чиққанди. Кейин бошланди. Мажлисларга тушди, газетада танқид қилиб чиқишди. Оқибат, театрдан ҳайдалди... «Отига иш бўлса бўлди-да», деб район халқ театрида, у ердан ҳайдалгач, қўшни район маданият уйида ишлади.... Лекин, тўйни қанда қилмади. Уч марта эрга чиқди. Уччаласи ҳам уни ташлаб кетди... кошкийди ўша биринчи эридан туғилган ўғилчаси гирик қолган бўлса... кейингиларидан бола кўрмади... Ҳайт-ҳўйт дегунча умр ҳам ўтиб кетди. Эсиз умр... У билан бир кунда театрга ишга кирганлар унвонга эга у-чи? Нега юраги санчади-я?.. Соат ҳам беш бўляпти. шерикларидан ҳамон дарак йўқ. Наҳотки кечаги воқеадан кейин... Шундай бўлди: шериклари ўша кунни ҳам ундан кейин ҳам келишмади. Тўтихон кенг, жиҳозли уйида мунғайиб ўтирар, оқшомлари ҳам кўзларига уйқу ўрнига юм-юм ёш келарди. Учтинчи кунни у тўйга бормасликка қасам ичди. Лекин, қандай бўларкин? Ишга кирсинми? Йўқ... яна юзини сарғайтириб, маданият уйига борадими? Асло! Ҳамма жойда иш тўлиб ётибди, лекин бирортаси ҳам кўнглига ёқмайди. Бундан ташқари, ҳар қандай ишга кучи етмаса керак... э ана... нима гап бўлдийкин? Кўча томондан фарёд эшитилди. У ўрнидан эриниб қўзғалди-ю, дераза пардасини икки тарафга суриб, йўл томон қаради: бошига оқ ўраган, сарван-лачакли кампирлар ўтиб боришяпти.

«Э, бечора, Ашур бобо дунёдан ўтибди-да,— ўйлади

у,— тўй билан бўлиб, бирров кўриб ҳам чиқа олмадим... эсиз одам... борсаммикан?..»

Тўтихон бундан ўн беш йил олдин онасининг азасида тиктирган оқ камзулини топиб кийди. Бўхчада сарғайиб кетган оқ дока рўмолини ўраб, ташқари чиқди. У Ашур бобошикига келганда хотинлар давра олишиб, гўянда — йиғичи Хосият бувининг айтиб-айтиб йиғлашига қўшилиб, фарёд чекишарди.

У ҳам даврага қўшиларкан, беихтиёр: «Хосият бувининг овози унчалик яхши эмас экан-ку», деб кўнглидан кечирди ва ўзи ҳам аста-секин овоз солиб, йиғлай бошлади. Ўз овозининг ҳамманикидан баланд ва шикаста эшитилаётганига қаноат ҳосил қилгач, нимагадир кўнгли ёришгандек бўлди. Аёллар йиғидан тўхташди. Бир вақт кимдир унинг сонидан секин чимчилади.

— Ҳа, Шаҳодат хола!

— Худоғина кўтарсин сени, ўликкаям ўсма билан келаллами, адо бўлгур?!

— Қошим бўлмаса, нима қилай, хола?!

Шаҳодат хола сарвани печини елкаси оша ташларкан: «Вел!»— деди. Аёллар яна йиғи бошлади. Навбатдаги йиғи тингайда Тўтихон Шаҳодат холага яқин келди.

— Холажон!

— Гапир, Тотти!

Тўтихон чуқур сўлиш олди ва йиғламсираб:

— Агар ажалийм етиб ўлсам... мени сиздан бошқа кишим йўқ, васиятим шу: мурдашўйга айтинглар, қошимни ўсмасини ювмасин.

Шаҳодат хола Тўтихоннинг елкасига муштлади.

— Емон ният қилма, отарчи ўлгур!

— Гап шу!— деди Тўтихон қиқирлаб кулиб.— Ўлсам, мурдашўй қошимни ўсмасини ювмасин!

— Бўлди, бас қил, сен ўлсанг лабингу тирноқларингни ҳам бўяймиз!

Уларнинг гапи ҳовлига бир гуруҳ аёллар кирганда бўлиниб қолди. Хосият буви ўртага бўйи етган қизлар...

ни олиб, яна айтиб-айтиб йиғлашга тушди. Улик чиқарилгач, Ашур бобонинг икки қизи Хосият бувига икки кўйлақлик вискоз, ўн сўмдан йигирма сўм пул беришди. Тўтихоннинг кўзлари қоронғи кечада оловланган мушук кўзидек ялтираб кетди. Охирги марта овоз солинаётганда Тўтихон: «Хосият буви қарибди... овози йўқ, айтадиган нарсаи ҳам шикаста эмас!»— деб ўйлаганча, овозини бир парда баланд қилиб, фарёд чекди.

Одам заҳрини одам оларкан. Тўтихон отарчиликда бозори касодга учрагач, гўяндалик ва «Хотинча хатми қуръон — оши бибисешанба»ларда кайвониликни¹ машқ қила бошлади. Айниқса, унга гўяндалик чўт келарди. Овози бор, афтини буриштириб, кўзларидан ёш чиқара олади. Унинг «гўяндалик бўйича гастроли» икки яшар бир боланинг азасидан бошланди. Мурда эгалари Хосият бувига киши юборишган экан, у районга, қизиникига кетиб қолибди. Оқ рўмол боглаб, янгидан тиктирган оқ камзул ва амиркон махси-калиш кийган Тўтихон ўртага тушди.

— Қўчқор эдинг ўзгинанг.

Тўтихон биринчи мисрани айтиб, «вой болам!»— дейиш ўрнига «воҳей бола!»— деб юборди. Хотинлардан кимдир: «Вой мен ўлай! Азани ҳам тўйга айлантирдилар-ку!»— деди. Лекин унинг сўзини йиғи билан бўлиб ҳеч ким эшитмади. Тўтихон лабини қаттиқ тишлади, кейин қайта бошдан куйини ўзгартириб, гўяндаликка тушди:

— Қўчқор эдинг ўзгинанг, во болам!
Шунқор эдинг ўзгинанг, во болам!
Онагинанг кўзларига, во болам!
Гулзор эдинг ўзгинанг, во болам!

Хотинлар ҳар мисрадан кейин «во болам!» нақаротини айтиб, шундайям ўкириб йиғлашдики, Тўтихон ёш-

¹ К а й в о н и — дастурхошчи.

лигида — тўйда ўйнаб муваффақият қозонган пайтларидегидек ҳузур қилди. Унинг авжи келиб, тўйларда айтиб юрган шикаста ашулаларини гўяндалик куйи билан қайта ишлаб, нола қиларди...

Шундан кейин Тўтихон яна уч марта азага борди. Давра олиб гўяндалик қилди. Ўзи йиғламаса ҳам, қанчадан-қанча сўқир кўзлардан ёш чиқарди. Ҳар гал уйига бир бўхча латта-путта ва ҳоли бақудрат пул билан қайтарди. Лекин у оқшомлари уйқусизликдан азобланарди. Азройили гулчин экан: бечора Тўтихон! Бир кечаси эрталабгача ухлай олмай юраги ғашланиб чиқди. Ниҳоят эрталабга яқин тутқаноғи тутиб, гўяндалик санъати гуллаб-яшнаётган бир пайтда жон таслим қилди. Эрталаб маҳалла одамлари тўпланиб келиб, тарадуд кўришди. Майитани мурдашўй тахтага олаётганда Шаҳодат хола эшик орқасига келиб:

— Раҳматиини бошига сув солаётганда эҳтиёт бўлинглар,— дея йиғламсираб овоз берди,— ўсмаси ювилиб кетмасин... васият қилувди бечора...

Тобутга кўрпа тўшаётган мўйловли, ҳазилкаш Ғиёс тоға:

— Хаҳ, гапни қаранг!— деди энсаси қотиб.— Ҳали бу раҳмати лаҳатдаям концерт кўрсатса керак, Мункарнакирларга ишва қилиб...

Кимдир: «Ғарибгина оп...пам!»— деб йиғлади.

ТУҒИЛГАН КУНИМ ҚАНИ?

Ойиси Хуршидни боғчадан вақтли оларкан, тарбиячисига: «Бугун болагинамнинг туғилган куни!» — деди. Кундузги уйқудан вақтли уйғотилган Хуршид «туғилган кун»нинг нима эканлигига ақли етмаса-да, қувнаб ирғишлай бошлади.

— Туғийган куним, туғийган куним!— дея қичқирганча олдинга тушди. Ойиси уни зўрға тутиб туриб,

майкаси устидан оқ шоъи кўйлақчасини аранг кийгизди. Хуршид баттар ирғишлар, лабларида музикага ўхшатиб турли овозлар чиқарарди.

— Дув-вув... туғийган куним...

Хуршид йўл бўйи ойисига бидирлаб келди, ҳовлига яқинлашганда чопачопа дарвозадан биринчи бўлиб кирди, атрофга айланглаб, бир нималарни излаган бўлди. Кўзига ҳеч нарса илинмади. У югурганча катта уйга ўтди: уйнинг ўртасида узун стол. Столда турли хилдаги емишлар. Хуршиднинг кўзи ўртаси қип-қизил гулли тортга тушди. Маза! У тортга қўлини чўзган эди — етмади. Яқингинадаги стулни қўйиб, чаққонлик билан ўрмалаб чиқди, тортнинг гулли жойига чангал урди. Биттасининг гулини тамомлаб, иккинчисига қўл чўзаётганда ойисининг овозини эшитди.

— Вой ўлмасам, нима қилиб қўйдинг! — ойиси югурганча келиб, уни стулдан олиб, ташқари судради. Эшикдан чиқаверишда Хуршиднинг кўзи тошойнага тушди: бурни, юзлари оппоқ. Худди циркдаги амакидай. Ойнага қайта ўгирилиб қараркан, билаги билан бурнини артди. Ойиси ҳамон жавварди: — Энди мен нима қиламан, бирпас шошилмасанг-ку, ўзим кесиб берардим.

Ойиси уни чўмилтирди. Патли сочиққа ўраб, ўзи ўйнайдиган уйга олиб кирди. Хуршид гилам устида бир думалаб, ўрнадан турди-да, очилиб кетган сочиқни оёқчалари билан тепа бошлади. У семизгина, думдумалоқ. Ойиси уни зўрға қувиб тутаркан, қиқир-қиқир кулар, лабчаларини чўччайтириб, аллақандай овозлар чиқарарди. Янги кийим кийдираётганда Хуршид баттар қувнаб, ойисининг бўйнидан ачомлаб олди. Матросча кўйлақ ва қисқа шимининг чўнтақларига қўлини тикиб кўрди. Ойиси унинг энсиз елкаларидан тутиб, пушти, намчил, нуқра юзчаларига ширин бир меҳр билан боқди. Шу пайт Хуршиднинг бурни билан қош оралигида майин ажинлар пайдо бўлди, оғзи ярим очилди... аксирди. Ойиси: «Ўҳ, урди!» — дея сочиқнинг учи билан унинг

бурнини қаттиқ артди. Хуршиднинг бурни ости қип-қизариб, кўзларида ёш айланди.

— Қаердасизлар?— уйга отаси кирди. Хуршид бурун остининг оғриганини ҳам унутиб, отасига қараб югурди, отаси чўнқайган эди, унинг бўйнидан ачомлаб олди. «Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбдан табриклайман, ҳурматли Хуршид Савриевич!»— деди отаси йўгон овозда, унинг бетларидан «чўлп-чўлп» ўпаркан. Хуршид ўзини отасининг билагига ташлаб яйради. Отаси ўрнидан турганда унинг қўлларига осилиб, оёқлари орасида арғимчоқ учди.

Ота хурсанд, она шод, бола бахтиёр.

— Қани, онаси, тезроқ бўлинг, ҳали-замон меҳмонлар келиб қолишади,— деди отаси. Хуршид: «Меҳмонлай, меҳмонлай!»— деганча ирғишлаб, ташқарига отилди. У қўшни болаларга бориб қўшиларкан: «Мени туғийган куним бой!»— деди мақтаниб. Унга ҳеч ким эътибор бермагач, ҳафсаласи пир бўлиб, уйга қайтди. Ойиси ошхонада экан.

— Ойи... туғийган купим тани?— дея сўради ойисининг оёқларига ёпишиб. Ойиси қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Туғилган кунинг кечқурун бўлади... меҳмонлар келганда!— деди унинг бошини силаб.— Бор эди, болам.

Хуршид қўшни хонага кириб, кеч бўлишини кута бошлади. Уй бурчида тўнтарилиб ётган пачоқ «самосвал»га ип боғлаб, унинг у бошидан-бу бошига «дириллатганча» бориб кела бошлади. Кейин биқинига «Молоко» деб ёзилган сариқ машинасини «самосвал»га қўндаланг қилиб юклаб, оҳиста судрай бошлади. Тезда бундан ҳам зерикди. Катта уйга яна бир бор кирмоқчи бўлди. Борса, эшик очилмади. Узоқ уннади. Очилмади. Ўтириб олиб, овози бориचा йиғлашга тушди. Отаси келиб:

— Нега йиғлайсан?— деб сўраган эди, оёқларини типирчилатиб, баттар йиғлади.

Шу аснода дарвоза қўнғироғи жиринглади. У ҳам кўзларидаги ёш билан отасига эргашиб, дарвозага югурди. Ҳовлига учта амаки кирди. Иккитасининг бўйи отасиникидан баланд, биттасиники отасиники билан барабар. Олдинги амакининг қорни катта. Ҳар учала амакининг ҳам қўлтиқларида қоғозга ўралган нарса. Нима бўлди экан? Ошхонадан ойиси югуриб чиқиб, меҳмонларни хурсанд қарши олди. Қорни катта амаки, кейин бошқалари ҳам қоғозга ўралган нарсаларини ойисига беришди. Ойиси ошхонага, отаси билан меҳмонлар катта уйга йўл олишди. Улардан кейин яна битта амаки, иккита хола келди. Уларни ҳам онаси: «Хуш келдийизлар», деб қарши олди. Хуршид уларга аграйиб қарар, ўзига этибор бермаганларидан ўксиниб, бир четда мунғайиб турарди. Чунки, уларнинг уйларига бундан олдин келган меҳмонлар доим уни ўпиб, юзига секин уриб қўйишарди. У ҳам меҳмонларга эргашиб, катта уйга кирди. Ҳамма ўзича гапирди. Отаси радио ёнида. Музыка янграйди. Қорни катта амаки тўрда, гулдираб кулади. Хуршид бурчакка қисилиб, уларга ер остидан қарайди. Ён томондаги хола унга қараб жилмайди. Тишлари тилла. Ярақ-ярақ қилади.

Хуршид ғизиллаб ташқари чиқиб кетди. Бир оздан кейин қайтиб келиб, аввалги жойини эгаллади. Тилла тишли хола унга қараб, такрор жилмайганда, у ҳам жилмайди. Унинг тишига чойнинг ялтироқ қоғози қонланган эди. Хола бир қаради-ю, кейин қоғозни солиб, четга бурилди. Хуршид «аччиғи чиқди» деб ўйлади, секин оғзидан сохта тишини олиб, бармоқлари орасида эзгилаб, шарикча ясай бошлади. Шу орада уйга меҳмонлардан яна беш-олти киши келди. Столнинг охирида ўтирган сочи кўп тоға унга қараб туриб жилмайди, кейин ўнг кўзини қисиб қўйди. Хуршид ҳам унинг қилиғини такрорларкан: «Яхши тоға...»— дея кўнглидан кечирди.

Бир оздан кейин қорни катта амаки ўрнидан туриб,

йўғон овозда бир нималар деди. Хуршид ўзининг отини эшитганда, диққат билан қулоқ сола бошлади.

— ...Вот так, Хуршиджон бизнинг энг талантли укамиз, ўзи ёш бўлишига қарамай республикада хизмат кўрсатган артист деган шарафли унвонга сазовор бўлган Саврижон Салимовнинг нури дийдалари, тўнғич фарзандлари... тўғри, агар ўтган йили туғилган фарзандлари ҳам бўлганда эди... хўп, бунинг зарари йўқ, бундақа неудачнийликлар ҳаётда бўлиб туради... мен имкониятдан фойдаланиб, Саврижон Салимовнинг талантлари ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. Дарҳақиқат, у киши театримизнинг ёш, умидли ва истиқболли актёрларидан. У киши бошқартистларга хос бир-бирини кўра олмаслик, жиззакилик, боринги, ичиқоралик хислатларидан тамоман тоза ва мусаффо. Мен у киши билан илк марта театршунослик институтининг фойесида...

Хуршид бу сўзларнинг фарқига бормайди, боши оғирлашиб, ғувиллайди. Пойгакка яқин жойдаги стулда ўтирган отасининг оёқларига суйканади. Отаси уни кўтариб, тиззасига ўтқазаркан: «Жим ўтир!»— деб ўпиб қўяди. Меҳмонлар қадаҳларини уриштириб, ичишади. Тилла тишли холанинг юзи худди «дори» ичгандек буришиб кетади. «Аччиқ экан...»— ўйлади Хуршид. Бир қарсакдан кейин отаси уни ерга тушириб, ойиси узатган олача тўнни «қорни катта амаки»га кийдиради. Ҳамма қарсак чалади. Отаси «қорни катта амаки»ни зўрға қучоқлаб, ўпади. Яна чапак. «Ҳе-ҳей, қизиқ бўлди...» — ўйлади Хуршид. Отасиям, ойисиям ташқари чиқиб кетгач, Хуршид нимагадир ўзини ноқулай, якка ҳис этади, бошини эгганича уялиб туради. Қулоғига вилкаларнинг товоқларга бир маромда тегиб турган «шиқ-шиқ»и эшитилади. Хуршид ер тагидан меҳмонларга қарайди. Ҳамма кулиб турибди, у бир оз дадиллашади. Ҳамма ўз гапи билан овора.

У стол қиррасига осилиб, вазадаги олмага интилади. Боядан бери унга икки-уч марта кўз қисиб, кулиб қўй-

ган «яхши тоға» битта олма олиб беради. Хуршид, «яна, яна», дея столга сакрайди. «Яхши тоға» яна битта олма беради. Хуршид иккала олмани икки қўлида кўксига қисганча эшикка томон бурилади. Шу пайт ойиси қайтиб кираётганди. У чопқиллаб, ойисига ташланади ва битта олмани унга тутқизади. Хуршид ойиси билан келиб ўтираркан, яна ўз номини эшитиб қолади. Дераза ёнида бир амаки сўзларди.

— ...Хуршидجونнинг туғилган кунлари шундай бир даврда ўтяптики, шонли халқимиз, шу жумладан, бизнинг театримиз ҳаётида жуда катта воқеалар содир бўлаётган бир пайтда... бу ҳақда ҳали сўзга чиққан театримизнинг отахони, ҳурматли Шодмонхон акамиз ҳам жуда яхши гапларни айтдилар. Азиз дўстлар, маъна қаранг, бугунги юбилей, то-сс, именина дастурхонини товуқдан тортиб тортгача, ароқдан тортиб коньяккача безаб турибди, турли хилдаги закускалар, ҳаммаси муҳайё...

Хуршиднинг боши тагин ғувиллай бошлади. У гапирётган амакининг бошида уй шифтида осилган люстранинг ғужум чироқларини кўради... Қизиқ! Ойисидан секин сўрайди:

— Ойи, ану амакимми чочлайи тани?— Ойиси пешанаси ялтироқ, ориқ театр суфлери Шоназар акага қарайди, кулгисини билдирмаслик учун қуйи лабини тишлаб, Хуршидни жеркийди.

Хуршид кўзларини очиб-юма бошлайди. Дастурхонга янгидан келтириб қўйилган кабобдан унинг ҳам егниси келади. Хайрият, онаси ташқари чиқди. Хуршид ўзига олма берган «яхши тоға»га қарайди, у ёнидаги хола билан гаплашиб ўтирарди. Нима қилиш керак? Столнинг тўридан қўйиб келинаётган қовурдоқдан буғ кўтарилади, сочи йўқ амаки бўлса ҳамон сўзлар, чамаси, қўйилаётган қовурдоқ ҳақида гапирарди. Ана, ниҳоят, «яхши тоға» ўз олдида товоқ учун жой очади. Хуршид бир оз мулоҳазали қараб туради, сўнг эрқаланиб бориб,

«яхши тоға»нинг тиззаларига суйканади. Меҳмон битта суяк олиб, болага тутқизади. Хуршид суякни олади-ю, икки қўллаб, огзига элтади, бошини қийшайтириб, узоқ мужийди. Чандир экан. У қўлидагини секин стол устига ташлайди ва «яхши тоға» нинг тиззасига ёпишиб, энди ўзи столга кўтарилмоқчи бўлди.

— Ана холос, ҳамма жойимни ёр қилиб юбординг-ку!— дейди «яхши тоға» унинг билакчаларидан қаттиқ ушлаб. У қайтиб ерга тушади, «яхши тоға» бўлса рў-молчаси билан шимини тозалайди. Бу воқеадан хабар топган ойиси уни қаттиқ жеркиганча судраб, аввалги жойи — эшик ёнидаги бўш стулга ўтқизади.

— Ана шу ерда кўмилиб ўтир!— дейди паст, шиддатли овозда. Хуршид бошини кўксига солганча бирпас пишиллаб ўтиради, ҳамма ўзи билан овора. Ҳеч ким унга эътибор бермайди. У нима қилишини билмай, бош бармоғини сўра бошлайди. Зеркади. Оёқларини ўйнатади. Бир вақт яна у ўз отини эшитиб қолади.

— ...Мен Хуршидjonнинг ойилари ҳақида гапирмоқчиман,— дея сиполик билан сўзларди «тилла тишли хола».— Ҳақиқатан ҳам Шоҳистахон ўз номларига яраша, исмлари жисмларига монанд жувон. У киши менинг қизликдаги дугонам. Ҳали эсимда, биз институтда ўқиб юрган вақтимизда мен атлас кўйлак тикдирсам, иккита тикдирардим, у киши бирор туфли олсалар битта эмас, иккита олардилар. Иккаламизнинг ҳам размеримиз бир эди-да. Ҳали-ҳали баъзи бировлар мени кўриб қолишса, сиз Шоҳистанинг синглизимисиз, деб сўрашади.

Ойиси пойгакда туриб қичқиради:

— Синглизисиз эмас, опасимисиз, деб сўрашса керак?!

Ҳамма кулади. Хуршид ҳам ўз-ўзидан жилмаяди, ер остидан «яхши тоға»га қарайди. У ҳам кулиб ўтирибди. Меҳмонлар «тилла тишли хола»нинг гапидан кейин ўз қадаҳларидагини ичишади. Ойиси ҳам ичади. Уларга маза. Хуршиднинг ҳам сув ичгиси келиб кетади, чаққонлик билан студан тушиб, ҳуркибгина «яхши тоға»нинг

биқинига бориб тиқилади. Лекин «яхши тоға» ундан ха-фа — четга бурчилиб олган. Хуршид кичкина кафтчаси билан «яхши тоға»нинг тиззаси устида қовуштирилган ўнг қўлини оҳиста сийпалайди. «Яхши тоға» эъгибор бермасдан, ёнидаги киши билан сўзлашади. Хуршиднинг юраги сиқилади. Сув ичгиси келади. У оёқлари учида туриб, шишага қўл чўзади — қўли етмайди. Дик этиб сакрайди — яна етмайди. Иккинчи марта сакраганда сув тўла шиша тарелка устига ағдарилади. Даҳшатли овоздан Хуршид чўчиб тушади, сўнг апил-тапил стол остига биқинади. «Яхши тоға» ўрнидан туриб кетади.

— Оббо... энди буниси бормиди?! — дерди у шимига тўкилган сувни дастрўмоли билан сидираркан.

Меҳмонларнинг «сув — ёруғлик» дейишларига қарамай, ойсиди Хуршидни стол остидан судраб чиқаради, унинг кўзлари ёшли, ойсига илтижоли қарар, меҳмонлардан мадад сўраб жавдирарди. Хайрият, ойсиди урмади.

— Юр энди, уйқунг келди! — дея уни судрагандек қилиб нариги уйга олиб ўтади. Бурчакдан бир уюм ўйинчоқларни олиб, унинг олдига ташлайди:— Ма, мана буларингни ўйпаб ўтир, меҳмонлар уят қилишади... уйга ўта кўрмаки...

Хуршид тескари қараб ғингшийдди:

— Туғийган куним тани?

Ойсиди эшикка йўналаркан:

— Эртага топиб бераман! — дейди ишонтириб.

Хуршид ўйинчоқларига қиё ҳам боқмай, узоқ ўтиради. Зерикади, юраги тўлиб, кўзларига ўз-ўзидан ёш келади. Хўрсинади. Унсиз йиғлайди. Шу ҳолича кичкина гавдаси эгила-эгила оҳиста биқинга ағдарилади. У оёқларини чўзиб, қўлларини ёнга ташлайди. Унинг бир оз синиққан, лўппи юзчаларида кўз ёшлари қотиб қолган, пишиллаб нафас олади.

Қўшни хонада ҳамон унинг тугилган кунини нишонла-

нар, меҳмонларнинг бири отасини мақтаса, иккинчиси онасини мақтарди. Аҳён-аҳёнда у уйқу аралаш ўз номи эшитганда:

— Туғийган кунимми бей... бей!— дея ғингишиб қўяр, чамаси аллақандай қўрқинчли, мавҳум тушлар қўрарди.

ҚИТИҒИ УЛМАГАН ҚИЗ

Эски шаҳардаги ёшларнинг ярмига яқинини ижарашин студентлар ташкил этади. Политехника институтининг тайёрлов курсида ўқийдиган, юқори лабининг икки чети сал қорайган Салимжон ҳам отасининг ошнаси — Хўжа аканинг ташқиссидаги болохонада туради. Болохонанинг жиҳози жўн: ўртада қўлда ясалган пастаккина стол, икки томонида иккита йиғма каравот. Бу каравотларнинг биттасида Салимжон ётса, биттасида Хўжа аканинг якка-ярим келиб қоладиган меҳмонлари ётади. Мабодо меҳмон икки киши бўлса, Салимжон пастдан эски шолча олиб чиқиб, ерга тўшаб жой қилади. Болохонани бегаб турган яна бир анжом пойгакка қўйилган, нақши ўчиб қолган қадимий сандал. Унинг устида Салимжоннинг «Физика», «Химия» китоблари ва дафтарлари сочилиб ётади. Эшик биқинида кўндаланг қўйилган бир жуфт пишиқ ғишт устида электр плитка, унинг устида эса қориндор кўк чойнак.

Салимжон дилкаш баҳор оқшомларидан бирида дарсдан эртароқ қайтиб, шу чойнакни олиб ташқари чиқди. Томнинг кўчага оқадиган тарнови ёнига чўнқайиб қўл-бетларини ювар экан, ўйларди: «...Қизиқ, авваллари бунчалик эмас эди... икки-уч кундан бери кулиб қарашлари бошқача...» У нима сабабдандир тахирлашган оғзига илиқ сув олиб чайқай бошлади: «Ўзиям, характериям яхши, юз тузилишим ёмон эмас. Кўзлари қоп-қора, фақат гавдаси... хўп, гавдаси бир оз каттароқ

бўлса нима? Тожи амакимнинг хотинлари ўзларига иккита келади-ку». Қўлига сув қуйиб ҳуснбузар тошган юзларини, қип-қизил бўйнини ишқалаб-ишқалаб юваркан, ўйлашда давом этарди: «Э калла, ҳали институтни битирдинг-у, бу Сорахонга уйландинг-у... Уҳў... йўқ, ҳар қалай севади, севмаса ўзини нега бунчалик яқин олади...» У юзларини ювиб бўлиб, кўк чойнакни кўтариб уйга кирмоқчи эди, дарвоза занжири шақиллаб қолди: «Оббо, яна меҳмон бўлса-я, илоҳим бир киши бўлсинда!» — хаёлидан кечирди. Салимжон қўлларини қўлтиғига арта-арта пастга тушар экан, дарвоза яна тақиллади. Бориб дарвозани очди. Шодликдан кўзлари порлаб кетди: остонада ўзидан икки ёш катта, сирдош тоғаси — Зокиржон енгил чайқалиб турарди. Иккаласи қўл олиб кўришишди. Салимжоннинг димоғига хом пиёз ва арақ ҳиди урилди, Зокиржон тутилинқираб гингшиди:

— Ссалим, Салим, Ссалимжон... бу тоғангиз Зокиржон тўғри Бухоройн шшарифнинг бозори ша...шабидан келяптилар, а, кирамизми ё...

Қўлтиқлашиб болохонага кўтарилишди. Зокиржон тўрдаги каравотни шиқирлатиб ўтирди, эскирган кўк телпагини бошидан олиб стол чеккасига итқитаркан, семиз лунжларини тўлдириб «уҳ!» деди. Салимжон дастурхон ёзиб, чой дамлади.

— Керак эмас, керак эмас!— деб қўл силтади ёнбошлаган жойида Зокиржон.— Ётиб олиб чақчақлашамиз.

— Хўп, ҳозир, бир пиёла чой ичинг.

Зокиржон жияни қуйиб берган чойни кичик-кичик хўшлаб ичди. Бир оздан кейин икки қатор ажибли тор пешанасида тер йилтиради.

— Бўлди, бошқа ичмайман,— деди у кафти билан терини артиб,— биласанми, Салимжон, шу Ҳоди тоға бор-ку, жуда ажойиб одам, ёшга ёш, қарига қари, ажойиб... бозорга пиёзини олиб келувдик... Иккаламиз

«Шарқ»қа кириб, иккита оқ ичдик... шшу Ҳоди тоғанинг қизини ҳам биласан-ку. Ноилани...

— Ҳа, ҳа!— Кўзларини жавдиратди Салимжон. Тоғаси қиқир-қиқир кула бошлади.

— Сигир согади-ку, доярка.

— Ҳа, ҳа, биламан!

— Бай-бай, ҳозир бир билқиллаган, бир шўх қиз бўлганки...— Зокиржон қуйи лабини тишлаб бош қимирлатди,— вой-вой, бир нозла қиладики... ўтган ҳафта шанба куни...

Зокиржон жимиб қолди. Салимжон унинг тўзғиган сочларига, мастона мўлтираётган қисик кўзларига қараб турарди. Ниҳоят, у:

— Хўш, ўтган ҳафта шанба куни нима бўлди?— деб сўради.

Зокиржон огзининг танобини қочириб кулди, қуйи лабини аранг йиғштириб, яна бош чайқади, кейин жиддий оҳангда деди:

— Қўй, яхши эмас, биров эшитса...

— Айтинг қани, шунча вақт бирор гапни бировга айтувдимми?

— Ҳар ҳолда...

— Ҳа энди, нима бўлди... ҳа!

Зокиржон чекиб турган папириси қолдиғини ташлаш учун ўрнидан турмоқчи эди, Салимжон унинг қўлидан ичи тупукли папирос найчасини олди-ю, эшикдан улоқтириб келиб жойига ўтираркан, қайта қистади:

— Ҳа, бошланг энди, эштайлик.

— Хўп бўлмаса, оғзингдан чиқарма... шшшу Ҳоди тоғанинг қизи, сигирхонада ишлайдиган Ноила бор-ку, доярка, қаймоқдай қиз бўлган-да, бир билқиллаган қиз бўлганки... вой-вой... ўзиям жонон-да, бир нозла қиладики: «Зокиржон ака, бунча чиройли куласиз», дейди. «Ҳар қалай сизнинг кулгингизга етмаса керак, Ноила-хон», дейман. Қаққос уриб кулади, кўзлари билан одам-

ни сув қилиб юборади. Ҳа, ўтган шапба кун қўлга тушди.

— Қўлга тушди?!

— Ҳа, қўлга тушди, бай-бай, бир қизки... ўтган шапба кун Ҳоди тоға уйга чақириб келди. Ойим чиқиб, уйга олиб кирдилар, чой ичдик. «Зокиржон, тушдан кейин молхонага бир тележка қум элиб ташланг?» деди. «Хўп», дедим! У киши чиқиб кетишлари билан ўйладим: «Ҳозир элиб ташласам-чи, бекорман-ку...» Шундай қилдим. Тележкани элиб бўшатдим. Қарасам, катта молхонада бир Ноилахоннинг ўзгинаси. «Қолганлар қани?» — дедим. «Ҳали замон кетишди», дейди сигир соғиб ўтирган ерида... Бай-бай, устида қизил паранги кўйлак, сигир соғиб ўтирибди, орқасида икки ўрим сочи ер сийпалайди. Оҳ... Яқинроқ бордим, ўрнидан туриб, огилнинг қоронғи бурчига қараб кетаверди. Изидан боравердим. Бир оз юргач: «Ноилахон!» — дедим. «Жон», деб хандон отиб кулди.

Салимжон ўтирган ерида қимирлаб, томоқ қирди. Зокиржон бир чўчиб тушди-ю, кўзларини хиёл юмди.

— Хўш, кейин, кейин нима бўлди?

— Мен молхонага келмас эдим, эрталаб Ҳоди тоға уйимизга чақириб бордилар. Ойим эшикка чиқиб, уйга олиб кирдилар. Чой-пой ичгач, Ҳоди тоға: «Зокиржон, пешиндан кейин молхонага бир тележка қум элиб ташланг», дедилар. У киши чиқиб кетгач, ҳозир вақт бор-ку, деб ўйладим, кейин бир тележкани тўлдириб молхонага борсам, Ноиладан бошқа ҳеч ким йўқ... бай-бай-ей, устида қизил паранги кўйлак, сигир соғиб ўтирган экан, икки ўрим сочи ер сийпалайди,— Зокиржон лаб тишлаб, бош чайқади,— оҳ-оҳ, ўрнидан туриб, қўлидаги челакни бир ёнга қўйди-ю, молхонанинг қоронғироқ бурчига қараб кетаверди, менам унга эргашдим. «Ноилахон!»— дедим. «Жон», деб хандон отиб кулди. Бай-бай, тишлари маржон, юзлари нуқра... Беда ва сомон

гарам ёнига етганда секин орқадап бориб қўлидан тутдим, индамади...

— Индамадими, а?!— деди Салимжон ютиниб, кўзларини жавдиратиб.— Кейини, кейин нима бўлди?

Зокиржон семиз лунжини шишириб «уҳ!» деди, қалтироқ бармоқлари биллап папирос олиб тутатди.

— Хўш, кейин нима бўлди?

— Тўғриси, ман молхонага бормоқчи эмас эдим,— дея оғиз-бурнидан тутун чиқариб сўзини давом эттирди Зокиржон,— шанба куни эрталаб Ҳоди тоға уйимизга чақириб келди. Ойим чиқиб...

— Буни айтдингиз!— мулоим, босиқ овозда норозиланди Салимжон.— Молхонанинг қоронги бурчида Ноилахонга етиб олиб қўлидан тутдингиз, у ҳеч нарса демади, ана шу ердан у ёғини айтинг.

Зокиржон сергақлангандек бўлди, кейин атрофида парвоналар гулгун ўйнаётган лампочкага тикилиб енгил хўрсинди:

— Шшу Ноилахоннинг орқасидан бордим, кел, шу чарс қизнинг бир қитигини ўлдирай, дедим. Ўзиям серқитиқ-да! Секин бориб қўлидан тутдим, индамади, ўгирилиб, маржондай тишларини кўрсатиб жилмайиб турибди, қўлимни иссиққина кафтдан юқорироққа — юмшоққина билакка кўтардим... оҳ-оҳ...

— Хўш-хўш!— Салимжон каравотни шиқирлатиб ўрнашиброқ ўтирди.— Юмшоққина билагидан ушладингиз!

— Юмшоққина билагидан ушлаб шундай қучоғимга тортдим!

— А-ҳа, ҳа!— Салимжон елкаларини асабий тўлгантириб, қўлларини тиззаларига тираб, унга яхшироқ қадалиб олди.— Ҳеч нарса демадими?

Зокиржон ўрнидан туриб папирос қолдигини ташламоқчи эди, Салимжон қўймади:

— Ташлайверинг оёқ остига! Хўш... ққани?— деди.

— Билқиллаган Ноилахонни, биласан-ку, Ҳоди то-

ганинг қизи, доярка, шундай дўндиққина, асти сўрама, юмшоққина билангадан тутиб шундай ўзимга тортдим, у бўлса кўкрагимга бир мушт урди-ю, «ипарт» этиб эшикдан чиқди-кетди. Тўғриси, кўкрагим ҳечам оғримади, ақалли битим ҳам ўлмади...

— Хўш, кейин нима бўлди?

— Ҳеч нарса, кўкрагимга уриб қочиб кетди, қиз болаининг мушти нима бўларди дейсан, ақалли битим ҳам ўлмади...

Салимжон туриб эшикни ёнаркан:

— Тамомми?— деб сўради.

— А... ҳа!— деди Зокиржон ёнбошлаган ерида уйқули кўзларини аранг очиб, кейин устки кийимлари билан яхшироқ ётиб олди. Салимжон: «Ечиниб ётинг!» — деди, тоғаси кўнмади. Бир оздан кейин у ҳам чироқни ўчириб, жойига кирди. Салимжон бемор кишилардек узоқ вақт ухлай олмай, у ёқ-бу ёққа агапаб чиқди. Кечанинг алламаҳалида боши гувиллаб, кўзи аранг илинган эди, ғира-шира туш кўрди: Янги шаҳардаги «Ором» хиёбони. Қушлар чуғурлашади, болалар чопқиллашиб ўйнаб юришибди. У айланиб-айланиб ўртадаги фонтан ёнига келди. Серилдиз букри дарахт танасига таргил сигир боғланган. Атлас кўйлакли бир қиз сигирининг сағрисига шапатилаб «шовв-шовв» соғиб ўтирибди, орқасидаги икки ўрим сочи ерда тўлғанади... У яқинроқ борди, сигир ғойиб бўлди, атлас кўйлакли қиз — Сорахон экан. Қоп-қора кўзларини ўйнатиб қиқир-қиқир кулиб турарди. У бундан олдин ҳеч туймаган, кўпирган бир туйғу билан Сорахонни ўзига тортди. Сорахон хандон уриб кулди-ю, унинг кўкрагидан қаттиқ итарди.

«Их... гурсе!» Бу овоздан Салимжон уйғониб кетди. Қимирлаб кўрди: каравотдан йиқилиб тушган, стол поясига теккан елкаси жизиллаб оғрир, тоғаси Зокиржон «шхурр-шхурр» қилиб хуррак отар, ташқарида томи оқариб келарди. У ўрнидан секин қўзғалиб, стол тагидан Зокиржонга разм солди: семиз одамнинг киндиғидек

огзи ярим очилиб қолибди... Салимжон мийғида жилмайиб қўйди, сўнг оҳиста юриб пойгакка борди-ю, плитка устидаги кўк, қориндор чойнакдан бир қултум сув ичди...

Ч А Қ И М Ч И

Директорнинг холаси вафот этиб қолганлиги сабабли комбинат ходимларини якшанба куни пахтага маҳаллий комитет раиси, урушда бир қўлини бой бериб келган — Иззатулла ака олиб чиқадиган бўлди. Эрталаб шаҳарнинг қоқ марказидаги биринчи ҳаммом олдида тўпланишди. Ун нафар сартарош, этикдўзлар цехидан беш киши, идора ходимларидан ўнга яқини кичик автобусга тушиб, шаҳарга яқин «Роҳат» колхозига йўл олишди. Колхоз идораси олдида уларни галифе шим, кўк брезент этик, бошига хас шляпа кийган, эни билан бўйи баб-баравар партия комитетининг секретари кутиб олди. У олдинда ўтирган Иззатулла аканинг чап қўлини олиб кўришди, бошқаларга «яхшимисизлар» деган маънода бош силкиб қўйди.

— Қани, бизга пайкални кўрсатинг,— деди Иззатулла ака кулиб,— бу азаматларнинг ҳар қайсиси бир «зангори кема»ча пахта теришга қодир...

Партком секретари автобустагиларга кўз югуртиб чиқди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулганча идора томонга қараб овоз берди:

— Очил, ҳо Очилвой!

Идорадан ранги бир оз унниққан, кўк катак кўйлак кийган, боши каттароқ, қорачадан келган бир йигитча чиқиб, автобус томон югуриб келди.

— Чиқ машинага!— буйруқ берди партком секретари.— Буларни Қирработ участкасига, Низомбойни бригадасига олиб бор!

Очилвой машинага ўтпди. Шофёр унинг кўрсатиши

билан машинани қишлоқнинг юқоридаги жинқарча қумоқ йўлдан ҳайдаб борар, ҳар замон-ҳар замонда: «Ҳали узоқ юрамизми?» — деб сўраб қўярди. Автобус эски, лойшувоқ уйларни ортда қолдириб, янги типда қурилатётган молхона ёнидан чапга бурилганда лупжи осиқ, каттакон сариқ ит отилиб чиқди ва анча ергача ҳуриб, эргашиб келди. Ҳамма деразадан қараб, баъзи бир шумроқлар қўлларини чиқариб, итга «ол, ҳа-ол» дея кулиб қийқиришарди. Бу ҳолдан онаси билан бир ўриндиқда ўтирган, кассир жувон — Маликахоннинг саккиз яшар ўғли айниқса завқланиб кулар, машина ойнасидан отилиб чиқмоқчи бўларди гўё. Онаси уни: «Ўтир-э!» — дея босиб қўяр, бола бўлса завқ билан ирғишлашини қўймасди.

Машина шийпон ёнига келиб тўхтади. Ёрдамчилар машинадан тушиб, қўлларидаги сумкаю сеткаларини яккаю ягона балиқтутнинг шохига илиб қўйишди, баъзилар устки қалин кийимларини ечишиб, нарсаларини ўраб-чирмаб тозароқ ерга уйиб ташлашди. Очилвой шийпондан йигирма иккита фартук олиб чиқиб, ёрдамчиларга бўлиб берди.

— Ўй бола,— деди Гриша деган миқтидан келган, ўзлари оппоқ сартарош Очилвойни чақариб,— бу, заминларингни ҳаммаси пахтами?

Очилвой унга бир қаради-ю, мағрурланиб:

— Бўлмасам-чи, ҳали бу нима,— деди кафтини ўйнатиб,— пахтани кўраман десангиз анави захкашдан нарига ўтинг.

— Ҳаммаси пахтами?— сўради яна Гриша.

— Ҳа, ҳаммаси пахта, ўн гектар ерга маккаям экканмиз.

— Ҳе, нодонлар-э,— Гриша майин овозда ҳиринглади,— шу заминларни ярмисини харбуза, харбузани биласиз, қовун экиб ташласангизлар-ку, ўзларингизга-ям, бизга-ям мацца бўларди. Қаён қарасам пахта, қаён қарасам пахта...

— Қовунимиз ҳам бор, ака,— деди Очилвой эпсаси қотиб,— йнгирма гектар қовун ҳам экканмиз, қовун есангиз бурнингиздан чиққанча топиб берамиз.

Иззатулла ака, қалай, ўсал бўлдингми дегандек, Гришага бош силкиб қўйди-да:

— Қани, укалар, бўлинглар энди!— деди.

Ҳамма теримга тушиб кетди. Очилвой балиқтутпинг мустаҳкамроқ шохига қўл тарози осиб, пахталарни пешма-пеш ўлчаб олишга тушди. Сарғиш булут орасидан қуёш гўё тутилгандек кўзга ташланиб, юқори ўрмаларди. Кунчиқардан бошланиб, қибла уфққача бориб тақалган зовур ён бағирларига нурсиз соя тушди. Эргалаб қўзгалган куз шамоли аҳён-аҳёнда кучайиб, пахтазор юқорисидаги шўристоннинг майин хокини тўзитиб, гирдибод қилиб ўйнарди. Ана, шамол зўрайиб, турли хплдаги сарғиш хас-хашаклар тўзон аралаш зовур ён бағирларигача судралиб борди, унга яқин ерда гирдибод қўзғалиб, кўкка кўтарилди.

Пахта хирмони устига чўзилганча жин тўполонни кузатаётган Иззатулла ака ўзича табиат ҳодисаларини ҳаёт ҳодисаларига муқояса қилиб кўрарди.

«Қизик, табиатдаги бир муддатлик кичик бир алговдалгов дала-тузда шунчалик ўзгариш ясади. Четдан қараганда бу одамлар учун унчалик сезиларли эмас. Ҳолбуки шу гирдибод ер бағрини тимдалаб, қанчадан-қанча тупроқ зарраларининг жойини бегона қилди, яна қанчадан-қанча ўсимликларнинг қуриган таналарини осмонга пирпирак қилиб учирди, кўп гиёҳларнинг илдиз ости тупроқлари кўчиб қадди букилиб қолди». Иззатулла ака шу сингари интиҳосиз ўйларга берилган. Ундан сал нарироқда сарғиш майса устида чўнқайиб ўтирган Очилвой бир вақтлар тугма чок бўлган, кейинчалик врачлар томонидан ямаб қўйилган юқори лабини жиғирганча хиргойи қиларди:

Боқадн қиё-қиё,
Қошига ўсма қўйиб...

Унинг овози аллақандай хириллаб, палағда чиқарди. Иззатулла ака ўрқидан қўзғалиб, унга кулимсираб қаради. Очилвой эътибор бермай, бошини сарак-сарак қилиб, тиззаларини чилдирма оҳангида савалар, пайкал томондан келаётган Маликахонга қараб, муқом қиларди:

Ҳе-е боқади қиё-қиё,
Қошчасига ўсма қўйиб...

Маликахон ҳаво ранг трико кийиб, бошини шафақ рангидаги ҳиндча дурра билан танғиб олган, бир фартук пахтани кўтарганча ерга қараб келарди, у пайкал жўякларидан энгил-енгил сакраганда юпқа трико остидаги семиз соплари лорсилларди. Маликахоннинг орқасидан ўғилчаси онасининг шол рўмолига тугнлган бир сиқим пахтани орқалаб келарди.

— Қанн ўлчанг-чи, қанча келаркин?

Маликахон этак боғичини қўл тарозига илди. Унинг юзлари бўғриққан, оппоқ тирсиллаган билаклари тирналиб, ғўза баргига тушган ширадан қорайган.

— Бемалол сураверинг,— деди у Очилвойга тилла тишларипи кўрсатиб жилмаяркан,— йигирмата чиқса керак.

— Хўш, ойтимулложон!— дея ишшайиб тарози тошини охиригача суради Очилвой.— Эҳ чиқмади... ана... э боринг, 17 кило!

Маликахон Очилвой ёрдамида пахтасини тарозидан оларкан: «Ашурни пахтасини ҳам ўлчанг!»— деди. Очилвой Ашурнинг рўмолдаги пахтасини тарозига илди. Бола тарозига пастдан қувноқ, жавдираб қарар: «Бир кило... уч кило!»— дея такрорларди. Ашурнинг пахтаси икки кило чиқди. Иззатулла ака Маликахоннинг фамилияси рўпарасига 19 рақамини ёзиб қўйди. Очилвой фартукларни бўшатаркан, тўнғиллади:

— Ойтимулложон, терсангиз тоза теринг, бунга қаранг, бутун ифлос!

Маликахон оралиги ўсма билан қуюқ туташтирилган қошларини ўйнатиб, бошини «алам қилсин» маъносида қийшайтирди.

— Тозасини ўзингиз теринг, мулло укам!— деди у чаққон ўгириларкан.— Ҳо... ана манга ақил!

Очил унинг таранг қоматига нафратомуз тикиларкан, қўлида пахтадан ажратиб олган барг ва хас-хашакни ушлаганча:

— Ахир пахтани сўрти бузилади, опа,— дея бўғиқ овозда қичқирди ва Иззатулла акага қараб, қўшиб қўйди:— Ака, сиз айтинг одамларингизга, бундай термасинлар, яхши эмас!

Иззатулла ака ётган ерида: «Хўп, айтаман!» — деди эринибгина. Очил Маликахоннинг нописанд гапирганидан жаҳли чиқди шекилли, Иззатулла аканинг гапини норози оҳангда: «Хўп, айтаман эмиш!» — дея такрорлаб қўйди. Иззатулла ака ўридан туриб, янги бўшатирилган пахтадан хас-хашакларни бир қўли билан ажратиб олишга тушди, унинг бу қилиғини кузатиб турган Очилвой хижолат чеккандек бўлди.

— Сиз хафа бўлманг, тоға, энди айтмасак бўлмайди-да,— деди юмшоқ овозда.— Ҳалиги аъзонгизни ўзи унақа-ю, яна кишини менсимасдан гапиради...

— Қанақа?— деди Иззатулла ака жилмайиб. Бундан Очил анча дадиллашди, кейин қўлларини боши тепасига кўтариб, калласини муқом билан икки елкаси томон олиб бориб келди. Иззатулла ака кулиб юборди.

— Тўхта-чи, кимни айтяпсан?— дея сўради кулгидан ўзини зўрға тийиб. Очилвой ўн беш-йигирма метр нарида ўғлини эргаштириб кетаётган Маликахон томон ишора қилди.

— Уша кишини отлари Маликахон эмасми?— дея ҳадиксираб сўради. Иззатулла ака «хўш?!» дея унга кулимсираб қаради. Очилвой икки қўли бармоқларини бир-бирига чалиштириб, раққосалардек қарс-қарс қилдиранкан:

— Ўша Маликахоинингиз ана шунақа!— деди кўзларини ибосиз ўйнатиб.— Шу йил августда икки марта бизни колхозга келувди. Бир марта ҳисобчини тўйига, яна бир марта Даврон тоғани тўйларига. Ўшанда жуда чиройли эди. Олмосми, парчами кўйлак кийган, бошида зардўзи дўпписа бор эди. Бир ўйнадики, ҳамма қойил қолди. Шу ҳуснию шу санъатига овози унчалик яхши эмас экан.

Иззатула аканинг кайфи учди, икки-учта оқ тушган қалин қошлари чимирилди.

— Наҳотки?— деди унинг капалаги учиб.

— Ишонмайсизми?— деди Очилвой жиддийлашиб.— Унда бригадирдан сўранг, айталла. Ман ўзим ҳам ана шу қўлларим билан ўн уч сўм қистирган эдим... кайфим бор эди-да...

— Ҳали сен ичасанамми?

— Мавриди келганда!— деди Очилвой кўзларини муғамбирона қисиб куларкан, юқори лабнинг тиртиги оқариб кўринди.— Винодан иккитасни юмалатган пайтлар ҳам бўлган. Ўша Даврон тоғани тўйи кечаси ҳам Маликахоини ўйинига қизиқиб, Шариф ака билан тўрт шиша ичбмиз. Шариф акани бир ўзлари 58 сўм ёпибдила... у киши аралаш қилиб ичгандила-да...

— Бўлмаган гап!— деди Иззатулла ака терсайиб.— Қайси аҳмоқ 58 сўм қистиради.

— Ишонмайсизми?— деди қизишиб Очилвой.— Эртасига янғачам Шариф ака билан уришиб, женсоветга бордила... яна ишонмайсизми, қасам ичайми?

— Қўй, бўлди, ишондим,— деди Иззатулла ака қўл силкиб, пари кетаркан.

Шу пайт шамол яна зўрайиб, пайкал юқорисидаги шўристоннинг майин тупроғини тўзитиб совура бошлади. Очилвой, бу киши мендан хафа бўлди чоғи, деб ўйлаб, ён томонга келиб, секин Иззатулла аканинг юзига қаради, сўнг:

— Тоға, мен бориб, анави тележка билан қовун,

узум келтирай,— деди. Унинг ҳали-замондаги қувноқлиги ўрнини аллақандай босиқлик эгаллаган эди.— Бўлмаса, ҳалиги одамингиздан балога қоламан...

Очилвой жўнаб кетди. Иззатулла ака яна хирмон устига қайтиб, атрофий кузата бошлади. Захкаш томондан базгалдоқнинг хафагазак сайроғи эшитилади, шамол қум зарраларини, турли хилдаги хас-хашакларни, яқиндаги балиқтутдан ажралиб тушган сап-сарик япроқларни шигирлатиб судрайди, пахтаси териб олинган, очик чангалга ўхшаш бўш чаноқли ғўза тупларини енгил чайқатади. Бетон каналга чиқадиган қумоқ йўлдан Очилвой кетиб боряпти. Унинг изидан ҳам енгил чанг кўтарилади. Иззатулла ака Очил ҳақида ўйлайди. Жуда қизиқ бола экан. Ўт-олов, бир вақтлар — урушдан олдин унинг ўзи ҳам худди шундай қизиққон эди. Йиллар ўтган сари инсон қони ҳам совий бораркан. Очилни қаранг, Маликахоннинг: «Ана манга ақил!»— деган гапи учун бир фурсатнинг ичида шунча гапириб ташлади... тавба... Маликахон... Наҳотки?!

— Ўзингиз ўлчаб оласизми?

Иззатулла аканинг хаёлини Маликахоннинг жарангли овози бўлди. Иззатулла ака бир юмалагандек бўлди-ю, ягона қўлига таяниб, ўрнидан турди. Маликахон фартукни тарозига илиб, ўзи тарози тошини сура бошлади.

— Ёзинг, 15 кило!— деди у Иззатулла акага суқлашиб боқаркан.

— Тўхтанг-чи!— деди Иззатулла ака унинг илтифотига парво ҳам қилмай тарози тошини кейинга суриб.— Қўлингизни олинг!.. Ахир, ўн килоям эмас-ку бу!

Маликахон қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Ҳе, ёзинг... анови лабчок бола йўқ-ку!

Иззатулла ака қип-қизариб кетди, Маликахоннинг сепкил тошган юзига, кейин сурмаси ўчган кўзларига тик қаради.

— Тўғри-ю, лекин, у: «Ўзингизга инсоф берсин!»—

деб кетди. Кейин одамни камситиш яхши эмас, Маликахон!

Маликахон семиз, бақалоқ сонига шапатилаб, оғзини кўкка қаратиб, завқ билан кулди.

— Ҳа-ҳа... бизни хўжайин ҳам ҳар хатларида ўзингга инсоф берсин, деб ёзадилар.

— Ҳар қалай, сиз жудаям ноинсоф эмасдирсиз!

Маликахон ҳеч нарса демади, лабини истиғно билан буриб, пахтасини хирмонга бўшатди, кейин юзи патли, сариқ шиппагини ечиб, қоқди. Шу пайт онасининг шол рўмолида катталиги коптокдек келадиган пахтани орқалаб, Ашур ҳам етиб келди.

Онаси Ашурнинг рўмолидаги икки чангал пахтани олиб этагига солди-да:

— Бас, ўтир амакигни ёнларига, чарчадинг!— деди. Ашур пахта хирмони устига ўмбалоқ ошди. Онаси: «Шўхлик қилма!»— деб пўписа қилгач, пайкалга тушиб кетди. Ашур пахта устида думалар, ўзини пахта билан кўмар, яна сакраб туриб, ўмбалоқ ошарди.

— Жим ўтир, Ашур!— дея пўписа қилди Иззатулла ака. Ашур хирмон устида чўккалаганча Иззатулла акага қараб, ширин жилмайди. Иззатулла аканинг меҳри қўзиб, унинг юзини оҳиста чимчиларкан:

— Ҳе, кампир!— деди.

— Нимага мани кампир дейсиз?— деди бола чангалидаги пахтани отиб уриб.

— Ахир кампирлардай тишларинг тушган-да!— деди Иззатулла ака боланинг юзини қайта чимчиламоқчи бўлиб. Ашур бошини нари олиб қочаркан:

— Ман кампир эмас,— деди бидирлаб,— кампирлани юзи бурма, кўйлагини енгилариям узун бўлади. Мани бувим кампир!

Иззатулла ака: «Бу Очилдан ҳам қув экан-ку!»— деб ўйларкан, яна Ашурнинг бурнини чимчиган бўлиб, эркалади.

— Сен ким бўлмасам?

— Ман Ашур!— деди бола митти кўзчаларини қисиб.— Ман катта йигит.

Шу орада уч-тўрт киши пахтасини ўлчатиб кетди. Ашур уларнинг пахтасини бўшатишга ёрдам берди. Иззатулла ака: «Молодес», деб уни рағбатлантирар, «Баракалла, катта йигит!» — деб эркаларди. Яна улар танҳо қолишди. Иззатулла ака хирмон устида кўзини юмиб ётаркан, қулоғи остида гўдак пичирлашини эшитди.

— Амаки!

— Нима дейсан, катта йигит?— деди Иззатулла ака кўзини очиб. Ашур секин сўради:

— Сизни отайиз борми?

Иззатулла ака ўрндан қўзғалди-ю, бир муддатга жим қолди. Сўнг чуқур бир «ух» тортиб: «Йўқ, отамни ўлганларига ўн беш йил бўлди!»— деб жавоб берди. Бола бошини солинтириб, қайгургандек жим қолди. Иззатулла ака:

— Нимага мани отамни сўрадинг, катта йигит?— деб сўради.

— Ҳеч нимага,— деди Ашур, кейин қўшиб қўйди,— мани отам қамоқда.

Бола «қамоқда» сўзини аламли, ўкинч тўла оҳангда айтди. Иззатулла ака унга раҳми келиб, далда бермоқ учун қараган эди, боланинг юзида аллақандай виқорли табассум кўриб; ҳайрон қолди.

— Нима учун қамоқда?

Ашур кафтчаларини Иззатулла аканинг ўнг қулоғига тутди.

— Отам магазинчи бўлганла,— деди пичирлаб,— кўп хотинла билан юрганла...

Иззатулла аканинг нафаси ичига тушиб кетди. Шу гапларни биринчи синф ўқувчисидан эшитаётганига сира ҳам ишонмасдан, болага кўзларини йириб қаради.

— Ким айтди?

Ашур Иззатулла акага ишонқирамай қаради. Кейин бошини қимирлатди.

— Йўқ, айтмайман... ман хабаркаш эмас!

— Майли, айтмасанг айтмай қўя қол!— деди Иззатулла ака ва қўлидаги рўйхат дафтарини тиззалари орасига қистириб, ягона қўли билан гул расмини сола бошлади. Ашур унга бир оз қараб турди, кейин зерикди чоғи:

— Айтайми ким айтганини?— деб сўради.

— Ихтиёринг!

Ашур яна Иззатулла аканинг қулогига кафтчаларини қўйди.

— Онам дугоналари Розия холамга айтдила...

Иззатулла ака дафтардан кўз узмай, беихтиёр сўради:

— Нима дедила?

— Айтдилаки, хотинла билан юриб-юриб, ахири рас- тарат қилиб қамалиб кетди, дедила.

Иззатулла ака дафтарни ёпиб, Ашурга қараб: «Сен жуда кўп нарсани биласан шекилли»,— деди. Ашур қиқир-қиқир кулди. Завқ-шавқ билан яна ўмбалоқ ошди.

— Ашур, отангнн яхши кўрасанми, онангни?

Бола жуда қатъий қилиб:

— Онамни-да!— деди.

— Нима учун?

Бола, ҳе, шунн ҳам билмайсизми, дегандек, пушти лабчаларини сўлжайтирди.

— Бизларни онам боқадила... манга, укаларимга кўйлак, палтун, патинка оладила... отам бўлса, бизларга қарамай, хулиганлик қилганликлари учун қамалиб кетганла... онам бўлмасала бизларга ким қарарди...

— ...Хулиганлик дедингми?— сўради Иззатулла ака дафтарга чаноқ расмини чизиб. Ашур бурнини тортди.

— Ҳа, хулиганлик қилганла-да, болаларни қошида хотинлани қучоқлаганла...

Иззатулла ака «ҳимм» дея тил тишлаб қолди. Энди болани ҳеч ҳам гапиртирмасликка аҳд қилди. Лекин, яна болапинг ўзи гап очиб қолди:

— Иноят амаким ҳам хулиган!

— Ким у Иноят амакинг?— беихтиёр сўради Иззатулла ака. Ашур кўзчаларини муғамбирона ўйнатиб:

— Ҳо, айтарканманми?— деди бошини ўнг елкасига қийшайтириб.— Мен хабаркаш эмас!

— Ихтиёринг, айтмасанг яна яхши!— деди Иззатулла ака расм солишда давом этаркан. Ашур қуйи лабини тишлаб, бир оз ўтиргач:

— Иноят амаким яхши... озерода марожни соталла... бозор кунлари бизани онам билан лодкада катайса қилдиралла... бир кун...

Ашур жим қолди, қуйи лабини тишлаб, бир оз сузилиб ўтирди.

— Нима бир кун?

— Иноят амаким онамни қучоқламоқчи бўлдила, онам у кишини бир шаппат уриб, болаларни қошида хулиганлик қиманг, дедила...

Иззатулла ака бошини қўллари орасида қаттиқ қисганча: «Умм, шўрлик болалик!»— дея даҳшат билан пичирлади. Бир муддат ичида кўз олдига урушда вафот этган акасининг хотини келди: йигирма ёшида эрдан бева қолиб, бир боласини тишида тишлаб ўстирди, неча-неча жойлардан таг-тугли кишилар чиқди, ҳаммасини эрининг руҳи ҳурмати, эридан қолган яккаю ягона тирноқ ҳурмати рад қилди... «Бечора янгам», дея ингранди Иззатулла ака.

— Амаки, бошийиз оғридимми?— сўради Ашур. «Ҳа!»— деди Иззатулла ака кўзларини қаттиқ юмиб. Ашур жажжи, нозик қўлчаси билан унинг манглайини тутиб:

— Иссиқ!— деди кимдандир эшитган сўзини такрорлаб.— Бувим бўлсалар бошийизни ўлчаб қўярдила... уйимизга келадиган усто амакимни бошлари оғриси бу-

вим ип билан ўлчаб қўялла. Эрта билан яхши бўлиб кеталла... ана, пахта олиб келдила...

Иззатулла ака яна юмалагандек бўлиб ўрнидан туриб, тарозига яқин борди. Ёрдамчилардан икки киши пахтасини ўлчатиб кетди. Ашур пахта устида яна турли хил қилиқлар қила бошлади. Иззатулла ака:

— Ашурбой, жим ўтир, катта йигит!— деди.

— Хўп!

Ашур икки бармоғини оғзига тиқиб ҳуштак чалди. Иззатулла ака пахта устига бориб ўтираркан, огизга бармоқ тиқиш уят, дея танбеҳ берди. Ашур жим қолди, бошини солинтирганча узоқ ўйга толди.

— Амаки!— деди бир пайт у кўзларида бир дунё қўрқув ва даҳшат билан.— Ман хабаркаш эмас-а? Озерода қайиққа минганимизни, Июноят амакимни, яна бошқа гаплани отам келсала, отамга айтмайман!

— Нима учун айтмайсан?— деб сўради Иззатулла ака шамол учуриб кетган дафтар ичидаги варақни икки қадам наридан тутиб келиб.— Нега айтмайсан?

— Агар айтсам... отам онамни уриб, яна қамалиб кеталла... кейин яна отасиз қоламан...

Иззатулла ака боланинг камбар, ориқ елкасига қоқди:

— Тўғри қиласан, молодес, катта йигит!— деди. Бола мамнун жилмайди.

— Онамни кечалари, ҳў ашулачи Мирёқуб акам билан пул ишлаб келишларини ҳам айтмайман... ман хабаркашми, айтаман!

Иззатулла ака боланинг бошини чипор шапкачаси устидан силаркан: «Балли», деб қўйди. Ашур унинг афтига тикилди, кейин қўлчалари билан унинг соқол босган юзларини оҳисга силади.

— Отамни соқоллари ҳам шундай, кў-ўп!— деди. Иззатулла ака ундан отасини қачон кўрганлигини сўради. Ашур атрофга қараб олиб, яна паст овозда бидирлаб гапира бошлади:

— Онам, ман, Моҳира укам — учаламиз отамни кўришга бордик. Ушанда ёмғир ёгувди. Қамоқхона ёмон экан... Кирмоққа қўймайди. Бизани қўйдила. Битта уй бердила. Отам ақалли бизани қучоқлаб ўпмадиям... онам, отанг бемеҳр-да, дедила. Кейин отам тилла тишни нимага қилдинг, деб онамни уришдила, бечора онам кў-ўп йиғладила... Моҳира укам ҳам йиғлади. Қўрқдида! Ҳа, амаки, кўзингизга нима қилди?

Иззатулла аканинг қум заррачаси кириб ачиштирган кўзини уқалаётганини кўрган Ашур ташвишланиб сўради.

— Ҳечқиси йўқ!— деди Иззатулла ака қизарган кўзидан қўлини олиб.— Ҳозир тузалади.

Ашур кафтига тупуриб, гумбази кўйлагига ёпишган пахта патларини уқалаб тушира бошларкан: «Ман хабаркаш эмас!»— деб қўйди. У шу пайт нималарни ўйлаётган бўлса экан? Иззатулла ака ҳайрон қолди. Боланинг ажойиб хотираси, жуда кўп фаройиботларга тўла дунёси Иззатулла аканинг ақлини лол қолдирди. Боланинг дарди, ташвиши унинг юрагига кўчди. Иззатулла аканинг қулоқлари остида норасида гўдакнинг дам виқор билан жарангловчи, дам мунис, сокин пичирловчи овози акс садо бергандек бўлди.

— Ман хабаркаш эмас!— деди бола пахта толасини чигитдан айириб.— Моҳира хабаркаш... отамга, онам ароқ ичдила, попурус чакдила, деб хабар берибди аҳмоқча! Хабаркаш!— деди Ашур лабини буриб, кейин давом этдирди.— Онам отамни кўп ўйлаганлари учун битта-иккита попурус чакалла-да... шуниям дарров хабар берди. Хабаркаш!

Ашурнинг болаларга хос қувлик аралаш, сохта ачиши билан сўзлаши Иззатулла аканинг тоқатини тоқ қилди. У ўрнидан туриб, бир фартук пахта кўтариб келаётган Шоира исмли секретарь қизга пешвоз чиқди. Шоира ўлчанган пахтани тарозидан олиб, Ашурга томон итқитди:

— Ма, Ашурча, бўшат қани, бўшата оласанми?

Ашур фартукни зўр билан хирмоннинг устрогига судраб борди, кучаниб силкиб-силкиб бўшатди. Шоира шохга илиглиқ сумкасидан бир бурда нон олиб, марзада ўтирганча секин кавшарди. Ашур орқадан келиб, унинг бошига фартукни ўради. Шоира бошидан фартукни олиб, унга чиройли кулиб қаради-да, яна нон кавшай бошлади. Ашур чеккароқда, худди катталардек белини тутиб, унга суқ билан қараб турди, сўнг югуриб келиб, орқа томондан Шоиранинг елкаларидан қучоқлаб, юзини юзларига суртди. Шоира бегараз кулиб, унинг бўйнидан ушлаб: «Ҳа саними!» — дея ерга босди. Ашур мушукдек силкиниб сапчиб турди-да, Шоиранинг қизил жемпирини туртиб чиққан кўкрагига чанг солди. Қиз қаттиқ сесканди-ю, қип-қизариб, ўрнидан турди. Ашурнинг қўлларидан тутиб, жаҳл билан икки метрча нарига отиб юборди. Иззатулла ака даҳшат билан: «Ҳай-ҳай!» — деб қичқирди. Бола ерга «вақ!» этиб тушди, кўзларида ёш айлапиб, йиғламсираб ўрнидан кўзгаларкан: «Бопладимми?» — дея кулиб юборди. Шоира Иззатулла акага бир огиз ҳам гапирмасдан, қизарганча пахтазорга тушиб кетди. Иззатулла ака кимни койншига ҳайрон эди: Ашурни уришса, қаттиқ йиқилди, йиглаб юбориши мумкин. Шоирани уришса, қиз бола — ному си кучлилиқ қилди. Йўқ, хайрият, Ашур ўрнидан туриб, кулиб юборди.

— Бопладим-а, амаки?

— Аҳмоқ экансан... кимдан ўргандинг бу хил бемаза одатни?

Ашур Иззатулла аканинг титраб-қақшаётган вазоҳатидан қўрқиб ерга қаради. Иззатулла ака бўлса, четга бурилганча, қовоғини солиб олган, юпқа лабларини асабий қимтиб, алланарсаларни ўйларди. Тавба! Шу ёшда қанчалик руҳий зиддият. Ҳалигина онасининг ҳолига ачиниб беш ёшли синглиси Моҳирани чақимчиликда айблаб ўтирган бола шундай уятли ишни қилишга журъат

этса-я. Ахир ҳалигина унинг руҳида бир олам синиқлик ҳукмрон эди-я... Дарвоқе, у қилган ишининг уятлигини қаердан ҳам билсин? Эҳтимол, у шу ишим Шоирага хуш келар деб ўйлагандир! Иззатулла аканинг юраги сиқи-либ, кўз олди қоронғилашиб кетди, у хирмондан нари-роқ бориб, сигарета тутатди, хас тушган чап кўзи тамаки тутуниданми, баттароқ ачишди, қулоқлари зип-ғиллаб, бир муддатдан кейин: «Ман хабаркаш эмас!» деган сўзлар мунис, сокин пичирлаш бўлиб эшитилди.

— Сигаретайиз «БТ»ми? — жарангли қақилдоқ овоз Иззатулла акани ўзига келтирди. У ўгирилиб, рўпараси-да бир фартук пахта кўтариб турган, қулоғи олдидаги қоп-қора зулфлари тўзғиб, кўзларини бекитган Мали-кахонни кўрди. Маликахон сабабсиз жилмайганча ки-чик, оппоқ бақбақасини чиқариб, фартугини тарозига илди.

— Ҳа, «БТ» чекасизми?

— Қайси хотин киши чекувдики, ман чекай?— деди у истиғно билан кўз ўйнатиб.

Иззатулла ака унга тик қаради.

— Нега ёлғон гапирасиз, ахир... сиз чекасиз-ку!

— Ким айтди?— Маликахоннинг кўзи совуқ ялти-раб, Ашурга қаради. Ашур бир онасига, бир Иззатулла акага жавдираб боқди-да:

— Ман айтганим йўқ,— деди жавраб.— Ман хабар-каш эмас... ман айтганим йўқ!

Иззатулла аканинг юраги тўкилиб кетди, боласига ўқрайиб қараб турган Маликахоннинг енгидан секин тортиб, ўзига қаратди.

— Нега болани қийнайсиз?— деди у куйиниб.— Ахир... бола бечорани нима учун ёлғон гапиришга мажбур қиласиз?

Маликахон қизариб, кулди, қаҳр ва даҳшат яширин-ган кўзларини Ашурга тикди.

— Яна нималарни хабар бердинг!

— Бошқа ҳеч нарсани айтганим йўқ... ман хабаркаш

эмас-ку!— деди Ашур бир онасига, бир Иззатулла акага илтижо билан боқиб.— Мен хабаркаш эмас...

Боланинг қарашига Иззатулла аканинг нигоҳи тоб бера олмади. Ашурнинг: «Ман хабаркаш эмас!»— деб илтижولي, қўрқув тўла боқишидан Иззатулла ака, «сиз хабаркаш экансиз!»— деган маънони ўқирди. Энди унинг ўзи ҳам Маликахонга ялинчоқ бир овозда гапирарди.

— Маликахон, менга ишонинг, у ҳеч нарсани айтган эмас... папирос чекишингизни мен ўзим тахмин қилиб айтдим... хўп денг энди, нега ишонмайсиз!..

Маликахон тилла тишларини кўрсатиб, беибо куларкан:

— Агар чақимчилик қилсанг, уголга қўяман!— деди биқиниб ўтирган Ашурга пўписа қилиб.— Ҳў шипион... худди отаси...

Тушга яқин Очилвой тележкада йигирматача қовунтарвуз ва икки челақ тоифи узум олнб келди. Самовар қўйилди. Ердამчилар ва қўшни пайкалдан келган механик-ҳайдовчи қизлар шийпоннинг қуйига қараган айвони остида ўтириб, тушлик қилишди.

— Ана бу ишингизга борман!— деди Гриша қўлидаги қовун карчига ишора қилиб.— Бай-бай, буни қаранг-а, тўла шира... Уҳ-ўҳ... шундай харбузадан ҳар куни бўлиб турса, бутун қиш бўйи пахта теришга ҳам розимиз, акамулло...

Ҳамма кулиб юборди. Кимдир транзисторини буради. «Дилдор» куйи янгради. Секретарь қиз Шоира чарх уриб, ўйинга тушиб кетди, бошқалар қарсак чалишди. Фақат уч киши — Иззатулла ака, Маликахон ва унинг ўгилчаси — Ашурнинг кайфияти яхши эмас эди. Уларнинг тунд кайфияти яна икки соатдан кейин автобусга ўтириб, шаҳарга қайтишда ҳам очилмади. Маликахон автобус ойнаси томон ўгирилиб олган, Ашур шофёрнинг биқинида ранги қув ўчган ҳолда мунгайиб ўтирибди, ҳар замонда Иззатулла акага кўзи тушганда истамас-

дангина жилмайишга ҳаракат қилади. «Нақадар гарибона жилмайиш,— ўйлади Иззатулла ака,— аянч... аянч!.. Ҳаммасига менинг эҳтиётсизлигим сабаб...»

ЧАРХПАЛАК ДУНЁ

Тушлик дастурхон жуда тўкин эди. Худди шаҳар ресторанидагидек каттакон чинни лаганда товуқ гўшти, паррак-паррак қилиб кесилган пишлоқ, балиқ ва кўкатлар билан безатилган «қўлбола» салат. Тандирдан янги узилган иссиқ нон, ликопчаларда бутунича қўйилган диркиллаган бодринг, олма шаклидаги қипқизил помидор иштаҳани қитиқлайди. Тўрдаги столда совхознинг янги директори, сапоқ юзли Ислон Норов ўтирарди. У негадир камгап, ўйчан ва мулоҳазали. Ундан сал қуйироқда учинчи бўлим бошқарувчиси, қоқчакак, бўйни узун Розик Халлоқов ўтирар ва ҳазил-мутойиба билан директорни кулдиришга ҳаракат қиларди.

— Ислон ака, агар айбга буюрмасангиз,— деди у бир оз тортинчоқ овозда,— биринчи ўтиришимиз шарафига кўп эмас, юз граммдан... ҳалиги...

Директор «ўзинг биласан» дегандек бошини ўнг елкаси томон қийшайтириб қўйди.

— Ёки иш вақтида мумкин эмасмикан?— Халлоқов директорга мўлтираб қаради.— Ҳали бюрогача яна уч-тўрт соат бор-ку, тарқалиб кетар, ёки ҳиди...

Норовнинг энсаси қотгандек башараси буришиб, кетди.

— Юз грамм, эллик граммнинг ҳечам зиёни йўқ,— деди у қўл силкиб,— иштаҳа учун бемалол ичса бўлади, фақат ҳаддан ошмаслик керак...

— Тўғри, Ислон ака,— унинг сўзини маъқуллади Халлоқов,— энди ҳар замонда бир қултум, ярим қултум отиб турса зарари йўқдир. Хўп, қайси биридан — оқиданми, қизилидан? Ҳа, бизнинг ўғилчамиз бор денг, оти— Пайзи. «Дори» келтир десам, дада, сувдайдан келти-

райми ёки ёгдайдан. деб сўрайди барака топкур... энди унингча сувдайи — ароқ, ёгдайи — коньяк-да! Хўш, Ислом ака, ўзларига қайси биридан?

Чехраси бир оз очилган директор жилмайиб туриб:
— Деҳқонбони — сувдайи!— деди.

Пойгак томонда ўтирган қорамолчилик фермаси мулдир, сариқ донатор мўйловли Ниёз тоға ўрнидан оғир қўзғалиб, бурчакдаги холодильникдан битта «Экстра» олиб столга қўйди.

— Қани, комсомол, шишани очинг!— Халлоқов ўзига рўпара ўтирган Ёзилвой исмли йигитга буюрди.— Бу киши, Ислом ака, бизда главбух,— дея изоҳ бера бошлади.— Ўзлари комсомолдан чиққан кадр. Шунинг учун ҳам биз эски активлар бу кишини «Комсомол» деймиз, жуда ташкилотчи йигит.

Ёзилвой уялиб ерга қаради, директор «тузук-тузук» деб қўйди. Қадаҳлар қўлга олингач, биринчи сўзни Халлоқов айтди.

— Гап бундай, ўртоқлар,— деди у мажлисларда гапирадиган оҳангда,— мана, район партия комитети бизга қўшни қишлоқлик дўстимиз, яъни «Местний кадр» Ислом Норовични директор қилиб тайинлади. Бу киши жуда тадбирли, ишбилармон раҳбар эканликларини биринчи кундан бошлабоқ намоён этмоқдалар...

Ниёз тоға: «Боракалло»,— деб, Ёзилвой: «Тўғри гап»,— дея бошқарувчининг сўзини маъқуллашди. Халлоқов узоқ гапириб ўзининг энг эзгу тилакларини билдирди ва бу йил ўзи бошқарувчилик қилаётган бўлим ҳам «қолоқлик доғи»ни албатта ювади деб сўз берди. Қадаҳлар бўшатилгач, Халлоқов директорга манзират қилди:

— Қани, Ислом ака, бодрингдан марҳамат. Буларнинг ҳаммаси ўзимизда етиштирилган. Селитра ўрнига нуқул гўнг солганмиз. Безарар. Шахсан мен шаҳарга борганимда рестораннынг салатидан емайман, едимми тамом, худо уради. Бирор соат ўтар-ўтмас ана бу ерим-

да,— Халлоқов пачоқ қорнини ушлаб кўрсатди,— қаттиқ огриқ бошланади. Шундан биламанки, ҳалиги бодринг ёки помидорга «дори» берилган...

Ҳамма унинг гапини маъқуллади. Директор курт-курт бодринг чайнади. Бу орада у совхоз экономикаси, қилинадиган ишлар ҳақида гапирди. Халлоқов биринчи қадаҳдаёқ очилиб кетди.

— Ҳақиқатан ҳам сиз келдингиз-у, Ислом Норович,— деди у хушчақчақлик билан,— ҳамма соҳага бир кўз билан қараладиган бўлди. Чорвага эътибор анча кучайди. Ҳозир сигирларимиздан соғиб олинаётган сутнинг миқдори ва ёғлилики даражаси кескин кўпайди. Молларнинг зоти яхшиланмоқда. Паррандачилик...

— Дарвоқе,— директор унинг сўзини бўлди,— кеча иккинчи бўлимнинг зоотехниги Ашур аския сизга учрашдимми?

Халлоқов ўзини тута олмасдан баланд овозда кулиб юборди.

— Ҳа, учрашди, учрашди,— деди у пачоқ қорнини ушлаб кулгидан аранг тийиларкан,— кеча идора олдида активлар билан ўтирган эдик. «Патпат»часига бир кишини мингаштириб келиб қолди. Ашур ўзи мендан бир оз ёшроқ бўлсаям, Наримон мактабида бирга ўқиганмиз. Жуда ноқулай, шўх эди. Салом-алик қилдик. «Ҳа, бахайр?»— деб сўрадим. «Мани директор юбордилар!»— дейди. «Хўш, хизмат, ука?»— дедим. Шунда у ёнидаги — қўлида арқон ушлаган шеригига ишора қилиб: «Биз буқага келдик, ака»,— деса бўладими, «Нима?», «Буқага келдик!» Идора олдида қанча киши бўлса ҳаммаси кулиб юборди. Бечора Ашур аския умри бино бўлиб бунчалик ўсал бўлмаган эди, кейин сизни запискангизни берди. Ўзимизга керак бўлсаям, сизнинг юз-хотирингиз учун битта зотдор буқани бериб юбордим...

Директор жилмайди. Унинг жилмайганини кўриб Ниёз тоға билан Ёзилвой қотиб-қотиб кулишди. Халло-

қов баттар руҳлашиб кетди. Энди у директорни ошкора мақташга ўтди.

— Аслида бизга ана бу Ислом акамдай аскияни билладиган, кулгию хушчақчақликнинг қадрига етадиган директор керак эди. Энди «Местний кадр» бўлса ободончилик ҳам яхши бўларкан... Ҳў Ниёз мўйлов, иссиқ овқатинг ҳам борми ўзи?..

— Розик ака, энди «мўйлов» деб кўпам кесатманг,— деди Ниёз тоға ёлғондакам хафа бўлиб,— бу чархпалак дунёда мўйлов ҳам...

— Ҳа хўп... тўхта-тўхта,— дея унинг сўзини бўлди Халлоқов,— бу биринчи бригада бошлиғи Соли ҳам мўйлов қўйибдими-а?

Ниёз тоға мўйлови учларини бош ва кўрсатғич бармоғи билан оғзиинг икки бурчидан қуйига қараб силади.

— Билмасам,— деди у йўталиб олиб,— бу чархпалак дунёда ҳар кимда бир хаёл экан. Мен оғзимнинг катталиги биланмасин деб мўйлов қўйганман. Солига ҳайронман. Оғзи Ахмаров чизадиган расмлардагидай ўймоқдайгина-ю, яна мўйлов қўйибди. Мўйлови ҳам бир қалинки, ўт босган ариқдай оғизчаси кўринмай кетибди...

Ҳамма кулиб юборди. Ниёз тоға бошини сарак-сарак қилиб ташқари чиқиб кетди. Бир фурсатдан кейин қўлида икки коса билан қайтиб кирди. Ёзилвой унинг қўлидан косаларни олиб, дастурхонга қўйди. Бу — угра оши эди. Директор ўз косасини қалайи қошиқда ковлаб кўрди, одатга хилоф бўлмасин деб, тузи жойида бўлсада, яна бир оз туз ва мурч сепди. Бир пайт у эшик томон қараб олиб:

— Э, бу бизни шофёрни чақирмадинларми?— деб сўради.— Бир овқатланиб олса бўларди.

Мезбонларнинг ҳаммаси эшик томон ҳайратланиб қарашди, кейин бир-бирлари билан сирли кўз уриштиришди.

— Энди, ўша ерда шофёрлар учун алоҳида,— деди Ёзилвой талмовсираб,— дастурхон тузагандик...

Директор қатъий эътироз билдирди.

— Яхшиси шу ерга чақира қолинглар! Шофёр бошлиқнинг ўнг қўли бўлади. Яхши шофёр кишининг ака-укаси, фарзандидай гап. Мен ҳам шу Толибжонни жуда яхши кўраман, кўп йиллардан бери бирга ишлаяпмиз...

Бошқарувчининг имоси билан Ниёз тоға ташқарига отилди. Бир оздан кейин Толибни бошлаб келди. Шофёр барзаста гавдали, билаклари йўғон, тоғдай йигит эди. Директордан бошқа ҳамма ўрнидан туриб кетди. Толиб қип-қизарганча, қимтиниб бўш стулга ўтирди.

— Баракалла!— деди Халлоқов директорнинг шофёрига меҳр билан қараб.— Қани, ука, дастурхонга марҳамат... олинг!

Ёзилвой ўрнидан туриб вилка билан бодринг, помидор олиб, Толибжон олдидаги бўш ликопчага солди.

— Қани, дўстим, тортинмасдан олаверинг, тўғри кириб келавермабсизда-а?

Ниёз тоға лагандан товуқнинг бир оёғини олиб, Толибга тутқазди.

— Қани, ука, ана шу оёқни олворинг, машинангизни оёғи товуқдай учқур бўлсин... олинг, укажон... жуда яхши йигит экан бу киши,— деди директорга қараб олиб,— ҳо яшанг, укажон! Бу чархпалак дунёда яхши ейиш, яхши кийиш, яхши ўйнаб-кулиш қолади... ҳа балли, мана сув... гази ўчмасдан ичворинг...

Гапни Халлоқов илиб кетди:

— Толибжон худди ўзимизнинг қадимий йигитларга ўхшаб кетарканлар. Алпомиш деганларпям худди шу кишидай келбатли бўлгандир-да... тортинмасдан олаверинг, ука, анови уграга нонни бўктириб енг!..

Толиб бу хил мулозаматлардан ўзини тамом йўқотиб, қўлидан қошиқни тушириб юборди. «Оҳ, безарар!» — Ниёз тоға унга дарҳол янги қошиқ тутди. Бечо-

ра шофёр уградан бир қошиқ олиб ҳўплаган эди, қалқиб кетиб, қаттиқ ўқчиди. Ниёз тоға: «Ош бўлсин!»— деб қўйди. Директор ўқрайиб кетади. Толибжон торти-ниб-қимтиниб овқатни чала-чуса еб бўлди-да, рухсат сўраб ташқари чиқди.

— Жуда одобли бола экан,— деди Халлоқов,— бе, аввалги директорнинг шофёри жуда маҳмадана эди, бирам бепаришта, оғзи шалоқ эдики, асти сўраманг.

— Буинг юзидан нур ёғади-я!— деди Ниёз тоға.

— Ўзиям самбочиларга ўхшайди,— деди Ёзил-вой.

Иккинчи қадаҳдан кейин кабоб ейилди. Улар дастур-хонга фотиҳа ўқиб ташқари чиқишганда кун қайтиб қол-ган эди.

— Бюродан бирор соат олдинроқ районга тушишим керак,— деди директор,— сельхозтехникага кириб ўта-ман...

Олдинда директор, ундан кейинроқда мезбонлар тол дарахти соясидаги бири — «ГАЗ-69», иккинчиси — «Жи-гули» машиналари томон юришди.

— Қани, Толибжон, ёқ машинани!— буюрди дирек-тор.

Толиб учиб кабинага кирди. Газ босилди. Лекин ҳа-деганда овоз чиқмади. Шофёр бечора ҳовлиқиб тушиб, капотни кўтариб тинмирскиланди. Яна кабинага кирди, яна чиқди...

— Ҳали сувдан ўтганда...— деди йигламсираб,— све-ча негадир учқун бермаяпти...

Директорнинг қовоғи осилиб кетди.

— Сен доим шунақасан!— деди тўнгиллаб.— Мана энди бюрога кеч қоламан...

Халлоқов журъатсиз таклиф киритди.

— Ислом Норович, мана, Ёзилвойнинг «Жигули»си-да бирга кета қолайлик. Барини бир бизлар ҳам район орқали канал бўйига ўтишимиз керак.

Аслида улар канал бўйига чиқишмаса-да, янги ди-

ректорни район марказигача кузатиб қўйишни ҳали дастурхон бошидаёқ дилга тугиб қўйишган эди.

Директор ҳам осонгина кўна қолди. Тўртовлон «Жиғули»га чиқишди. Директор Ёзилвойнинг ёнига — оздинги ўриндиққа ўтирди. Машина район томон юриб кетди.

— Жуда бепарвода бу бола,— деди директор ноҳуш,— бу биринчи марта эмас.

— Ёшда!— деди Халлоқов.— Бир оз уқувсизроқ экан.

— Асли шунақа, семиз, гавдали болалар жуда бепарво, пандовақи бўлади,— деди Ниёз тоға, кейин паст овозда Халлоқовнинг қулогига шивирлади:— Ўзи-ям кеча Ашур аския олиб кетган буқачага ўхшаркан...

Халлоқов ҳиринглади. Машинани бир маромда ҳайдаб бераётган Ёзилвой гап қистирди:

— Машинага ҳам яхши қарамас экан, ҳамма ёғи чанг, чехоллари ситилиб кетибди... битта фарани алмаштириши керак...

Ниҳоят районга яқин қолганда Халлоқов янги директорга қатъий маслаҳат берди:

— Энди, Ислом ака, сизга эсли-ҳушли бир шофёр керак, бу катта хўжалик бўлса... шофёр дегани бошлиқнинг ўнг қўли ҳисобланади... яхши, эпчил йигитлар кўп...

Ниёз тоға ҳовлиқиб: «Шундай» — деди ва дам ўтказмай гап тизгинини ўз қўлига олди.

— Тўғри-да, бу чархпалак дунёда раҳбар одам арзимас бир шопир учун ҳам диққатбозлик қилса... йўқ, бу кетмайди. Изласа мана бундай,— ферма мудури бош бармоғини кериб кўрсатди,— баявой йигитлар топилади...

Директор юзини машина ойнаси томон буриб олди. Анча ергача сўзсиз кетишди. Бир пайт директор ўз-ўзича: «Чархпалак... тушунарли!» — деб қўйди. Нима тушунарли? Бунга фақат унинг ўзигина биларди.

Яна бир оз юрилгач, худди ўша овозда: «Эҳ одамлар, одамлар!» — деди-ю, машинани тўхтатишни буюрди.

Чунки у кабина кўзгучасида орқадан қувиб, елиб келаётган ўз машинасини кўрган эди...

АРЗИ ҲОЛ

(Махфий)

Вилоят ижтимоий таъминот шўъбаси (облсобис)нинг олиймақом мудирини, қиёматли инимиз Қутбиддинжон ака, ўртоқ Халлоқувга, нафақахўр отангиз «Хожа Аштар» масжидининг мутававалиси Мирза Ҳомид Яъқубқорин ўғли тарафидан

АРИЗА

Ушбу аризаи ҳамоқатим баробаринда Сиз камтарину комил бародаримга ёзиб маълум қиламанки, камина мулло бобонгиз кейинги фурсатлар ичинда бисёр кўнгли гашион ва дилгир бўлубдурман. Ушбу ариза қозимни хоҳ арз ўрнида кўринг ва хоҳ мактуб ўрнида. Ихтиёр ба шумо. Ҳар нечук, мулло бобонгизнинг кўнгул қафасинда мадда бойлаб ва яна ранги-рўйини саргайтириб ётган сиру асрорлар бисёрдур. Аларни Сиздан бўлак кимга ҳам баён айлай!

Иним, ўртоқ Халлоқув! Сиз олиймақом ва ота қадрдонимдан юз таважжу ила сўрайманким, агар иложи бўлса, шул бизнинг тумандаги жамеики нафақахўр, яъни пенсий олувчи тул хотун ва кампирларнинг пенсийсини қирқсангиз, яъни тўлатмасангиз. Сабаб: ушбунинг боиси — саллоҳиятини Сиз идроки бокамолга англатишга рухсат этгайсиз. Бурноғи йили камина мулло бобонгизнинг сангги кўдан ҳам қатиг, ғариб бошимга тушгон кулфатдин Сиз ҳам воқифсиз-ку! Ушанда мулло бибингиз,

яъне жаннатмакон завжу мухтарамамизнинг таъзияларинда ўзингиз ҳам иштирок этиб кулфатларимга шериклик қилиб, кўнглимга таскин берганингиз ҳамон ёдимда. Бандалик тилаб билдирган сўзларингизни ҳали-ҳали эслаб, ҳар жойнамоз устига чўк тушгонимда ҳаққингизга, болаларингиз ҳақларига дуо қиламан. Намоздигар ва намозишом намозларида бўлса падару модарларингизнинг муборак руҳи-покларига каломи раббонийнинг савобини бахшида этиб келадурман.

«Шариат — шарм надорад», яъни бунинг туркий маъноси шулдурким, шариатда шарм йўқ! Алқисса, камина мулла бобонгиз кейинги ойлар ичинда бекасликдан бисёр аъзият чекибдурман. Мусулмончилик, бандаи мўминнинг ётғони бор, турғони бор. Қари киши бемахрам қолмасин экан. Водариғ! Бировлар: «Келинлар қарашмайдурларми?» — дейишади. Нима деб жавоб қилсам экан аларга. Қалтафаҳмлик ҳам эви билан бўлғони яхши. Қайси келиндан падаршўй-ю модаршўйга яхшилик қайтибдурким, бизникидин қайтсун. Катта аррўсимиз балисада ҳамширалик қиладур. Уйига қайтғонда норасидасини аттайин чимчиллаб, қулоғим остида чинқиртиб йиғлатадур. Бунинг устига домани ва енги кўтоҳ кўйлак кийиб жумла мўминларни ўзига қаратадур. Бетавфиқ! Кичик келин бовужуд анча хўб ва лек анинг ҳам бир кароҳатли иши бордурким, шуни кўрсам тахтипуштимга ларза кирадур. Яъне бадбахт кичик келин ғул сувини сатилга солиб оёқ остлариға сеиб ташлайдур, буеки англатаман, қани энди гўши номуборакиға зарра сухон кирса. Фақир, ўшал бехирад келинларға чанд бор панду настиҳат қилдим бўлмади, билғакс мани бечорани эрлари, яъни фарзандларға ёмонлаб юзкўрмас қилишлариға сал қолди. Ҳаддин зиёда тангликда қолдим. Ўша ноқобил фарзандларнинг гаплариға қаранг: «Мачитға чиқманг!» — эмиш! Кенжаси бўлса: «Уйда ўтиринг!» — дейди. «Бачи сабаб!» — десам, «Мачитға борманг, ман атаист!» — дейди нобакор. «Атаистнинг

мағноси надур?»— дея сўрсам, «Атаист — динсиз, динға ишонмовчиларни айтади»,— дейди тилинг кесулғур. Ман ўшал, ўз пушти камаримдан бўлғон, шайтони лагин йўлдан оздирғон, беандишаға дедимки: «Сан мачитға тил теккизма, имонсиз... сандан катта-катталар ҳам оллоҳ йўлидан озмаганлар! Облсабис мудури ўртоқ Халлоқувдан андоза олсанг бўлмайдурум-у, сакбачча... қандай мўъмину ҳазим!»— дея бисёр ҳақоратлар бирлан ҳужрамға равона бўлдим. Баъдаз он ўғилларникига ранжи қадам қилмасликка онт ичдим.

Алқисса, камина фақирингиз шул ноқобил фарзанд ва баттола келинларнинг қилмишларидин эл олдида бениҳоят мулзам ва яна малулхотир бўлдим. Начора! Атроф жавонибдин бирор таъби дил мушфиқа топурға, қолғон уч-тўрт кунлик умри кўтоҳимни фароғатда ва яна беминнат ўткарурға азм этдим. Мачитнинг сўфиси Эшончага маслаҳат солған эрдим, ул нобакор: «Сиз энди хотунни нима қиласиз, юрганда гаворажумондай аранг қилтиллайсиз!»— дейди. Камина: «Оёғимда бодим бор, сўнгакларим ҳали бутун, шукур, замона тўқлуқ, илигим тўла!»— дедим. Даврон қўрбошининг баччаси бўлмиш Эшонча яна ҳиринг-ҳиринг кулади. «Ҳе мани оёғимга тушган бод санинг башарангга тушсун!»— деб ҳаромзодани жерикиб бердим.

Фақир бошни икки қилмоқ таважжуҳида кўрмағон дўсту душман, вакилу вакила қолмади. Мачитға номозу жумъани канда қилмай келиб турадиган Ниёз қассоб деб номланмиш кимсаға ҳар кўрганда: «Бизга бопта бир заифа топинг!»— дердим. Аммо ўнинчи бора айтғонимда унинг юзида рўшнолик кўрдим. Бир жумъада, яна: «Бизга бопта бир заифа топмайсизми, қассоб!»— дея пурсиш қилғонимда, ўшал ғарчашим қассоб: «Эрта бозор ҳовлига боринг, сизбоп бир кампир топдим!»— деди. Бул ваъдадан фақир зиёда хурсанд ва сарфароз бўлиб, якшанба баъдаз чошқоҳ ўшал қассобнинг ҳовлисига кириб бордим. Қассоб ҳам акнун бозордан қайтиб,

хуржунини дарвозахонадаги устал устига қўйиб тургон экан. Камина бирлан пурсужў қилиб, меҳмонхонага лутф айлади. Ултириб эрдикки: «Мулло бобо, хизмат?»— дебон сўрса бўлурму муғомбир. Ажаб бир тавозеъ ила: «Заифа!» — дейишимни билурманми, ул эшик сори овоз берди: «Фиёз!» — Бу ўшал қассобнинг тўнғич ўғлининг номи эрди. Қассоб такрор овоз берганда, дари-дурунда сочлари оппоқ, ранги сўлғин, бамисоли пашмак шафтолидек бир хотун кўринди. «Бери кел!» — деди қассоб. Ул заифа салому қарзу худони бажо келтириб, таъзим ила оҳиста яқин келгач, кўрсам ўшал қассобнинг ўз жуфту ҳалоласи. Вожаб! Аёл: «Ҳа, нима дейсиз?» — дебон эрига яқин келганда, қассобу шарият урғур хотунининг ўнг қўлидан зич ушлаб: «Манг, мулло бобо, маҳкам тутинг, ана шу заифани олиб боринг!» — деса бўладими! Навзамбиллоҳи миназзолимин! Ер ёрилмади — комиға кириб кетмадим. Алқисса жаҳолатимни ақлга асир айлаб, қассобнинг уйдан дам урмай чиқиб кетдим. Йўл бўйи хўрлигим келиб зор-зор, чун абри навбахор йиғлаб мачит ҳужрасиға қайтдим...

Шул миёналарда яна у ён-бу ёнларга киши қўйдук. «Гўжаҳўр» қишлоғинда собиқ бир раиса бор эрди, Офтобхон Раҳматиллоюва деган. Вакилани юборган эдим, ўшал мурсаки ношукур, нима дебмиш денг: «Улсун ўша қорибачча... юрса суяклари шиқирлаб, ортидан иккита тозу ит эргашиб юради-ю... ман ҳукуматдан персенол пенсие оламан...» Кўнглим оғриди. Фақир ҳам «Сатанини от эгари қиймалоғон сан дажжолага манинг ҳам бекор қолғон вужудим йўқ!» — дедим. Асли ўшал раисага ўзимнинг ҳам рағбатим йўқ эрди. Андин сўнгра Уба қишлоғида Гулзор кампир деб аталмиш бир аял бор эрди. Киши қўйдим. Аммо ул беимон сойиба ҳам жавоби рад қилубдур: «Эрни нима қиламан, ортиқча бош оғриқ, ҳукумат берган пенсиога шукур қилиб юрганам минг тилло!» — дебди. Бир алашимга ўн алам қўшилди. Илло кўнглимга яна бисёр озор етди. Узоқ фурсат хас-

таланиб ётдим. Замони шўродан ҳар қанча ўрғулсанг, офарину таҳсинлар айтсанг озлик қилур. Маърака-мавлуд, хатми қуръон, сарпоўшон... бир оз хасталикдан фориг бўлғоч, яна кўнгул «Бир жуфти ҳалол», ёнки «Маҳрами шариат» тусаб қолди. Алҳол, яна «Қаласанг» қишлоғлиқ Мулло Шароф деганни тул қолғон бир мазлумаси бор эркан. Ёру дўстлар шунга киши қўюшни маслаҳат бердилар. Водариг! Наҳотки қаро бахтимнинг дари нокушодаси умрим охириғача очилмаса! Ушал тарбия кўрғон мулло хотун ҳам: «Майли тегардим-у, локин ўғлимдан кўрқаман. Бунинг устиға ҳукумат яқинда пенсия пулимни оширди», дебди. Вой нодон-э! Ман пенсия олмайман-му! Манга ҳам ҳар ойнинг охирида пўштаци бола 48 сўму 60 тийин бериб кетадур... магазин қоровуллигидан жанобларининг ёрдамлари ва яна саёюкўишлари орқасинда пенсияга чиққанлигим ўзлариға сир эмас-ку!..

Ўртоқ Халлоқув, жони ширин биродарим! Боқий сўз шулким, ўшал нобакор дажжола кампирларнинг пенсияларини қирқсангиз, яъне пенсия пули беришни атказ қилсангиз. Билғакс, камина фақирул ҳақир мулло бобонгизга тегарға ул маккораларнинг бирортаси ҳам розилик бермағай. Илтмос, қиёматли иним: Барча кампирларнинг пенсияси қирқилсун! Шоят бахти қаро мулло бобонгизнинг шум толеига бирортаси рай қилса. Ҳаққингизға дуо қиламан. Падару модарларингизнинг руҳи-поклариға хатму қуръон бағишлайман.

Аддуойи салом ила: Хожа Аштар масжиди муттаваллиси, собиқ магазин қоровули Мирзо Ҳомид Яъқубқори ўғли. 19 жумодул аввал, соли муш, чоршанбаи му-родбахш.

Ушбу аризани олиб борғувчи — жияним: **Мирза Неъмат Аминжон ўғли.**

СУЗОНҒИЧ РОМАН

Илк тўпламим чиққан кунларнинг бирида Хўжайи Жаҳонга йўлим тушиб қолди. У ерда дастлаб учратган кишим бизлардан икки-уч йил олдин институтни битирган, бирор йилча область газетасида ишлаб, кейин «киндик қони томган» қишлоғига жўнаб кетган Асад ака бўлди. Кўришдик. Асад ака анча қорин солган, юрганда кенг кўкрагини кериб, қисқа бўғинли оёқларини кериб юради. У ҳозир маданият уйида инспектор бўлиб ишларкан. Биз баравар қадам ташлаб кетдик. Йўлнинг бир томони катта майдон, иккинчи томонида қатор кетган магазинлар. Мен «Китоблар» деб ёзилган магазинга қараб юрмоқчи эдим. Асад ака:

— Юринг, аввал мол бозорига кириб чиқайлик!— деб энгимдан тортди. Ноилож кўндим. Бозорга кирдик. Ҳеч ким йўқ, бўм-бўш. Пахса деворнинг ён қапталидаги кичик дарвозага қараб йўл оларкан: «Сиз шу ерда озгина кутасиз-да», деди. Кейин дарвозанинг ҳалқасини қоқиб тақиллатди. Уч минутдан кейин, ҳаво иссиқ бўлишига қарамай ўзи ҳам, энглари ҳам узун эски қалами чопон кийган, оппоқ соқолли киши чиқди. У қўли яширинган энгларини кўксига босиб, «қани, марҳамат» маъносида орқага чекинди. Асад ака кўнмади шекилли, дарвоза олдида туриб қолишди. Шу алфозда Асад ака дам кулиб, дам илжайиб ўн минутча гапирди-да, у билан хайрлашди.

— Чой ичмайсизми, а?— деб қолди баландроқ товуш билан узун чопонли киши.— Қирсангиз бўларди!

— Янаги келганда!

— Хўш, хўш, ёрингиз худо, уйдагиларга салом айтинг!

Асад ака менга яқин келиб, қўлтиғимдан тутди.

— Қани, юринг! Ҳалиги кишини кўрдингизми, агар ёзувчи бўламан десангиз шунақалар билан кўпроқ ўтириш-туриш қилинг. Ҳа, бу бобой машҳур Қарим хар-

жаллобинг ўгли Салим қарта. Сиз эшитганмисиз унинг доврўғини, кўп бурди-балоларни кўрган. Ҳозир ҳам қоровул, ҳам мол бозорида даллол... Эй... ҳа, китоб магазинига кирасизми?

Асад ака менга эргашиб китоб магазинига кирди. Китоб сотувчи чиройли қизга тавозе билан салом берди-да:

— Тўй қачон, Уғилой?— деб сўради. Қиз уялиб нарироқ кетди.— Сен айтмасанг ҳам биламан, шайтон қиз!

Мен китобларни кўздан кечира бошладим. Қуйироқда менинг китобчам ҳам териб қўйилган. Ўзим сўраб олсаммикин? Йўқ, камтарликдан бўлмас. Қани энди Асад аканинг оғзи гапдан тийилиб, кўзи китобчага тушса.

— Қанақа янги китоблар келди?— сўради ниҳоят Асад ака. Китоб сотувчи қиз уч-тўртта китоблар қатори менинг китобчамдан ҳам бирини олиб берди. Асад ака китобларни бир-бир варақлаб кўрарди. Навбат менинг китобчамга келди. Мен унга қарамасдан, ҳаяжон билан зимдан кузатаман. Асад ака китобча юзидаги менинг фамилиямга кўзи тушди-ю, афтимга ҳайрат билан тикилди:

— Ростдан шу санми?! Тўхта, тўғриси айт!

— Йўқ...

Асад ака чаққонлик билан мундарижани очиб ўқиди. Унда ўтган йили журналда чиққан ва Асад ака ҳар кўрганда мақтаб қўядиган ҳикоя ҳам бор эди.

— Ҳа, балосан бола, қани, қўлингни бер бу ёққа. Ана худди ўзингсан! Уғилой, кўрдингми бу укамни. Ана шу китоб худи ана шу акангнинг дасту панжалари билан ёзилган... Ҳа, ҳа! Қани, мана ручка, битта автограф — дастхат ёзиб берсинлар-чи...

— Хўп... Раҳмат... Кейин, ака...

Магазиндан чиқдик. Асад ака йўлда ўнг қўлим кафтини синдиргудек қилиб сиқарди.

— Балосан бола! Молодец! — деди лабларини тиш-

лаб, кўз ўйнатаркан.— Энди бир гап, ҳозир бизникига борамиз, ана шу хозмагинг орқагинасида.

— Бошқа вақт...

— Бошқа вақт яна... Яхшигина китобча чиқибди. Хўш... шунга қанча беради?

Ялт этиб Асад акага қарадим.

— Йўқ, сан кўнглингга қаттиқ олмагин-у... биламан, баъзи ижодкорлар учун пул иккинчи даражали, ҳар қалай...

Ўйлаб туриб жавоб бердим:

— Билмадим, беш юз сўм берса керак... Ҳали пулни тўлиқ олганимча йўқ.

— Ҳа, бундай денг!

Асад ака мени дам сизлар, дам сансирарди. У яна елкамга қўлини ташлаб бир оз жим кетди. Кўприкдан ўтгач, қатор кетган участкалар томон ишора қилди:

— Ҳув, анови учинчиси, кўк дарвозалиги биздан. Қурилиш билан бўлиб ижодий ишлар ҳам анча орқага судралди.

Дарҳақиқат, Асад ака бир вақтлар ҳикоя ёзар, ҳикоялари область газетасида тез-тез босилиб турарди. Шунинг учун ҳам унинг юрагидаги ижод қўрини ковламоқчи бўлдим.

— Асад ака, бир вақтлар, яхшигина ҳикоялар ёзардингиз, билмадим кейинги пайтларда...

Асад ака, «да» деб афтимга қараб турди, сўнг жиддий қиёфада:

— Ёзаяпман! — деди бош силкиб.— Каттароқ нарса бошлаганман, бир «Волга»ни пули чиқиб қолса ажабмас.

— Каттароқ?!

— Ҳа, роман ёзаяпман. Битиб қолай деди...

— Табриклайман. Тезлатинг бўлмасам.

— Раҳмат, ука! — деди у мени зангори темир дарвозадап ичкари бошлаб.— Қани, келаверинг, келаверинг... Одил, ҳо Одилшо!

Ичкардан атлас кўйлакни ориққина бир аёл чиқиб салом берди.

— Танишинг, бизнинг рафиқа-ю муҳтарамамиз!— деди Асад ака хотинига ишора қилиб.— Исми мубораклари Гулчеҳрабону!

Асад аканинг хотини: «Хуш келибсиз», деб дарвоза олдидаги меҳмонхона эшигини очиб, ичкарига киришга ундади. Кирдик. Асад ака яна очилиб кетди.

— Советник... ҳо советник!— деб овоз берди у. Остонада хотини пайдо бўлди.— Айбга қўшмайсиз-да, меҳмон. Гулчеҳрабону бизнинг доно советнигимиз, маслаҳатчимиз бўладилар!

— Бўлинг, нима қил дейсиз?— деди хотини ерга қараганча кулиб. Асад ака ҳамон озги тўла кулги билан давом этарди:— Нима қилишингизни мен сиздан сўрамоқчи эдим, ўртоқ советник!

Хотини ўгирилиб чиқиб кетаркан, Асад ака яна чақирди.

— Ҳа, нима дейсиз охи? — деди ўпқаланиб хотини.

— Й... қизлигингизда Қўсаравондан эшакнинг орқасига мингаштириб олиб қочганим эсингиздан чиқибди-да...

— Ҳе худо олсин сизни!— деди соддадиллик билан Асад аканинг хотини буфетдан ширинлик олиб қўяркан.— Бир меҳмон келса суйилганингиз суйилган!

— Кечирасиз, ўртоқ советник, кечирасиз... Ахир камина қулингиз кўча хандон, уй зиндон эрлардан эмас-да.

Оиладаги енгил-елпи ҳазил-мутойиба шубҳасиз меҳмонни ҳам хушнуд қилади. Анча яйраб кетдим. Фурсат ўтмай ош келтирилди. Қўшни хонада бола йиғлади. Асад аканинг «советниги» тез чиқиб кетди, ўзи буфетдан иккита қадаҳча ва бир шиша ароқ келтириб қўйди.

— Қани энди, биродар, ана шу мажмуа ҳурмати учун юзтадан ташлаймиз,— деди китобчага кўз ташлаб,— мана, биринчиси ўзларидан!

Эрпнибгина олдим. Асад ака узундан-узоқ ижодий муваффақиятлар тилаб, бир кўтаришда отиб олди. Яна қуйилди. Сўз навбати менга келди.

— Асад ака, бошлаган романингизнинг тез ва муваффақиятли битиши учун, сизнинг бу асарингиз адабиётимизда энг яхши ҳодиса бўлиб қолиши учун.

Асад ака мамнун жилмайиб:

— Раҳмат, ука,— деди. Яна ичдик. Қулоқлар анча қизиди. Бир вақт Асад ака ўрнидан қўзғалди.— Туринг, ҳозир романнинг тўртинчи қисмини кўрсатаман.

— Жуда яхши бўларди-да...

Ўрнимдан туриб, гилам қоқилган ичкари уйга юрмоқчи эдим: «Йўқ, бу томонга!» — деди Асад ака. Ташқари чиқдик. Бошқа томонда алоҳида ижодхонаси бўлса керак, деб ўйладим. Асад ака олдинда, мен изидан. У тўғри бостирма томон бошлаб борди. Бир пайт у қўл чўзиб:


— Мана романнинг тўртинчи қисми!— деди. Қарасам, бостирма устунига бурни тешилиб сим ўтказилган, қулоғи ва икки томонга тарвақайлаб кетган бақувват шохларидан йўғон занжир билан боғлаб қўйилган улкан бир буқа пишқириб турарди. Олдида терт юқи тогора...

Ҳайрон бўлиб қолдим. Асад ака қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Қалай, маъқулми?.. Романнинг аввалги уч қисми кушхонага тушиб, харидорларга аллақачон кўп тиражда тарқалиб кетган... бу ишда редакторимиз — ҳали кўрганнингиз Салим қарта яхши иш берди, барака топгур... бу қисми ҳам яна ўн беш кундан кейин тайёр бўлиб қолса керак... э... э... яқин борманг, сузиб юбориши мумкин... Ҳа... ҳа... ҳа... Асад акангизнинг романи сузатган...

Қайфим тарқалиб, хурсандликка ҳам, хафаликка ҳам ўхшаган бир ҳолатда чўчиб орқага чекиндим.

— Энди қаранг, сиз уч йил уриниб беш юз сўмлик



китобча чиқардингиз, биз бўлсак бир йилда беш-олти баравар...

— Шунчалик даражага тушиб қолдингизми-а, Асад ака?

— Ҳа... ҳа... жаҳлингиз чиқмасин, ҳазил, ҳазил... ахир ўзлари ҳам юмарис-ку...

Яна бирор соатлардан кейин Асад ака ва оиласи билан хайрлашдим.

Бир куни ишхонамда ўтирган эдим, пакана, қорача бир ўсмир қўлида латга сумка билан кириб келди. Ўзини Аасд аканинг жияни деб танитди-да: «Тоғам бериб юбордилар», деб бир хатча ва газетага ўроғлиқ бир нарса қолдириб чиқиб кетди. Хатни очиб ўқидим.

«Укам Субҳонжон! Романнинг тўртинчи қисмидан бир парча юборяпман. Сизга ижодий муваффақиятлар тилайман. Шу хатчапи автограф деб тушунсангиз. Салом билап ижодкор акангиз Асад!»

Ҳовлиқиб газетани очдим: ярмидан кўпроғи ёғ, икки килограммча гўшт.

Ичдан лоқайд кулиб қўйдим.

ТУҒИЛГАН ЕРДА

Дераза ойнасидан қишлоқнинг тенг ярми кўришиб турарди: машиналар қатнови натижасида ўртаси пўрсилдоқ бўлиб кўтарилган қумлоқ йўл. Ундан ўн метр нарироқда янги типдаги уйлар. Кеча оқшом учқунлаган қор бу уйларнинг шифрлари новларида қировдек иниб қолган. Айвонлар, дарвозахоналар томига босилган ғўзапоя, янтоқ ва бошқа шох-шаббаларни олалаб ташлаган. Мўрилардан, печкаларнинг карнайларидан қора, оқиш ва кўк тутунлар ўрлаб чиқиб, муздек соф ҳавода эриб кетади.

Дераза олдида қишлоқ манзарасига маҳлиё бўлиб турган йигирма олти ёшлардаги, шаҳарча кийинган хушқомат, чиройли йигит бу тутунларга қараб ўзича фикр юритади: «Анави карнайдан чиқаётган тутун тошкўмирликп, манави мўри остида ғўзапоя ёнаётган бўлса керак, ўртадаги карнайдан кўтарилаётган қора тутун солярканики... ёмон сассиқ бўлади... ҳар қалай қишлоқ обод бўляпти, ҳадемай бу ерга ҳам газ келади...»

— Олимжон!

— Лаббай, онажон!

— Кийиниб олибсан, болам,— гулли чўян печка ёнидаги қозикқа иллинган эски латтага кўмир юқи қўлиши артаётган онаси унга мўлтираб турарди,— ёки?..

— Йўқ-йўқ онажон, чиқиб соқолимни олдирай дегандим...

Онаси унинг яқинига келиб, пальтоси елкасига илашиб қолган қизил патни олиб ташлади.

— Ҳали улгурасан, болам, бир фасл ўтир ёнимда, дийдорингга тўйяй бундай...

Йигит кулди. Она-бола рўбарў ўтириб чой ичишди. Чўян печкада олов гуриллади. Анчадан кейин Олимжон кўнжли ботинкасини кийиб ташқари чиқди, беш-олти қадам юрмасдан ортидан онаси чақириб қолди. У эричиброқ яқин келгач, онаси чўзилиб унинг пальтоси ёқаларини кўтарди, пешанасидап ўпиб: «Бор энди, болам?» — деди елкасига қоқиб.

Олимжон қишлоқ йўлидан борар экан, шу ерларнинг чанг-тўзонини кўтарадиган қув болалигини эслади. Юраги ширин, аламли ва қайтиб келмас кунларнинг хотиралари сандонида бир маромда гупиллашга тушли. Чеккиси келиб кетди. Ёнини ковлаб кўрди — папироси уйда қолибди. У йўлнинг юқори томонида — катта клуб қапталидаги магазинга қараб юрди. Магазин қулф, инглизча қулфнинг калит кирадиган жойига қоғоз ёпиштириб қўйилган. У узоқ ўйлаб турмасдан магазинчининг уйига бурилди. Мудирнинг уйи янги участка эди. Олимжон тўқ ҳаво ранг дарвозани бориб қоқди, жавоб бўлмади. Яна тақиллатган эди, енгил қадам товуши ва аёл кишининг шанғиллаган овози эшитилди:

— Ҳае, о, борянман-ку!

Бошига қора гулли шол рўмол ўраган, қоматдор аёл дарвозани очди, истиғноли юзи бирдан ёришди.

— Э, Олимжон-ку, соғ-омон келдингизми, ўргиллай. Ойингизни куттириб шунчаём узоқ кеталлами? Шаҳарли келинпошша соғ юриптилами?..

— Раҳмат, янга, шукур...

— Ҳар кўрганда ойижонингиздан сўраб тураман, соғлами деб, ҳа Олимжон, ўргилай ука, бу келинпошшанинг бўйларида бўлгани рост чиқдими ҳали?.. Илойим рост чиқсин-э, ўргилай ука...

Олимжон қизариб ўнғайсизланди. Жувоннинг юзларига бир оннинг ичида ҳам кўлкаси чўккандек бўлди.

— Янга, тоғам магазинни очмайдилами?

Жувон шақиллади:

— Ҳе тоғангизнинг касалини бод есин, кеча, ўргилай ука, Мугончага тўйга бориб ўлгидек ичибдила... ҳе қуриб кетсин тўйиям, ароғиям... манга қаранг, ўргилай ука, шу кўтара олмайла, сичқоннинг ўлгидек жасадларига ичишни ким қўйибди экан, ўзлари-ку андак ароқ билан таппа-тахт... э ўлинг-э, дедим кеча!.. Қани, Олимжон, ўргилай ука, киринг, уйга киринг!

— Раҳмат, янга. Папирос олмоқчийдим.

Жувон бирпасда ўзгарди, семиз тиззаларига бесабаб шапатилаб кулди, сўнг:

— Кириг берироқ!— деди сал бўғиқ нозли овозда. Олимжон ийманиб дарвоза йўлагига кирди. Дарвоза ғийқ этиб ёпилди.

— Папирос денг?— жувон эҳтирос билан тўлғаниб нафас олди. Бир қўли билан рўмолини оппоқ бақбақасидан пастга тушириб, иккинчи қўли билан йигитнинг билагидан тутиб,— шуни вақтлироқ айтмайсизми-я... у киши у уйда, мана бу ёқ меҳмонхона...

Олимжон бир оз тисарилиб, пайпаслаб дарвозани очди, жувон чаққонлик билан қора бахмал камзули чўнтагидан очилган бир пачка «Беломор» олиб, жилмайиб туриб узатди. Олимжон унга гуноҳкорлардек журъатсиз бир қаради-ю, гапирмасдан папиросни олиб, изига қайтди. орқадан жувоннинг паст, масхараомуз кулгиси эшитилди.

— Ҳи-я, папиросингиз тугаб қолса, истаган вақтингизда келиб туринг, ўргилай...

Семиз гавда, оппоқ бақбақа, серўсма қошлар ва ни-

ҳоят, масхараомуз кулги аралаш айтилган гаплар уни тамом эсанкиратиб қўйган эди. «Нима бўлди-я. Наҳотки... Йўғ-э... йўғ-э... У билч-билч лой кечиб бораркан, яна чеккиси келиб кетди. Битта папирос олиб тутатди, томогига жазиллаб ёпишадиган, аччиқ тутунни совуқ ҳаво билан аралаштириб тортди. Бир вақт ўзини қишлоқ чеккасидаги сартарошхона олдида кўрди. У ср ҳам берк — бўёғи ўчган фанер эшик зулфинида бурама қулф. Уни яна болаликдаги хотиралар элитди: урушдан кейинги йилларда бу ер керосинхона эди. У ҳам шу ерга тракторлар учун бензин ва керосин олишга келган аравакашлардан ялиниб-ёлвориб уч литрлик бидонларида лампамой олиб кетарди. Ойиси тежаб-тергаб ёқар, унинг қаршилигига қарамай намозшомданоқ чироқни ўчиради... Энди бўлса, тушга қадар анови симёғочдаги лампочка ўчмай турибди...

Олимжон сартарош — уста Фанининг дока пардали деразасини чертди. Парда бир томонга йирилиб, қора телпагининг ечилиб кетган бир қулогини олдинга қаратиб кийган, юзлари ва бурнининг ости қип-қизил ўғил бола дераза ойнасига юзини ёпиштириб, уни тили билан ялаб қўйди, сўнг кўзлари билан «нима дейсиз?» маъносида имо қилди.

— Отанг қаерда?

Бола ичкаридан бош чайқади, Олимжон овозини баландлатиб такрор сўради:

— Отанг қаерда?

Бола кафтини «гапирманг!» дегандек қилиб силкиди, кўзлари билан оғзини тутиб, кўзларини чақчайтириб «тиш!» деди-ю, орқага кетди. Ҳаял ўтмай эски дарвоза қия очилиб, ундан ҳалиги бола чиқди, энди бошида телпаги йўқ эди. Олимжон унга ва дарвозага қаради. Зуллик билан ёпилган дарвозанинг тирқиши ҳамда пастки қисмидан аёл кишининг узун қизил гулли кўйлаги, жиякли кўк бахмал лозими ва калишли оёғигина кўриниб турарди. У дарҳол болага юзланди. Бола худди катта-

лардек қўлларини орқага қилиб, кўкракчасини кериброқ сўради:

— Нима дейсиз?

— Отанг қаердала?

— Сандалда ётибдила.

— Нима бўлган?

Бола бурнини этагига суртиб олди:

— Касал... Кеча тўйга бойган эдила, аяқ ичганла...

Олимжон кулиб юборди:

— Оббо полвон-э, бор, турғиз бўлмасам!

— Ҳо... ўзиз турғизинг, мани сўкалла!— деди бола бурнини тортиб. Олимжон бир оз ўйлаб тургач, болага: «Отанг турсалар, Олим тоғам келиб кетдилар дегин!»— деб тайинлади. Бола Олимжоннинг галстуги тўғноғичига ҳавас билан қараб олди-ю, «хўш» деб, катта беюз калишни шалоплатиб ичкарига кириб кетди. Дарвоза очилиб, аёл кишининг қадоқ қўли уни ичкарига олди. Олимжон қаттиқ кайфсизланди, уйга қайтаётиб юраги сиқилгандек бўлди. Синфдоши — уста Ғанининг хотини дарвоза ортидан мўралагани уни ҳайратга солар, эҳ, яна... ҳалиги магазинчининг хотини қилган тушуниб бўлмас карашма ва масхараомуз кулги сўлгин вужудини гоҳ қитиқлар, гоҳ чимчиларди...

Олимжон папиросининг ярмини чекди, боши айла-ниб, кўзи тингандек бўлди, енгил йўталиб олиб, папиросни улоқтириб юборди. Қиш суви қўйилган катта пайкал музлигида икки қора кўринди. Бу — муз устида бир-бирини судраб сирганчиқ учаётган болалар эди. Олимжон уларнинг саломига алик олиб ўтаркан, хаёли яна болалигига сайр этди... Ушанда Толиб билан бирга худди шулардек яхмалак отишарди. Толиб унинг чопонини орқа баридан ушлаб ўтирар, у бўлса терлабпишиб, кучаниб тортарди, навбат унга кедар. Толиб ҳам уни гизиллатиб тортиб кетарди. Бир навбат Толиб сикланиб бир тортганда унинг қўлидан чопонининг бари чиқиб кетиб, Толиб муз устига қаттиқ йиқилиб тушган,

тиши қонаб, бурни шилинган эди. Толибнинг отаси ўглини йиғидан тийиш учун унинг қулоғини ёлгондакам чўзгани ва у огримаса ҳам йиғлаб онасига борганини эслади. Ушанда онаси: «Сенга минг марта айтганман, катталарнинг боласи билан ўйнама деб!» — дея уйга кириб кетганди. Ичкари кириб қараса, онаси унсиз йиғлаб ўтирарди... Уша йиллар Толибнинг отаси колхозга раис эди... Унинг вафотига ҳам мана икки йил бўлай деб қолди... Олимжон болаликдаги дўсти Толибни топиб, бир отамлашмоқчи бўлди. Тракторнинг икки-уч эскирган резина филдираги, бир ёқ тахтаси синган тележка ва керосин бочка ағанаб ётган ташқи ҳовлига кирди. Меҳмонхонанинг ойнабанд эшигидан ичкарига қаради: уйнинг ўртасига катта жой солинган, унда боши каштали белбоғ билан танғилган бир киши ётарди. Устида иккита кўрпа, пойгакда пайтаваси чувалиб ётган бири тик, иккинчиси ётиқ кирза этик. Олимжон тиккайган ҳам эдики, ичкаридан бир қўлида бола, иккинчи қўлида челак билан ориққина аёл чиқди:

— Ассалом,— деди у елкасига тушган рўмолини тузатиб,— келинг, Олимжон ака.

— Салом, келин, бу Толиб қаерда?

— Кеча денг, Муғончага тўйга борувдила денг...

— Ана холос!— деди Олимжон кулиб.

— Йўқ, чин, Олимжон ака, кейин денг, тўйда кўпроқ ичибдилами денг, кўтарам бўлиб ётибдила... кириг, ана шу меҳмонхонада, мен ҳозир уйғотаман...

— Йўқ, раҳмат, келин, ҳожати йўқ, уйғонса уйга борар.

— Нучук бўлиб келибсиз...

— Раҳмат, бошқа вақт.

Олимжон уйга қайтди. Онаси бир коса шўрвани хонтахта устига қўяркан, сўради:

— Қаерларга бординг, болам?

— Мудирникига бордим.

— Нима қилардинг у ерда?— деди онаси ташвишла-

ниб, кейин саволига жавоб ҳам кутмай, секин-секин сўзлай бошлади.— Уволи ўзига-ку, болам, ўша Султон пиёнининг хотинини ҳам арақхўр дейла... бечора Султонгина биринчи хотинини туғмайсан деб ҳайдаб жаллодга учради, болам... Шунини олди-ю, ўзиям унинг роҳига кирди-қолди... Ҳеч бир бандайи мўмин кўз очиб кўрганидан қолмасин экан... Вой бечора болам-эй, кўзларинг тўла уйқу-я...

Олимжон уста Ғани ва Толибларникига ҳам борганини айтди. Онаси уларнинг ҳам тўйга бориб, пешингача ухлаб ётишганини эшитиб, қотиб-қотиб кулди. Олимжон эснаб: «Кеча поездда уйқудан қолибманми, нима бало?» — деди. Онаси айланиб-ўргилиб каравотга жой қилиб берди. Кечга яқин унинг елкасидан биров секин силкиди, кўзини очиб қаради: боши устида чувак юзли, томоқ остлари салқи, кўзлари қизарган Султон пиён турибди. Олимжон каравотдан сакраб тушиб кўришди. Султон пиён гиламга чўккалаб, майин, ингичка овозда гап бошлади:

— Ҳали борган экансиз, бизди «Юва» айтдилар... таклиф қилибдилар, уйга кирмабсиз... ишлари кўпдир дедик...

— Папиросга борган эдим, магазин берк экан...

— Ҳа энди, ука, ҳамма ёқ тўйгарчилик, бу йил колхозчилар йилликкаям анча-мунча олишди... Қаерга борсангиз тўй, зиёфат, хуллас... Қиҳ, ароқдан кўкимизни оляпмиз мақсад, кечаям дорини шах қилдик...

Даҳлизда узуқ-юлуқ сўз ва гулдурас кулги янгради. Олимжон ўрнидан сапчиб турди. Эшик очилиб, хонага пахтали ним пальтоси билан қомати янада барваस्ता-лашган, юзлари жигардек серқон, ўсиқ қошли Толиб ва бўйда ундан қолишмайдиган, чопон кийиб, белига аскарча қайиш боғлаган, мўйловли уста Ғани кирди. Оғайнилар қучоқлашиб кўришишди.

— Қани, нега сўраб бориб уйга кирмадинг?— гина қилди Толиб.

— Қўй, гапирма энди...

Гапга Султон пиён аралашди.

— Бизам ётган эдик десангиз, бир вақт «Юва» уй-ғотиб қолдилар, ҳа десам, Олимжон келган эдилар, дедилар... кейин «Юва» айтдиларки...

Уста Ғанининг энсаси қотди:

— Хўп, бўлди, энди калта қилинг, пиён, «Юва»нгизни покшўй ювсин!— деди ҳазил аралаш.

— Ўзим ҳам ҳар кеча сувга солиб турибман!— Султон пиён хихилаб кулди. Унинг кулгиси янтоқ оловидек гур этди-ю, тез ўчди.

— Ҳазил ҳазил билан-у,— деди Толиб жиддийлашиб,— тўйга кеч қолмайлик, ҳаммамиз Хонободга... қани, турдик, ўртоқлар, кўчада кутиб туришибди.

Ҳаммадан олдин ўсмрча гавда Султон пиён дикиллаб турди. Олимжон уларнинг қутқуси билан истаристамас кийинар экан: «Ҳақиқатан ҳам буларнинг олдида бу шўрлик сичқоннинг ўлигидай гап»,— деб ўйлади. Бирданига ўзини унинг ўрнига қўйиб кўрди, аввал унга, кейин ўзига ва бутун одамийликка раҳми келиб қаттиқ ачинди. Хўрлиги келиб, қулоқлари остида масхараомуз кулги ва: «Ҳи-я, папиросингиз тугаб қолса, истаган вақтингизда келиб туринг, ўргилай»,— деган кинояли сўзлар эшитилиб кетди. Беихтиёр титраб, деразадан ташқарига қаради: рўпарада — йўлда ДТ-24 трактори «пат-пат» ёниб турар, унинг узун, қалпоқли карнайидан буруқсаб қоп-қора тутун чиқарди. «Солярка тутуни... ёмон сассиқ бўлади-да...» деб ўйлади, сариқ гулли жун шарфини бўйнига ташларкан, нигоҳи тракторга тиркалган тележкага огди, унда йигирмага яқин йигит-яланглар бир-бирини туртишиб қийқиришар, хор бўлиб кимнидир чақирпшар эди. У яхшироқ қулоқ солди, бу гал аниқ эшитди:

«О-лим-жон, О-лим-жон!..»

ЙУЛОВЧИ

(Янги йил оқшомида)

Майин ёғаётган қор машина ойнасига келиб ёпишар, йўлни аниқ кўришга халақит берарди. Қорни сидиришга ойна тозалагичларнинг ҳам кучи етмай дам-бадам ғирчилларди. «Изғирин кучайибди!» — дея ўйлади яқинда ишга қабул қилинган таксичи йигит. Ҳақиқатан ҳам биноларнинг дераза-ойналари оппоқ, гулдор бўлиб музлаган эди. Ҳали намозшомда шу ойналарнинг кўпчилиги терлаб турувди. «Қизиқ, ҳамма ўз уйида,— дея яна ўйлай бошлади шофёр,— ҳамма хонадонда янги йил... Э, анови дераза ёнида ўрнатилган арча жуда чиройли экан. Кўк чироқчаси худди таксиникига ўхшайди...» У ўз машинасининг кўк чирогини ёқишни унутган экан— ёқиб қўйди. Иккинчи қаватдаги деразаларда ҳам аллақандай кўланкалар... кимлар танца тушишяпти, кимлар қадаҳ уриштиришяпти. «Шу паллада кўчада ким ҳам бўлиши мумкин?— хаёлидан кечирди у.— Ҳамма уйда-да, ўтган йил шу вақт...— у енгил бурилиб чорраҳадан ўнгга юрди,— ановилар жуда пишиб қолишибдику? — Йўл чеккасидан қўлтиқлашиб олиб, овозларини барала қўйиб ашула қилиб кетаётган йигит-қизларни қувиб ўтди,— янги йил базмидан қайтишяпти чоғи... Соат неча бўлдийкин?

У енгини баранка қирраси билан орқага суриб, соатига қаради: ўн икки ярим, яна ярим соатдан кейин сменани топшириши керак. «Ҳали болалар ухлашмагандир!— ўйлади у ЦУМ ёнидан чапга буриларкан,— уйга бораман-у...»

Чурр!.. Чурр!

Тормозни қаттиқ босди. Машинанинг орқа томони қорда бир оз тойиб, қийшайган бўлса-да, икки-уч қадам нарида тош қотди. Ким бўлсайкин? Яқин ҳам келмайди. Ҳойнаҳой постовой милиционер бўлса керак. Таксичи

машинани орқага олиб, ҳалиги ҳуштак чалган йўловчи ёнига келиб, ён томондаги ойнадан қаради: телпаги ва елкаларига қор инган, икки қўли пальтоси чўнтагида бўлган йўғон бир гавда огзидан буғ чиқариб турарди. У чайқалиб келиб ўзини машина устига ташлади, шофёр машинадан чаққон тушиб, орқа эшикни очди-да:

— Кириг, домла!— деди уни суяб.

Йўловчи ҳеч нарса демасдан орқа ўриндиққа думалагандек бўлиб кирди-ю: «Раҳмат!»— деди қунишиб ўтираркан. Шофёр машинанинг газини кучайтириб, орқага ўгирилди:

— Қаёққа, домла!

Йўловчи жавоб бермади. Шофёр: «Бечора, ёмон совуқ қотибди?» — деб кўнглидан кечирди-ю, машина печкасини қайта ёқди,— хўш, домла, қаёққа борадилар?»

— М-м-мозорга! — деди йўловчи ғудраниб. Шофёр ҳайрон бўлиб:

— Лаббай?! — дея такрор сўради.

— М-м-мозор...

Йўловчи бошқа ҳеч нарса демади. Машинани арақ тузланган қарам ва тамаки ҳиди тутиб кетди. Шофёр йигит унинг ҳовлиси мозорга яқин ерда бўлса керак, ёки бир оз кайф қилиб қолгач отасининг қабрини зиёрат қилгиси келгандир, деб ўйлади-да, машинанинг тезлигини оширди. Орқада йўловчи донг қотиб ухларди. Унинг кийимлари ва мўйна телпагидаги қорлар эриб, олдинги ўриндиқ суянчиғини ҳўл қиларди. Анча йўл юрилди. Машина қабристон дарвозаси олдида тўхтади. Шофёр йигит, йўловчини секин силкиб уйғотди:

— Домла, ҳў домла, туриг... келдик!..

— Қ-қаерга?— деди йўловчи эснаб кўзларини уқаларкан,— қаерга?

— Айтган жойингизга!

— Айтган жойим қаер?— сўради йўловчи қўлини пана қилиб, машина ойнасидан ташқари қараркан.— Қаер деяпман?

— Мозористон-да!

Йўловчи:

— Нима?! — деб бақириб юборди, кейин шофёр ўтирган ўриндиқ суянчиғини қаттиқ силкиди.— Ҳали шуми йўловчиларга ҳурмат, ҳали шуми кишиларга намунали такси хизмати кўрсатиш?!

Шофёр йигит довдираб қолди. Йўловчи ҳамон «шуми-шуми»сини қўймас эди. Ниҳоят шофёр машина ичидаги чироқни ёқиб, унинг афтига яхшироқ разм солди: юзи силлиқ, қовоқлари текис, бақбақаси осилган савлатли бир киши. Унинг бурни тирналган, юқори лаби чўччайиб олдинга чиққан, ҳар «шуми» деганида қуйи лабини ҳам сўлжайтириб қўярди.

— Хўп, бўлди ака, кўпам беобрўйлик қилманг!— деди бечора шофёр машинани изига бураркан.— Ахир ўзингиз...

— Нима?! — дея бақирди йўловчи.— Нима дединг, ҳали биз сизга беобрў бўлдикми? У ука, агар билмоқчи бўлсанг, м-мани обрўйим ўша директорингни обрўйндан ҳам баланд....

— Хўп, кечирасиз, ака!

— Ҳа, қайтар изингга!

Машина изига қайтди. Йўловчи яна бир оз тинч қолди. Шофёр уни машинанинг хира кўзгусидан аранг кўриб турарди. Бир пайт у:

— Тавба!— деди ва яна бир оз юрилгач, тўнғиллаб гапира бошлади:— Ургилдим мошинангдан... кечирасан, ука, сани бир оз хафа қилдим чоги. Билсанг, ўша хотини талоқ мани жаҳлимни чиқарди.

— Ким экан у?

— Эй!— дея қўл силтаб, бу билан гапиришга арзимайди, деган маънони билдирди йўловчи. Лекин яна чидай олмай гапга тушиб кетди:— Бир врачникдан келяпман, мошина олган экан, ювишга чақирибди. Оёғим тортмай турувди. Қодир судраб олиб борди. Вой аҳмоф-эй, мошинасини ювадиган вақтини қаранг. То-

пилмай кетувдими бошқа вақт! Асли ўзи жуда пастда — ҳеч вақо кўрмаган... хогини билан ёшликда бекинмачоқ ўйнаганимиздан хабари бор экан... ўзини синглиси ҳам бор... жуда чиройли. Эри катта бир базада ишлайди. Обрўлик... лекин ўшаям, ҳалиги... хихх... «Чап»...

Ўўловчи жуда ҳақоратли яна бир гап ишлатди. Шофёр уни машинага чиқариб олганига минг пушаймон бўлди. Янги йил кирган паллада шундай киши билан ҳамсуҳбат бўлганидап ўкинди.

— Домла, оғзингиз мунча сассиқ, ичингизда ит ўлганми?— деди чидолмай шофёр.

— А?!— деди йўловчи, кейин сир бой бермай: — Ҳа, ўша аҳмоқ врачиикида саримсоқ билан тузлапган болдинг еган эдик... кейин денг, ука, бир вақт ўша киши ўзини катта олиб, м-манга насиҳат қилишга тушса бўладими? Жоним чиқиб кетди. У, ўртоқ доктор, ўзимизга яраша ақлимиз бор, ишонмасангиз ана бу хонимчангиздан сўранг, дебман... У бўлса: «Хонимча, э қизиқ-ку, хонимча!» — деганча анча вақт турланиб, тусланди. Бир оздан кейин бир парсаин баҳона қилиб, хотинини уйдан қувиб чиқариб, м-манга тирғалди. У нима деди, ман нима дедим. Бўлди жанжал. Жаҳл билан: «Кетаман!»— деб ўрнимдан турдим. Кўплар орага тушди. Агар паст бўлмаса: «Қўйинг, кетаверсии, иккаласи ҳам қўшмозор бўлсин!» — дея пальтомни вешалкадан олиб иргитмас эди-да, ахир... Шу кечликда...

Шофёр бош чайқаб афсусланди.

— Айб ўзингиздан ўтибди-да, домла?

— Э, нега мендан ўтаркан? Ҳали сиз унинг хотинини ёшликдаги қилнқларини билмайсиз-да...

— Хўп, гапни қисқа қилинг, қаёққа ҳайдай?

— Ҳайдайверинг, ўзим айтаман!

Яна жим кетишди. Шаҳарнинг ўртасига етиб келганда йўловчи паст, ялинчоқ овозда секин гап қотди.

— Ҳозир шу ҳолатда борсак, хотин қам...— у чуқур хўрсинди. Бошидан телпагини олиб, асабий икки-уч мар-

та ҳидлади.— Ука, шу атрофда бирор ётадиган жой йўқми-а? Уй ҳам узоқ, районда...

Шофёр йигит бу ёғи қандоқ бўлди, дегандек, унга ўгирилиб қаради. Шу қарашда у, уйга олиб борсамми-кап, деб ҳам ўйлади. Бироқ, шу фикр миясига келганидан ўзини қаттиқ койиди.

— А, укажон?— Шофёр ҳамон сўзсиз ўйларди: рима қилсин? Бу касофат шу янги йил кечасида бировнинг онласига ишончсизлик уруғини сеппиб келаётган бўлса? Яна...

— Асли жойингиз ўша мазористон эдику-я, домла,— деди шофёр кулимсираб,— ўша ерда тинчгина ётардингиз.

— Қўй ҳазилнингни, ука!— дея ялина бошлади йўловчи.— Бир жой топ!

— Топамиз!

Таксичи йигит шундай деди-ю, машинани тўғри шаҳар куйисидаги ҳушёрхонага қараб ҳайдади.

Йўловчи ҳамон вайсаб борарди...

ШАЙТОНГА ҲАЙ

Мактаб ҳовлисидаги тахта ўриндиқда университетни шу йил битириб келган йигирма уч ёшли ўқитувчи қиз Малоҳат ўтирибди. Унинг нигоҳи девор томоннинг бўсағаси остидаги уясидан бир кафтча майин, сарғиш тупроқни чиқаришга улгурган гарддак чумолиларга қадалган. «Бир муддатлик қуёш уларини шундай меҳнатга чорляпти»,—хаёлидан кечирди у. Ҳовли ўртасидаги кичкинагина гулзорда ивирсиб юрган табиёт ўқитувчиси Ашрафжон Солиев бир кўзини қисиб осмонга қаради:

— Ҳаво бугун исийдиганга ўхшайди,— деди Малоҳатга ва жавоб ҳам кутмай қўшиб қўйди:— Қўйинг, майли исисин-э, ахир баҳор ўтиб борапти...

Малоҳат ҳам ювилган қора атласдек, олачалпоқ, бу-

лутлар орасидап мўл-кўл нур сопишга ҳаракат қилаётган қуёшли осмонга боқди.

— Қуёшни яхши кўраман-да,— деди ўрнидан туриб, этакларини сийпаб қўяркан,— қуёш бўлмаган кунлар юрагим «тарс» ёрилай дейди.

Ашрафжон кулди. Гулзордан чиқиб, этикларини нари-бери қоқди, кейин соатига қаради.

— Малоҳатхон, соатингиз неча бўлди? Бурамабман...

— Э, қўйинг, соатни нима қиласиз?

— Навбатчиман... чиқишга қўнғироқ уриш керак.

— А, бундай денг, икки минут бор... э тўхтаг! Ҳа, чалаверсангиз ҳам бўлади.

Малоҳат «Ўқитувчилар хонаси»га кириб кетди. Қўнғироқ янгради. Мактаб ҳовлиси охириги соатдан чиққан болаларнинг қий-чувига тўлди. Малоҳат болаларни деразадан кузатиб тураркан, беихтиёр кулиб қўйди. Ўзи тенги сумка кўтариб олган, пак-пакана, сербар жағи бурни билан баравар тарих ўқитувчиси Қарим Салохович идора томон келарди. Ўқитувчилар уи паканалиги учунми, ёки бўлар-бўлмас масалага аралашиб «активлик» кўрсатгани учунми, орқаваротдан «Тьер» деб юришарди. Малоҳат бўлса у билан доимо ҳазиллашар, иложини топди дегунча аскияга оларди. Қарим Салохович идорага киргач, биринчи бўлиб кечадан бери кўришмаган жисмоний тарбия ўқитувчиси Темуржон билан саломлашди:

— Салом, полвон! Локигин кўришганда этика сақлансин!— деди у Темуржонга қўл узатаркан.— Ия, вой, нима қиляпсиз? Билдик, зўрсиз... вой... вой... вой!..

Малоҳат уларни кузатиб тураркан, дераза ёнидан уларга яқинроқ келди.

— Ўпкангизни босинг-э, кўришишга тоб бера олмаган эркак!..— деди Қарим Салоховичга. Қип-қнзариб кетган Қарим Салохович бўлса ўнг қўлини чап қўли билан сийпаб, учига қон қуйилган кўкиш бармоқларига

куҳларди.— Яна тарихдан қаҳрамонлик, мардлик ҳақида лоф ҳам урасиз-а?

— Танаси бошқа дард билмас-да, ойимқиз!

— Ҳали шундайми?— Малоҳат ингичка бармогидан олтин узугини суғуриб олди.— Темуржон, бери келинг, аяб турманг, салом!

Физкультура ўқитувчиси кулиб юборди. Кулгидан аранг тўхтаркан, Малоҳатга писандасиз қаради. Қиз унинг кўзига жиддий қараб турарди.

— Қўйинг, опа, яна бирор кор-ҳол...

— Келинг деяпман, салом!

— Хўп бўлмаса, рўмолчангизни тайёрлаб туринг, кўз ёшингиз оқиб...

— Олинг, кўп қақилламанг!

Темуржон Малоҳатнинг қўлини йирик кафтлари орасига олиб қиса бошлади. Узоқ қисди, ингичка бармоқларини бир-бирига миндириб қисди. Малоҳат миқ этмасди. Ҳамон шахло кўзлари билан унга қараб турарди. Қизнинг жағ суяклари бўртиб чиқди, лекин овози чиқмасди. Ҳамма уларни ўраб олган эди.

— Э бўлди... Бало экансиз, қойил!— Темуржон қизнинг қўлини қўйиб юборди. Ҳамма чуқур нафас олди. Карим Салохович бўлса аяч бир қиёфада дикиллаб қолди:

— Қани-қани, муборак бармоқларини бир кўрсатсинлар!

— Нимасини кўрасиз?— Малоҳат жаҳл билан қўл силтади. Карим Салохович аскияга олди:

— Мен буларга, Малоҳатхонда эркаклик хислати кўп десам, булар ишонишмайди.— Кулги кўтарилди. Малоҳат ҳам кулди.

— Тўғри айтдингиз, менда эркаклик, сизда хотилик хислатлари кўп!— Ҳали бошланган кулги қаҳқаҳага айланди. Карим Салоховичнинг супра қулоқлари пушти ранг тус олди. Малоҳат дафтарларини йиғиштира бошлади. Кейин Ашрафжонга «кетдик» дегандек бош

силкиди. Иккаласи сўзсиз чиқиб кетишди. Хона жимиб қолди. Ўтирганларнинг диққатини Темуржоннинг овози бўлди.

— Баевой қиз, ўлай агар...

— Баевой қиз-у, битта шариги етишмайди,— деди Қарим Салохович. Бу гапга ҳеч ким ҳеч нарса демади.

Малоҳат билан Ашрафжон қишлоқ оралаб анҳор бўйига чиқишди. Уларда баҳорнинг бўтана сувларига тўлиб оқаётган анҳорни кузатиб кетиш гашти туғилган эди. Малоҳат олдинда ерга қараб ўйчан қадам ташлар, Ашрафжон бўлса, булут ёпирилиб келаётган осмонга тикилиб борарди. Катта қувур кўприкдан ўтиб, анҳорнинг иккинчи юзидан кетишди. Бир оз юргач, ажойиб бир шилдираш эшитишди. Кекса чоллардек беозор ёнбошлаган қари тол танасидан бачки отган кўм-кўк нозик новдалар сувга тегиб турар, сувнинг пишқириб оқишидан ҳаракатланар, ажиб бир овоз чиқарарди. Малоҳат ажабсиниб тўхтаб қолди.

— Ашрафжон ака, шу тол устида бир оз ўтирмаймизми? Қаранг, худди сўридег-а?

— Майли.

— Ҳеч гап бўлмас-а?!

— Қанақа гап?

— Одамлар...

— Э, одамларни қўйинг.— Ашрафжон оёқларини осилтириб, Малоҳат энгагини тиззасига тираб ўтирди. У пишқириб оқаётган анҳорга бир муддат маъносиз тикилиб тургач, беихтиёр гап бошлади:

— Ашраф ака, эҳтимол, бу савол берилавериб сийқаси чиқиб кетгандир. Мен ҳам шу саволни сўрашга...

— Қандай савол?

— Сиз... сиз севгини қандай тушунасиз?

— Севги, муҳаббат — бу, нима десам экан, энг олижаноб туйғу! У кишиларни меҳнатга, гўзалликка илҳомлантиради... ҳаётини гўзал қилади. Нимайди?

— Мен севгига ишонмай қўйдим, назаримда у йўқ.

Наҳотки, шундай бемаъни гаплар мендан чиқса? Қизиг-а? Ана кўряпмап, сизам ажабланиб қараяпсиз менга. Йўқ, ажабланманг, инсон жуда мураккаб нарса! Унинг кайфияти тез-тез ўзгариб туради. Шунинг учун ҳам у юритадиган фикрлар турли-туман бўлиши табиий! Хўш, кетамизми энди?

— Йўқ, гапираверинг, бу ёғига бекормиз-ку.

Малоҳат Ашрафжоннинг ҳайратомуз боқиб турган кўзларига, биллинар-билинмас ташвиш акс этган юзига боқиб, чуқур хўрсинди.

Биласизми, яқинда хат олдим... келинг, бошдан айтмасам... мен дунёда бир кишини, фақат бир кишини ҳурмат қилардим, ўшангагина бош эгардим. Характеримни биласиз-ку, эркак зоти билан қанақа олишаман. Негадир эркакларни кўрсам гап билан узиб олгим келади. Бу хислатнинг қачон пайдо бўлганини эслай олмайман. Эҳтимол, отамнинг ойимдан ажралиб, бошқага уйлапиб кетгани сабаб бўлган бўлса керак. Университетда ўқиб юрган кезларимда ҳам манман деган йигитларни, ҳатто ёшроқ ўқитувчиларимни ҳам гап билан мот қилардим. Фақат, фақат ўша йигит олдида лом-мим дея олмасдим. Уни кўрдим дегунча шундай камгап, шундай уятчан бўлардимки, асти сўраманг! Ўзиям келишган эди, қурғур: бўйи сиздан сал баландроқ — биласиз-ку, қизлар бўйи баланд йигитларни кўпроқ ёқтиришади — манглайи кенг, сочлари қоп-қора, қўнгироқ эди. Уям мени севарди. Иккаламиз бир-биримизга катта ҳурмат билай қарардик. Уф! Нимасини сўрайсиз! Ҳозир ҳам ҳурмат қиламан уни. Нима қилишимни билмай қолдим: севгимга арзимади у! Эсиз-а, эсиз, энди менга бари бир! Лекин мен уларга ўзимнинг ҳақлигимни исбот қиламан! Эй йигитлар, йигитлар, наҳотки, тақдирга нисбатан шунча бепарво бўлсангиз! Ахир мендан нимаси ортиқ Мавжуданинг?! Ҳа, Мавжуда деган энг яқин бир дугонам бор эди. Сатқайи яқин деганим кетсин! Асад бизникига келганда шу Мавжудахон бизни холи қолдириб чиқиб ке-

тарди. Билмадим, дугона-дугона деб юриб бахтимга чапг солган экан у жодугар...

Ашрафжон секин қўзғалиб, йўталиб олди. Қари голдан кўчган пўстлоқ «шип» этиб сувга тушди. Малоҳат ҳам сувга эътиборсиз қаради-ю, сергакланди.

— Ий, тўхтап, мен бу гапларни нега сизга айтяман?

— Ҳеч хавотирланманг, менга бўлмаса, кимгадир...

— Йўқ, Ашраф ака, мен бу гапларни қизларга айта олмайман, уларга ишонмайман. Битта ишонганим, энг яқин сирдошим — Мавжуда бўлса, севган йиғитимни тортиб олди. Ўзим бу ёқда эдим-да. Мен бу ёққа келгач, улар алоқани мустаҳкамлай бошлашган... ҳа, менга бари бир, кўзимга ҳеч нарса кўринмайди. Яна бу гапларни бировга айтиб юрманг, Ашраф акажон!

— Йўғ-э, нима деяпсиз!

— Лекин у — номини тилга олишга ҳазар қиламан — менинг бошимга қанчалик ғовга солган бўлмасин... Йўқ-йўқ... ҳалиям ҳурматим бор унга! У айбдор бўлмаса керак. Асад ҳурматга лойиқ йиғит эди... ҳай, туринг бўлмаса, Ашраф ака, кетдик.

Улар ўринларидан секин қўзғалишди. Осмон ҳам худди шуни кутиб тургандек Малоҳатнинг қуоқ қошлари оша узун киприklarига дастлабки томчисини ташлади...

Малоҳат бирон ойча хаёлчан юрди. Баъзида у бировга савол берар экан, кейин жавобига қулоқ ҳам солмасдан туриб кетар, гап орасида тўсатдан кулиб юборар, ёки: «Шуям гап бўлди-ю», деб лабини масхараомуз бурарди... Фақат кўнглидаги сирини Ашрафжонга айттарди. Унинг фикри-хаёли қайси йўл билан бўлмасин Мавжудадан ўч олиш эди. Ичида ўйларди: Асад менидан қандай камчилик топдйкин? Тўғри, Мавжуданинг кўзи шаҳлорёқ! Яна қаери гўзал унинг? Оёғими, оёғини худо кўрсатмасин: пағачўп. Майли, мен уларга ҳақлигимни исбот қиламан. У ўз-ўзидан куларди:— Ҳе тенгак, нима билан исбот қиласан, ахир? Тўхта, нега улар

тотадиган кайфиятни — кимдир айтаётган эди. Асад Мавжуданинг елкасидан қучиб кетаётганини кўрдим деб — ўшаларга насиб қилган кайфият менга насиб қилмайдими? Нима, мен иснон эмасманми, Мавжудадан нима кам менинг?..»

— Малоҳатхон, педсовет бошланди!

— Ҳозир кираман, Карим Салохович.

— Кўзлар йўлингизда нигорон, гўзал қиз!

— Э, боринг, тошингизни теринг! — «Қўймади-қўймади бу Тьер», дея ўйлаганча унинг изидан кириб кетди. Деразадан тушиб турган қуёш яллиғи директор столи устидаги ойнада жилоланарди. Педсоветда дарсларнинг эффе́ктивлигини оширишда Ашрафжон Солиев олиб бораётган ишлар ҳақида узоқ гапирилди. Ашрафжоннинг ўзи тажрибалари билан ўртоқлашди. Шу орада Малоҳатнинг дарси ҳақида ҳам ижобий фикрлар айтди. У жуда самимий гапирарди. Орқа столда жимгина ўтирган Малоҳат: «Шу йигитнинг нимаси менга ёқади-я, — деб ўз-ўзига савол берди, — афсуски уylanган-да! Боласиям бордир. Шунисини сўрамабман. Ўзи ҳам уй ичларидан ҳеч гап очмади. Ёки хотинига кўнгли йўқроқмика? — енгил хўрсиниб олди. — Агар кўнгли бўлмаса шу билан ҳалиги... э, ўл-э бешафқат! Нима деб алжираяпсан? — Ўзидан қаттиқ нафратланди. Гўё бутун вужуди билан ифлос хандаққа тушиб кетаётгандек ҳис этди ўзини. — Худо сақласин! Шундай сирлашиб-суҳбатлашиб юрсам ҳам бўлади-ку?..»

Педсовет узоқ давом этди. Мактаб ҳовлисидаги электр чироғи ёнди. Соат тўққизларда Ашрафжон билан Малоҳатхон бирга-бирга уйларига — район марказига қайтишди. Йўлда Малоҳат Ашрафжонга яқин юраркан:

— Уйга боргим йўқ, — деди.

— Нега?

— Билмадим, — Ашрафжоннинг тирсагидаги сенин туртди-да, — ҳеч боргим йўқ, зерикаман...

— Бўлмаса юринг, менинг ҳам вақтим бор, айлана-миз...

Улар ёнма-ён юриб ўннга бурилишди. Пахта пункти ортидаги эски кўл ўрнига янгидан барпо этилаётган хиёбоннинг ҳали асфальт ётқизишга улгурилмаган йўлларидан секин одимлаб кетишди. Одатда баҳор ёмғиридап кейин қўзғаладиган ёқимли шамол қоронғилик қўйнига чўмган бутун борлиқни аллаларди гўё. Йўл бўйида қорайиб кўринган дарахтларда қушлар хушхол чуғурлаб, тун сукунатини бузади. Ашрафжон олдинда кўллари ни плаши чўнтақларига солиб, Малоҳат бўлса ундан сал орқароқда, дуркун кўкраклари унинг тирсагнга тегай-тегай деб қадам ташларди.

— Ашраф ака, уйга кетайлик,— деди Малоҳат юзакигина. Ашрафжон бўлса унинг сайр этгиси келаётганини сезган ҳолда хомуш одимларди.— Уйдагилар кутиб қолишмасин сизни! Менга бари бир... Бораман-у, тўшакка чўзиламан.

— Менинг ҳам ҳозир уйда кутадиган ҳеч кимим йўқ, отамлар курортда, хотиним ойсиникига кетган...

— Бир нарсани сўрамоқчийдим, Ашраф ака.

— Сўранг...

— Э қўйинг!

— Нега энди... қизиқсиз!

— Хафа бўлманг, хай... Шу хотинингизга севиб уйланганмисиз?— Улар хиёбонга келадиган катта йўлга чиқишди. Бир бурчакка — электр чироғи бўлган симёғоч остидаги скамейкага келиб ўтиргунча Ашрафжон индамади. Қиз ўз саволидан ўнгайсизланди.

— Кечирасиз, ноўрин саволимга, Ашраф ака!

— Йўқ, нега, айтишим мумкин... хотинимга қасд устида уйланганман. Мен севган қиз мени севмас экан, бошқа йигитга турмушга чиқиб кетди. Фақат бир томоннинг севгиси бўлмас экан. Бировларнинг у-бу гаплари: «Ҳа, фалончининг ўғли фалончи қизга совчи юборган экан, улар хотин оладиган кишининг буди-шуди бўлсин,

куёв бола қарз-ҳавола қилиб хотин олмоқчи бўлсалар олмай қўя қолсинлар... бу умр савдоси», дейишибди қабилдаги узунқулоқ гаплар қишлоқ оралаб қолди. Отам жуда қизиққон киши. Бу миш-мишларни эшитдилар-у, шу кузда кимни топсанг топ, бўлмаса ўзим топаман, дедилар. Бир томондан, севгидан куйганим, иккинчи томондан, оиламизда хотин кишининг йўқлигию одамларнинг бу гапи... Топинг!— дедим. Узоқ бир қариндошимизнинг қизлари — Салимахонни топишди. Тўйгача икки-уч бор учрашдик. Тўй бўлди. Гап тарқатган одамлар тоғорабоши бўлишди. Мана икки йилдан бери яшайпмиз. Ёмон эмас, бир-биримизга «сен» деган кунимиз бўлганича йўқ ҳали... шу!

— Ашраф ака, болаларингиз ҳам бордир-а?

— Афсуски, йўқ... Салимахон... хотинларда бир хил касаллик...

— Ҳа, бўлди, туринг, бир оз юрайлик!

— Хўп!

Малоҳат дуркун кўкрагини атайлабданми ёки билмасданми Ашрафжоннинг тирсагига текизиб юра бошлади. Йигитнинг эти жунжуккандек бўлди, миясида қон гупурди: «Йўқ-йўқ, бу аҳмоқлик... шундай дадил, соф қизга-я? Йўқ,— ўйларди у,— хўп, нима бўлибди? Бундай ўйловларга чек қўй, аҳмоқ... аҳмоқ!..» Малоҳат ўйларди: «Бу йигитнинг нимаси менга ёқади-я! Ахир кўриниши Асадга сира ўхшамайди-ку? Бундан ташқари, гавдаси ҳам ундан кичикроқ... ўзиям бўш... хўш, нимаси менга ёқади-я?..»

— Ашраф ака, бу томондан кетайлик!

— Майли.

Улар шаҳарга тушадиган катта асфальт йўлга чиқишди. Ёнма-ён кетишаркан, Малоҳат яна ўз-ўзига савол берди: «...Нимаси менга ёқади-я? Қизиқ, гапирсам гапирмайди. Нимаси биландир Асадга ўхшайди... ҳа-ҳа, топдим: камгаплиги, нтоаткорлиги билан. Уям итоат-

кор эди...» Малоҳат ўз-ўзидан кулиб юборди. Ашраф-жон ялт этиб унга қаради:

— Нима бўлди?

— Хаёлимга бир фикр келди,— деди Малоҳат ўзини кулгидан тийиб.

— Хўш?

— Мен яна сева оламанми?

— Шубҳасиз?

— Масалан, сизни, Ашраф ака?

— А!.. Йўғ-э, нималар деяпсиз? — Йигитнинг овози титраб кетди.

— Ҳазиллашдим. Ақлимни еганим йўқ,— деди қиз йигитнинг тирсагидан ушлаб.— Яна айланиб ўша ўтирган скамейкамизга келдик. Уф, чарчадим. Келинг, бир оз ўтирайлик. Хушт! — Малоҳат секин хуштак чалди.— Анови ойга қаранг!— Шарқ томондан, икки пахта ғарами оралигидан шафақда куйган булут парчасидек қияланиб ой чиқаётган эди. Яна жимлик. Салқин тушганини Малоҳат ўтирганидан кейин сезді: қуниша бошлади. Ашрафжон икки марта «плашимни ечиб берай!» деб хезланди. Малоҳат кўнмади.

— Иссиқман. Мана, қўлимни ушлаб кўринг!— Йигит қизнинг совуқ қўлларини ҳозир чўнтагидан чиқарган илиқ кафтларига олди, иккинчи қўлини юмшоқ билакка чўзди. Юраги дукурлаб кетди,— тезгина қўйиб юборди.

— Ҳа, ҳа, иссиқ экан!

— Асаднинг мендан совиганининг сабабини энди билдим.

— Қандай сабаб?

— Биласизми, Ашраф ака, биз уч йил юрдик. Шу уч йил бадалида кинодан бошқа ҳеч қаерга бормас эдик. Ярим тунларгача сайр қилишни ёмон кўрардим. Баъзи кечалари келиб: «Юринг, Малоҳат, бир айланиб келайлик... юринг!» — деб ёлвориб сўрағди Асад. Хушимга келса чиқардим, бўлмаса: «Йўқ, бора олмайман!» — дердим. Бир сўзлигимни биларди: бўйинини қа-

шиб, бўшашиб чиқиб кетарди. Бир-биримизга муҳаббатимиз шунчалик зўр эдики, ҳатто ошиқ-маъшуқлар ўртасидаги муносабатларни хаёлимизга ҳам келтирмасдик. Сиз ишонсангиз ҳам, ишонмасангиз ҳам майли, уч йил бадалида у билан, умуман, бирорга йигит билан ўпишган қиз эмасман. Э, ишонмайсизми? Дунёда яккаю ягона меҳрибон онам номига қасам ичаман! Ишонинг... энди билсам, бечора севгилимнинг илтижоли кўзлари баъзида мендан кўп нарсаларни сўрар экан. Қанчалик соддалиг-а! Бечора менга бўлган муҳаббатининг алам-ли ўтларини Мавжуданинг айёрона ҳаракати билан ўчираркан. Ана фаришталик! Лекин у мени ҳали ҳам севади. Бунга имоним комил!

Қизнинг эҳтиросли монологини Ашрафжоннинг секин отган луқмаси бўлди:

— Севса албатта қайтиб келади!

— Эрт...та! Қайтиб келса бошимга ураманми уни?! Бир камим ҳомиладор Мавжудани ўз кунимга солиш қолувдими... хат олдим: боласи бор экан... лекин, лекин нимагадир менинг ҳам... йўқ-йўқ, туринг, кетдик! Кетдик.

Малоҳат чаққонлик билан турди. Юқори кўтарилиб, гардиши кичрайган ойга хипча белларини ушлаганича қараб қолди. Узоқда хўроз қичқирди.

— Соат ўн иккидан йигирма минут ўтибди!— дея қиз йигитнинг қўлтиғидан олди.— Мени бозор олдигача кузатиб қўйинг, ундан у ёғига ўзим кетаман.

Ашрафжон шундай қилди. Бозор ёнидаги баландликдан Малоҳат холасининг уйи кўринарди: ҳали чироқ ўчмапти — демак, кутишяпти уни.

Шу кечадан кейин ўн беш кунгача Малоҳат бир кун қувноқ бўлса, икки кун паришонхотир, сўлғин бўлиб юрди. Ашрафжон билан муносабати эса аллақандай ғайри табиий эди. Уни кўрди дегунча Ашрафжон ҳам гапини йўқотиб, қизариб кетарди. Шунинг учун улар ўқитувчилар бўлган ерда бир-биридан узоқроқ тури-

шар, иложи борича гапирмасликка ҳаракат қилишарди. Ўн олтинчи кун деганда Малоҳат райондан қувноқ қайтди: уни илмий-текшириш институтига ишга чақирн-шаётган эди. Бир ойдан кейин ўзи дарс берадиган синфлардан имтиҳонларни олиб бўлиб, ҳамма билан хайрлашди. Мактаб коллективи уни катта асфальт йўл-гача, фақат Ашрафжон бошқалардан яширинча станция-гача кузатиб чиқди. Улар йўл бўйи гаплашмай бориш-ди. Малоҳат поездга чиқаркан, кўзларига ёш келди.

— Ашрафжон ака, кечирасиз, юзингизга айтаман — сиз жуда олижаноб кишисиз!— деди. Ашрафжон серра-йиб турар, тилига бирор калима сўз келмас, дам-бадам ютинар эди.

— Хайр бўлмаса!..

— Хайр, Малоҳат!..

Паровоз бир кучанди-ю, пишқирганича олдинга қа-раб ҳаракатини тезлаштириб кетди. Состав шишадек то-за, тиниқ уфқ бағрига ўқдек кириб борарди...

Ашрафжон тушга яқин мактабга қайтди. «Ўқитувчи-лар хонаси»нинг коридорига кирганда унинг қулоғига қуйидаги гаплар чалинди:

— Малоҳат, Малоҳат! Молодец! Яна уч йилдан ке-йин қарабсизки, олима!— Бу жисмоний тарбия ўқитув-чиси — Темуржоннинг овози эди.

— Шу орада тушган шаригини ҳам қўйдириб олар-микин?— Бу Карим Салоховичнинг овози...

Ашрафжоннинг вужудида титроқ турди. Қўллари муштга айланди, ичида: «Бир, икки, уч...» дея ўнгача санай-санай, секин аслига қайтди — «Шайтонга ҳай» берди.

М А Ҳ Б У С

Кеча улфатларимдан Тўхта дегани таклиф қилиб қолди. У хотинининг отасипикига кетгани, эрта шанба куни уч-тўрт улфатни чақириб, «базми жамшид» уюш-тиражagini айтди.

— Кўп киши бўладими?

— Ким ҳам бўларди! — деди Тўхта кафтларини ёзиб.— Узингга таниш хозмаг мудирини Ботиржон ака, сан, ман, яна у-бу нарсаларга қарашиб турадиган қайним Арслон...

— Ботиржон ака борса, албатта бораман,— дедим ичдан қувнаб,— жуда дилкаш у киши.

Тўхта ҳам мамнунлигини яшира олмади:

— О, аста айтасанми, анекдоту латифанинг пири.

Эртасига кечга яқин битта «Оқбой» тўрани пальтомнинг ички чўнтагига солиб, Тўхталарнинг дарвозасини қоқдим. Арслон дарвозани очиб, илтифот билан ичкарига бошлади.

— Қани, марҳамат, мана бу ёққа киринг! — деди у юқорига қараган уйга бошларкан.— Поччам уйдалар. Ботиржон акам билан қарта уряптилар.

Даҳлизда қўл ювиб, ичкари кирдим. Тўрда кўп гўшт еганиданми ёки кам уйқуликданми чўтирнамо бетларига, қассобларникидек ғайир, ола кўзлари атрофига ажин тушган Ботиржон ака ўтирарди. Ён томонда пижама кийган, қўнғир сочлари иккига айрилиб, манглайига тушиб турган Тўхта, у қарта чийларди. Тўкин дастурхон, унда арағи ярмисигача ичилган битта шиша, тўрт-бешта пиёла. Кўришиб ўтирар эканмиз:

— Қани, бу укачамизга штрафной қилиб қўйинг-чи, Тўхтамурод,— деди Ботиржон ака бўш пиёлани у томон суриб.

Сариқ эмасманми, гавдамга шама қилиб айтилган бу гапдан қизариб:

— Нега энди укача бўлар эканмиз! — деб сўрадим.

— Ҳе-ҳе, кечирасиз, хўп ана, акача!

Иккаласи бараварига кулишди, мен зўрма-зўраки тиржайиб уларга қўшилган бўлдим. Тўхта учта пиёлага шишадаги қолган арақни бўлиб қуйди. Ботиржон ака: «Э, галат-галат!» — деди, шу тахлит мулозаматлар-

дан кейин пиёлалар бўшатилды. Тўхта қарта суза бошлади. Шарт битта: ким қолса — юз грамм арақ ичади.

Ботиржон ака тескари ётган олти дона қартасини олди-да:

— Умм!.. Бунга қаранг,— деб менга қия қилиб учта «дама»ни кўрсатди,— соҳибжамол-а, оҳ-оҳ, қани энди ҳаётигда шуларнинг ҳеч бўлмаса иккитасига эгалик қилсанг, умм!..

«Чўлп», «чўлп», «чўлп», этиб учта «дама»ни бир-бир ўпиб чиқди.

Ўйин давом этди. Тўрт айланишда Ботир ака қолди. Тўхта юз граммча қуйган эди:

— Қуйсангиз ёлчитиб қўйинг, ука!— деди Ботиржон ака кулиб.— Юз грамм бу пиёлага юқ ҳам бўлмас экан, ҳалиги соҳибжамол дамаларнинг ҳар биттаси бўсасига юз граммдан ичса бўлади.

Қулдик. Ботиржон ака янгидан ташланган қарталарни ағдариб кўраркан, «бу гал иккитаси бевафолик қилибди», деди. Иккита тушиб ўрнини тўлдираркан, янги олган қарталарнинг бирини оғзига келтириб, қалин лабларини чўччайтириб «чўлп» этиб ўпди-да: «Бор-нисиз, хоним!» — деб қўйди.

Беш қўл қарта ўйиндан учтасида Ботиржон ака, бир мартасида бизлар қолдик. Ҳар гал ҳам Ботиржон ака юз, юз эллик граммдан отиб турди. Бир вақт Тўхта ташқарига чиқди. Ботиржон ака қўлларинин шими чўнтакларига тикиб, гилам устида у ёқдан-бу ёққа юрган бўлди. Керишди, кекирди. Каравот устида деворга қоқилган рамкадаги суратга қандайдир бир ҳарислик билан тикилди-да:

— Хотинимми?— деб сўради.

— Ҳа!

— Ҳм, чакки эмас,— деди у қисқа уҳ тортиб,— хушрўйгина экан...

— Тўхтанинг ўзига муносиб,— дедим унинг кайфия-

тидаги қинғирликни пайқамаганликка олиб,— бирга ўқшган.

Ботиржон ака қайтиб дастурхон бошига келиб ўтираркан:

— Тўхта билан икки йилдан бери таниш бўлсак ҳам, ҳали келинни бирор марта кўрганам йўқ,— деди у дастурхондан шўр бодринг олиб шилпиллатиб шимаркан,— юз тузилишидан фигураси ҳам ёмон бўлмаса керак!

Нима деб жавоб беришни узоқ ўйлаб турмадим. Миямга келганини айтдим-қўйдим.

— Ҳа, ёмон эмас-у, ўнг оёғи андак оқсайди.

Ботиржон ака кўзларини катта-катта очиб суратга, кейин менга қаради-да, қаттиқ кулди.

— А, чўлоқ денг! Ҳа-ҳа-ҳа... чўлоқ! Хихх...

Тўхта кириб, унинг кулгиси узилиб қолди. Яна қарта ўйнашга тутиндик. Ботиржон аканинг латифа халтаси очилиб, анча нарсани тўкиб ташлади. Бир оздан кейин Арслон бир лаган ош кўтариб кирди. Яна қуйилди. Ош олдидан пиёлаларни тўлатиб ичдик. Ботиржон ака қароват устидаги суратга зимдан бир қараб олди-да, ўзича бош чайқаб қўйди.

— Худо ҳар бандани мўминга оилавий бахт берсин!— деди у ликончадаги турпдан чангаллаб олиб, оғзинга соларкан,— оилавий бахт дегани ҳам хотин билан... Байбай-бай, биз хотин олмай сочли бир аждар олган эканмиз-да! Йўқ, сиз кулманг, укача, э, тоес, акача, раҳматли отам айтардиларки, Ботирбек ўғлим, хотиннинг яхшиси фирдавси худо, хотиннинг ёмони жаҳаннами худо, деб...

Тўхта оғзидаги луқма билан эътироз билдирди:

— Янгам у... унчалик эмасди...р!

— Сиз билмайсиз, жон ука!— деди Ботиржон ака ликончадаги турпдан яна чангаллаб олиб.— Янгангиз ҳам бамисоли ана шу турпдай гап, турган-битганлари аччиқ сув... турпнинг ҳидини ҳам ўзингиз биласиз-ку...

эх, қизиқ... хотин дегани икки-учта тугса экан-у, ўттиз бешга кириб ўлса экан, киши бошқасига, ёширогига уйланса экан... ҳа, ҳа... ҳа...

Тўхта жиддий эътироз билдирди:

— Э ундай деманг-э, яхши эмас, Ботиржон ака!

— Йўқ, чин гапим!— деди Ботиржон ака қўлининг бармоқларини бир-бир оғзига тикиб, шўлқиллатиб яларкан.— Бу янгангиз бўлса ҳали тўқмоқдай... қиҳ-қиҳ, ҳали... вери... ўлмай... диган... қиҳ-ҳ...

Энди бизлар ҳам унга қўшилиб кулдик. Кўз олдимга Ботир аканинг узун бўйли, йўғондан келган, кўкраклари баланд, қоп-қора хотини келди. Дастурхонга фотиҳа ўқилди. Ботиржон ака гугурт донаси билан тишларини ковлашга тушди. У ҳар замон- ҳар замонда тиш орасидан кўчган гўшт ва овқат қолдиқларини турли томонга «тип», «тип» этиб учирарди.

— Мацца ана буники!— деди у елкамга бир шапати уриб.— Бир рама қизларнинг ичида якка серка бўлпб юрибди, аслида ўша вақтлар у-бу деб юрмасдан театрга ишга кирсак бўларкан... Қани, бўлса яна юз грамм қуй...

— Ошдан кейин қандай бўларкин!— дедим. Тўхта бир менга, бир Ботиржон акага қараб турарди.

— Ҳе, қуявермайсизми!— деди Ботиржон ака.— Ни-м-ма фарқ қилади.

Ботиржон ака пиёладаги арақни осон шимирди. Бир оздан кейин қўзгалди.

— Б-бу мани кузатади!— деди Ботиржон ака дарвоза олдида менинг қўлтигимдан олиб.— Ке-кетдик... х-хайр!..

Сут чироқлардан мунаввар кўчалар бўм-бўш. Машиналар қатнови сийраклашган. Узоқдан таксининг кўк чироғи кўринди, қўл кўтармоқчи эдим:

— К-керакмас!— дея қўлимни уриб туширди Ботиржон ака,— пиёда ке... ҳиқ... тамиз!

Нимқоронғи паст кўчадан юрар эканмиз, Ботиржон

ака олдинда келаётган икки хотин томон судраб кетди. Хотинлар чўчиб ўзларини четга олишди. Мен куч билан уни тўғри йўлдан бошладим.

— М-манга қара! — деди у тақатақ тўхтаб:— Битта топмайсанми-а?

— Арақми?

У бошини силкиб пихиллаб кулар, ўзича «арақми!», «арақми!» дея менга тақлидан масхара қилмоқчи бўлар, қорнимни пайпаслаб қитиқлашга ҳаракат қиларди. Охир у кулгидан тийилиб:

— Битта жо-нон топайлик!— деди.

— Жонон?!

— Ҳа... Сани танишларинг кўп-ку...

— Ахир янгам-чи?!

Ботиржон ака яна тўхтади, кўзлари симёғочдаги чироқ нурида ялтираб кетди.

— М-ман уни ур-риб ўлдираман!— деди у мушталарини дўлайтириб.— Хўп де... Т-топасан-а?..

Бошим қотиб қолди. Наҳотки одамлар шунчалик даражага боришса. Бу мени ким деб ўйлаяпти!.. Э, йўқ!

— То-топасан-а... ҳалиги кунги бор-ку...

— Қайси?

— Ҳў бирга рўлда чиқдинглар-ку!

Миямда бир нарса зинғиллаб кетди. Бир хаёлим қулоқ чаккасига тарсаки тортиб юбор ҳам деди, яна ёшини ҳурмат қилдим.

— Менга қаранг, кетасизми, йўқми?

— Хўп де, ука, битта топайлик!— деди у елкамга иккала қўлини ташлаб, юзимга қўланса лабини чўзиб.— Бир от ўйини қилайлик...

Уни ўзимдан нари итардим. Шу пайт миямда чақмоқ чақилгандай бўлди.

— Хўп, ним-ма... т-тўрт кунлик дунё... ҳиқ...да,— деди у оғзига келган бир нимани қайта ютиб,— йи... йигитчилик... то-топасан-а?..

— Хўп, майли!— дедим кескин.

— Ростдан то-топасанми-а?

— Ҳа!

У мени миннатдорлик билан қучоқлаб олди.

— Дилдорхон уйида бўлса... келинг, энди, ҳеч қўй-мадингиз.

Ботиржон ака қиқирлаб кула бошлади.

— Д-Дилдорхон... дедингми?

— Ҳа, ўша, юринг энди, ухламасдан вақтлироқ бо-райлик.

У депсина-депсина менга эргашди. Мен олдинда, у орқала. «Д-Дилдорхон, Дил-дорхон» дея гўлдираганча менга етиб юришга ҳаракат қиларди. Одатдаги депсинишлардан бирида йиқилиб тушди. Ўзи турар деган эдим, осонликча тура олмади. Бориб қўлтиғидан олиб турғаздим. Яна мен олдинда, у инқиллаб ортмдан йўрғалади.

— Д-Дил-дор мик... районда турадимиз?— сўради у менга етиб келиб.— Б-бирпас тўхта!

Тўхтадим.

— У... ўзи ёшроқми?

— Йигирма учда!

— А... оҳ-оҳ... фигураси қ-қалай?

Қўлларим билан баланд кўкрак, ингичка бел хотинларнинг қоматини чизиб кўрсатдим. Ботиржон ака шавқ билан кулди. Яна юриб кетдик.

— Э, тў-тўхта, бизани у-уйга яқинлашиб қолдик чоғи!— деди у ҳансираб.

Мен орқага қайтиб, унга яқин келдим.

— Ҳали уйингизгача бир квартал бор... Сиз шу ерта туринг, мен ҳозир Дилдорхоннинг уйидан хабар олай... Агар ҳеч ким бўлмаса секин обориб қўяман-да, ўзим дугонасиникига кираман...

— Хўп-п!— деди у эҳтиросли ҳансираб.— Э, яш-ша ука... т-тезроқ б-бор...

Мен олдиндаги уйнинг биринчи подъездига қараб кетдим. Бир пайт қарасам, Ботиржон ака орқага ўги-

рилди. Фурсатдан фойдаланиб уйни тезда айланиб ўтдим-да, чопиб кетдим. Қатордаги учинчи уйнинг 43-квартираси эшигини тақиллатдим. Ичкаридан: «Ҳа, санғимай ўл!» — деган овоз эшитилди.

— Очинг, янга, мен!

— Кимсиз?

Юрак тўла ваҳм билан ютоқиб гапирдим:

— Ботиржон ака кўчада маст, кирмайман, деб ўтирибдилар!...

Хотин баттарроқ қарғади. Елкасига халатини илиб, ташқари чиқаркан: «Ҳаммасига сиз ўлгур улфатлари айбдор!» — деди.

Бирга икки уй наридаги қоронғиликда турган Ботиржон акага яқинлашарканмиз:

— Дил-дорхон бор эканларми?— дея бўғиқ, паст овозда сўради Ботиржон ака.

Хотин «Дилдорхон» дея ялт этиб менга қаради. Мен кўрсаткич бармоғимни чаккамда айлантириб, «маст, миясы айниган» маъносини англатдим.

— Ҳў дайдимай адо бўлгур!— деди хотини Ботиржон акага ўдағайлаб яқинлашаркан.— Қани, юр уйга, ҳў башарангни ел есин!..

Ботиржон ака лип этиб олдинга тушаркан, менга бир нима деб гўлдиради. Орқадан қараб қолдим. Ботиржон ака хотини олдида назоратчи домидаги маҳбусдек телпаги қўлтигида, тенакал, катта бошини қуйи солганча кетиб борарди...

Ш У Р Л И Қ

Ким сенга бошқалар айбини гапиргай,
Билки у бошқага сендин лоф ургай.

С а ь д и й

Янги қўйиладиган комедияда олган ролимнинг сўзларини ойнага қараб ёдлай бошладим: «Э-ҳа, у кишим, шундоқ денг ҳали?! Тўхтанг, икки карра икки неча

бўлади? Тўрт. Баракалла, худди ана шундан бир бармоқ ортиқ, беш бармоқдай биламан у кишини». Бўлмади. Қошни бундай учирмаслик керак... беш бармоқдай биламан, деганда ўнг қўлнинг панжалари ёзилиб, кўзлар катта очилган ҳолда муғамбирона жилмайлади. Қани, бошдан бир такрорлаб кўрай-чи: «Э-ҳа, у кишини, шундоқ денг ҳали? Тўхтанг...»

— Азизжон!

Орқага ўтирилдим. Келинчак кийимида яхши пардозланган Шарофатхон турибди:

— Кечирасиз, халақит бердим чоғи, Пўлатжон акам чақиряптилар.

Жаҳлим чиққанини яшириш учун сўз билан чимчилаб олгим келди.

— Хўп, маликам!— дедим эгилиб.

— Югуринг, дастёр йигит!

Тилим оғзимда икки айланди-ю, бирор калима сўзга ҳам келмади. Шарофатхон менинг мот бўлганимдан ҳузур қилиб кулди, соллана-соллана зардўз камзулини ялтиратиб ўтиб кетди. Бир оздан кейин қуйида чилдирма чертилди, оркестр гумбурлади. Пўлатжон ака нима деркинлар? Яна янги ролнинг синови бўлса керак... борди-ю, ўйнай олмайсан десалар... Қандай қилсам ҳам табиий чиқмаса... Эҳ, бир гап бўлар-да... Нимқоронғи сахна орқасидан ўтиб, бош режиссёримиз Пўлатжон аканинг эшигини тортдим, у кишининг ёнида яна бир одам бор эди. Барг рангидаги плашини ҳам ечмабди. Қисқа, сийрак сочларини қуйига қараб тараган, ингичка оёқларини чалиштириб, креслода ястаниб ўтирарди. Пўлатжон ака ўринларидан турдилар, у ҳам оёқларининг йигиштириб, секин кўзғалиб қўйди.

— Танишинг,— деди Пўлатжон ака у кишига ишора қилиб,— меҳмон ҳамкасбимиз — Зулфуқоржон!

Ўзимдан бирор қарич калта меҳмоннинг кул ранг, ҳаракатсиз кўзларига қараб жилмайдим:

— Келини!

Утирдик. Сўрашиш орасида яна икки марта «келлинг» сўзини ишлатганимга ичдан ганим келди. Зулфуқоржон ўзи яшаган шаҳар театрида ишларкан, ора-орада қисқа метражли фильмларда ҳам ўйнаркан.

— Энди,— деди у лабларидаги мураббо юқини ялаган боладек ишшайиб,— нарвоннинг паст поясидаи бошляяпмиз-да, Пўлатжон ака!

Пўлатжон ака «албатта, албатта» деб маъқуллагач, менга юзландилар.

— Азизжон ука, бир хизмат, бугунги ролини дублёрингиз — Ваҳобжон ўйнайди. Сиз меҳмонни шаҳарнинг тарихий жойлари билан таништирсангиз. Ўзим олиб чиқсам ҳам бўларди-ю, энди...

— Хўп, майли, мен ўзим...— дедим илтифотланиб. Пўлатжон ака бизни эшикдан кузатиб қоларкан: «Азизжон, бир минутга», дедилар. Қайтиб ичкари кирдик.

— Яхши томоша қилдиринг, эртага самолётга ҳам ўзингиз олиб чиқасиз.

— Хўп бўлади!

Меҳмон фойедаги кўرғазмалар олдида айрим спектакллардан олинган турли хил қиёфадаги расмларни кўздан кечирарди. Яқинига келгач, у менга ўгирилиб, слякамга қўлни ташлади:

— Мапа бу, янглишмасам сиз-а, Азизжон?

— Ухшайманми?

У бир менга, бир расмга қаради:

— Қойил, зўрга танидим, жуда қойил мимика!

Театр залидан чиққанимизда қуёш энди тиккайиб келаётган эди. Атроф шовқин, машиналар қатнови зўрайган. Асфальдан бугдек чапг кўтариларди. Биз театр ёнидан ўтиб, «Исмоил Сомоний» мақбарасига қараб юрдик. Йўлда театр, кино ҳақнда гаплашиб бордик. Суҳбат мавзу тарихий ёдгорликларга оғди.

— Бухоро,— деди меҳмон шопрона оҳангда,— сенинг обидаларнинг неча-неча асрлар оша яшаб келяпти! Сен...— муносиброқ сўз тона олмади шекилли, кўзлари-

ни қисиб осмонга қаради,— биласизми, Азизжон, бизам асли бухоролик, мен бобомнинг номларини олганман, у кишининг исмлари Зулфуқорхўжа бўлган...

Истироҳат боғи оралаб борарканмиз, Зулфуқор дарахтдан япроқ юлиб олиб, узукли бармоқлари билан эзгилашга киришди. Мен ундан сўрадим:

— Бу Рустам билан тез-тез учрашиб турсангизлар кераг-а?

— Қайси Рустам?

— Ўзларингизда бор-ку, кеча дам олиш куни ҳам телевизорга чиқди. Жуда қотириб ўйнайди-да, ҳаракатларига ҳавасим келади.

— Э-ҳа, Рустамни айтасизми, ҳар куни учрашамиз. Яхши, ҳозир анча популярний бўлиб қолди.

— Мен у билан учрашганим йўғ-у, лекин, бу ўзи қандай улгуради — дам радио, дам телевизор, дам кино...

Зулфуқор ўнг қўлининг бош бармоғини қолганларига «пулда, пул» дегандек қилиб ишқаб куларкан, кўзларини қисиб менга қаради:

— Рустам яхши, талантли артист, лекин билмадим, энди менга шундай туюладими ё,— ўнг елкасини қулоғига тегизди у,— ё умуман шундайми, хотинининг қули, шўрлик. Қаердан пул олмасин, хотини тийин-тийин санаб олади. Хотиниям Рустам шўрликнинг нўхтасини занжирдан қилган. Лекин Рустамнинг ўзиям қурумсоқ-да, бирор марта бундай тўртта улфати билан одамгарчилик устида кўрган эмасман... ҳар қалай яхши йигит, ёмоп эмас...

«Исмоил Сомоний» мақбарасини кўздан кечира бошладик. Бу ерда биздан бошқа ҳам бир гуруҳ болалар бўлиб, уларга ёшгина хушрўй бир жувон алланарсаларни тушунтирарди. Зулфуқор: «Қаранг, болаларга она қилса бўларканми?» — деди ибосиз тиржайиб. Кулишдик. Зулфуқор темир панжарали тешикдан ичкарига мўралади...

— Жуда баҳаво жой экан,— деди у «Чашма Айюб»

томон юрарканмиз,— худди ана шу ердан қуйига қаратиб битта участка солинса...

— Бўларди-ю, лекин бу ерлар мозор бўлган-да!

— А, мозор дедингизми?

— Ҳа.

— Юринг бўлмаса, нариги томондан кетамиз... Ҳа, бу телевизорни тез-тез кўриб турасизми?

Сув шилдираб турган ариқчадан ҳатлаб ўтгач, жавоб бердим:

— Аҳён-аҳёнда, программа асосида.

— Яқинда кўргандирсиз, Карима Ашурованинг ула-ма сочи дўпписи билан сирғалиб тушганини... Расволик! Ҳамма кулди-е... шўрлик режиссёрга виговор беришди.

Оёғимга илашган лойни тозалаш учун эгилдим. У ҳам мени кутиб турди. Яна баравар кетдик.

— Ҳар қалай Карима таланти қиз!

Меҳмон кул ранг кўзларини қисиб, ўнг елкасини қулоғига теккизиб, қуйи лабини чўччайтирди.

— Тўғри, шубҳасиз таланти, ҳозир унга тенг келадиган актриса йўқ даражада, лекин... умуман, нима десак экан... чиройли-да ўзиям, шундай бўлгач...

— Қандай бўлгач?

У менга синов назари билан боқди.

— Йўқ, умуман, таланти актриса... Ҳа, бу «Чашма Айюб» ичида булоқ борми?

— Шундай, қудуғи бор...

Ичкари кириб, қудуқни томоша қилдик. Зулфуқор қудуққа эгилиб овоз берди. Гумбаз ости бўйлаб: «Ҳо... ҳо... ҳооо» деган акс садо қайтди. Бу ҳолни Зулфуқор қайта-қайта такрорлаб завқланди. Ташқарига чиқдик. Институт ёнидаги йўл билан шаҳар марказига буриларканмиз, Зулфуқор узоқдан «Тоқи телпак» гумбазларига ишора қилиб кулди:

— Манавини қаранг, худди томда ясалган сағаналарга ўхшаб кўринади.

Унинг бу ўхшатиши менга ёқмади, шунинг учун ҳам ҳеч нарса демадим. Бозор ёнидан ўтаётиб:

— Нега хомуш бўлиб қолдингиз?— деб сўради.

Унга қараб кулдим-да:

— Ҳеч нарсага,— дея тирсагидан тутдим, у сўзида давом этди:

— Биласизми, бир дўстим бор, кўпинча эпизодик ролларда чиқади, оти — Исмоил, донм хомуш юради.

— Исмоил Исломовми?

— Ҳа, худди ўша,— деди у маъқуллаб,— шоирларга ўхшаб хомуш юргани-юрган. Кейинчалик унинг одатини билиб олдим. Хомуш кўрсам, ўгилчасидан гап очаман, у бўлса аввал бир илжаяди-ю, кейин бир ярим яшар ўгилчасининг қилиқларини мақтаб кетади: «Ўлай агар, талантли актёр бўлади, лекин мен уни футболчи қилмоқчиман», дейди. У мақтайдн, мен ажабланиман, яна мақтагач, унинг қувончига шерик бўламан, бир вақт қарабсизки, елкама-елка бўлибмиз. Ўгилчани мақтай-мақтай самоварга чиқамиз... Жуда қизиқ йиғит. Лекин бир оз содда, шўрлик...

— Соддалик — гўзаллик,— дедим. У эгилиб тор шининг орқага қўнғироқ бўлиб осилган почаларни қоқди, кейин учн йиғичка, пошпаси баланд пойабзалини асфальтга тап-тап урди. Сочларини кафти билан манглайига қаратиб силаб қўйди.

— Тўғри, соддалик — гўзаллик-ку,— деди у ўнг елкасини қулоғига теккизиб,— лекин умуман, ҳамма вақт ҳам соддалик кетавермас экан. Бир куни тарихий бир драмада хомушлиги туфайли салла ўрнига шанка кийиб чиқса бўладими, шўрлик.

Зулфуқор бу воқеани эслаб қотиб-қотиб кулди. Мен ҳам унинг кўнгли учун зўраки жилмаявердим. Зулфуқор йўл бўйидаги дарахтдан яна барг узиб олди-да, уни қирра бурнига яқин келтириб искади.

— Бир чой ичсакмикан?— деди у қўлидаги япроқни нарига ташлаб.

— Ресторанда ичақолайлик!

— Йўқ, қорин жаноблари тўқлар, эрталаб балиқ еган эдик, фақат чой бўлса кифоя,— деди у кулиб.

— Бу яқин орада чойхона йўқ.— «Лабиҳовуз» ёнидаги чойхонадан ичармиз деб ўйлаб:— Юравнинг,— дедим.

Чойхонада одам сийрак бўлиб, ўртадаги сўрида икки мўйсафид паст овозда суҳбатлашиб ўтирарди. Биз уларга салом бериб, икки чойнак чой ва қанд қўйилган ликопча билан сўрилардан бирига бориб ўтирдик. Зулфуқор уч пиёла чойни уст-устига иссиқ-иссиқ ҳўплаб ичди. Негадир у камгап ва ўйчан бўлиб қолди. Бир оздан кейин кул ранг, ҳаракатсиз кўзларини ердан кўтариб, хижолат билан илтижо орасидаги қиёфада секин сўради:

— Азизжон... бу... мен ўйнаган роллардан ҳам бирортасини кўргандирсиз?

Бу савол мени эсанкиратиб қўйди:

— Ҳа, кўрганман!— дедим ёлгон гапираётганим билмасин учун чой ҳўплаб. Зулфуқор бўлса яна кўзимга қараб туриб:

— Қайсиларини?— деди ҳамон ўша хижолатли, илтижоли қиёфада. Унинг юзидаги хижолат менинг башарамга ҳам кўчди шекилли, қулоқларим қизиб кетди.

— Кўрганман сизни,— дедим қўлларимни ҳаракатлантириб,— кўрганман, менга маъқул бўлган эди, қайси бир киножурналда эди чоғи.

Зулфуқор менга бепарво тикилиб:

— Эҳтимол,— деди кайфсиз, бир оздан кейин қўшиб қўйди:— «Турна учди»да кўргандирсиз!

— Ҳа, ҳа!— дедим қизғин маъқуллаб, сўнг гапни бошқа томонга бурдим.— Сизларнинг коллектив жуда машҳур, талантларга бой, устозларингиз ҳам зўр-да... Бош режиссёрларинг — Акмалжон ака қандай меҳрибон одам. Ўтган йили гастроль олдидан бизларга ҳам келган эдилар...

Меҳмоннинг кўзлари қисилди, ўнг елкасини сочи сийрак кичкина боши томон кўтариб қулоғига теккизди:

— Тўғри, Акмалжон акам ҳаммамизнинг устозимиз,— деди у пиёлани ерга қўйиб,— катта талант, меҳрибон киши-ю, лекин нима десак экан... умуман, умуман жуда қўрқоқлар. Бир янги спектакль қўйилса борми, у кишини қўяверинг, ҳамма каттаконларга, олиму редакцияларга «пригласительный» ёзиб жўнатадилар. Тўғри, айтганингиздек бусиз ҳам бўлмайди. Акмалжон ака талантли ёшларга ғамхўр одамлар-у, негадир кўпчилик ёмон кўради у кишини. Ўзлари бўлсалар, ўлгудай қўрқоқлар, шўрлик. Тўғриси, умуман олганда, бунчалик ҳам кетмасакан. Хўп, турдикми бўлмаса?

Пиёла олдига чақа ташлаб, ўрнимиздан турдик. Зулфуқор икки қадам оқсаб юриб, «оёғим увушиб қолибди», деди чап тиззасини силаб. Бир қадам орқада юриб борарканман, Зулфуқорнинг ҳалиги саволи эсимга тушиб, кўнглим алланечук хижил бўлди, ўз-ўзимча «шўрлик» дея пичирладим. Зинадан кўтарилиб яна театрга қайтдик. Театр эшигидан кираверишда замонавий кийинган, эрталабки пардози ҳали ўчмаган оппоққина Шарофатхон учраб қолди. У меҳмонга «зерикмаяисизми?» дея бош силкиди-ю, менга қараб ширин жилмайди. Эрталабки «ўчим»ни олмоқчи бўлдим-у, яна меҳмон олдида одобсизлик бўлмасин, деб ўзимни босдим.

— Шарофатхон, Пўлатжон акам борларми?

— Ҳа, ўзларидалар,— деди у шаҳло кўзларини ўйнатиб. Театр ҳовлисига кирганимизда Зулфуқор бир нима дегандек бўлди.

— Гапирдингизми, меҳмон?

— Ҳа!— деди бир кўзини қисганча тиржайиб.— Шарофатхонингиз яхши блондинка эканлар.

Унинг бу тиржайиши ва бу сўзлари қулоқларим остига тарсаки тортиб юборгандек бўлди. Меҳмон— отангдан улуг. Гапирмадим. Лекин қовоғим солинди чоғи, у менинг елкамга қўл теккизиб, деди: «Азизжон, сиз

кираверинг, дўстим, мен ҳозир». Зулфуқор бурчакка қараб кетди. Мен Пўлатжон аканинг идораларига кирдим. Бир ўзлари экан.

— Қалай айландингизлар?

— Ҳа, ҳамма жойни кўрсатдим.

Пўлатжон ака менга яқин келиб такрор сўрадилар:

— Зулфуқор билан суҳбатлашдингизми, қандай йигит экан?

— Яхши йигит, талантли йигит экан-у, умуман... ни-ма десак экан? Яхши-ю, лекин...

Пўлатжон ака кулиб юбордилар. Қизариб, юзимга қон тепди:

— Нега куласиз ахир?!

У киши кулишда давом этиб, елкамга қўл ташладилар:

— Янги ролни худди ана шундай — кўзларингизни қисиб, ўнг елкангизни қулогингизга теккизиб, қуйи лабингизни салгина чўччайтириб ўйнайсиз, ҳозир айтган гапларингизни ҳам айнан ўзини шу оҳангда киритсангиз бўлади.

Қувониб кетдим.

ТАҚСИМОТ

Бир пайтлар Учтут энг обод, кичик бўлсаям обрўси шаҳарнинг етти даҳасига тарқалган маҳаллаларидан эди. Зилзиладан кейин маҳалла бир оз тўкилиброқ қолди ундан файз кетди. Чунки, маҳалланинг буд-шудли кишилари шаҳар атрофларидан участка қуриб кўчиб чиқишди. Кейинги пайтларда маҳалла кишиларининг кўнгли совугандек бўлди. Ўтган йил эса, маҳалладаги қолган-қутган хонадонларни янгидан қурилган кўпқаватли уйларга кўчириш тўғрисида қарор чиқди.

Шундай қилиб, байрам арафасида маҳалла кўчар

бўлди. Ўн етти хўжалик — Тўдақамишга, йигирма хўжалик — Юсуфободга. Ҳар ким ўзи кўчадиган ерини дуч келган кишига, ошна-оғайнисига оғзи чарчаб, суҳбатдоши зериккунча мақтарди. «Тўдақамиш асли мусулмон-обод жой. Уша ердаям ошни ташкил этиб юборамиз, а лаббай!», «Юсуфобод-чи? Ўз номи билан жа обод жой экан. Марказдан бир оз узоқроқ бўлсаям ҳавоси зўр. Ҳавосидан қаймоқ билан қимиз ҳиди келади...»

Кечга яқин Қодиржон ака уч-тўрт бекорчини деворлари йиқитилиб, хари, синч, пишиқ гишт ва эшик-ромлари бир томонга териб қўйилган афтода ҳовлисига чақирди. Ҳовли ўртасидаги тахта сўрида лаганлар, ликобча, пнёла, коса ва нимкосалар даста-даста териб қўйилган. Иккинчи томонда уч-тўртта бўхча, сўридан пастда учта қозон, нарироқда — эски айвон остида битта тобут.

— Жамоат,— деди Қодиржон ака кўринишига ярашмаган қироат билан,— мана узоқ вақтлар бирга турдик, қўшничилик қилдик,— у томоқ қариб олди,— ҳар қалай... сиз билан бизга қолса маҳаллани иккига бўлармидик... аввало ҳукуматчилик!— У атрофга қараб олиб, сўзида давом этди,— биз ҳукуматимиздан миңдан-миңг розимиз! Чунки домларни бориб кўрдпнгизми, Маҳсум ака?

Сўри суяпчигига орқасини бериб, бошини солинтириб ўтирган кўкнорни башара, сийрак соқол Маҳсум ака кўзларини очмасдан бош силкиб, маъқуллаб қўйди.

— Боракалло! — Қодиржон ака, гўштдор кафтини силкиб.— Ҳар бир тўрт хонали квартир учун давлат ўн миңг сўм сарфларкан. Тўғрида, совуқ сув, иссиқ сув, газ, радио, электр, яна...

Маҳсум ака Қодиржон акага эринибгина сузилиб қаради-да:

— Қодиржон иним,— деди заиф овозда,— дакаладни бошқа вақт қиласиз, ҳозир мақсадга келинг!

Қодиржон ака сўздан тўхтади. Бўртган қовоқлари

пир-пир учди. Агар бошқа вақт бўлганда Маҳсум акани жеркиб берарди, лекин бу гал негадири шаштидан қайтди. Зўраки жилмайди.

— Жамоат,— деди у жилмайиб туриб атрофдаги уч-тўрт кишига,— гапнинг ошаси десак ҳам бўлади, ўғил-боласи десак ҳам бўлаверади. Хуллас шу: тақдир тақозоси билан маҳалламиз иккига бўлинди. Раз шундоқ экан, энди маҳалла инвентарларини ҳам одилона иккига бўлишга тўғри келади.

Маҳсум ака кўзларини аранг очиб, яна сузилиброқ қаради. Бу унинг ҳушёр тортгани бўлиб, бир маромда беш силкиб гапира бошлади.

— Э бундоқ денг? Тўғри-тўғри, модомеки, маҳалламиздан ўн етти хўжалик, яъне семья Тўдақамишга, манови керосинчи Очилбой томбидан йигирма хўжалик, яъне семья Юсуфободга кўчар экан, ҳоли бақудрат маҳалла бисотини ҳам иккига бўлмоқлик лозимдир.

Атрофдагилар истар-истамас Маҳсум аканинг гапини қувватлашди.

— Ҳа балли, кам бўлманг!— деди Қодиржон ака уларнинг гапини босиб тушиб.— Тушунган одамга борман-да! Асли бу ишни бир самоварга чиқеёб, битта қулниги ўргилсин ошни дамлаб, а лаббай?

— Ошмиш, э барака топкур Қодиржон иним-эй! Эпди ошми бизни янги маҳалла Юсуфотти В-4 сида еймиз... қани бошлангчи...

Қодиржон ака ён чўнтагидан тўрт буклоглиқ, кирчил бир қоғоз чиқарди, ҳовлиқиб кўзига яқин келтирди. Бўлмади. Кўзойнагини тақиш эсдан чиққан эди. Тп-мирскиланиб кўзойнагини тошиб, учи ингичка бурни устига қўндирди.

— Ҳурматли жамоат,— деди у кўзойнаги устидан атрофга кўз ташлаб олиб,— эски маҳаллада, манови кўриб турганингиз пахта гулли пиёладан 155 та бор эди... ҳам... ўнтаси аввалги ой Карим акани ифторлигида синибди-ми-е...

— Синмагандир!— деди Юсуфобод томонга кўчади-
ганлардан кимдир.

— Мен ҳам шунга ишонмайроқ турибман,— деди Қо-
диржон ака жилмайиб,— ҳар қалай пахтадан гул солин-
ган, чиройлироқ эмасми, битта-яримта ният қилиб... ҳа-
ҳа, буюрсин! Хўп, қолган 145 та пиёланинг 75 таси
Юсуфободга, яъне Маҳсум ака томонга, қолгани Тўда-
қамишга...

— Ахир биз томон...

Маҳсум аканинг сўзи оғзидан юлиб олинди.

— Энди тўрт-бешта пиёла нима деган гап, Маҳсум
ака?— деди Қодиржон ака.— Сиз билан биз дунё кўр-
ган кишилармиз. Соғлиқ бўлса ҳамма нарса топилади.
Хўп деганингиздан юзта коса. Раҳмати Ҳалимхон акам
чинни завутидан асобий заказ билан олиб берувдила...
бундан ҳам 12 таси қайси бир тўйдан қайтиб келмади...

— Қосаям пахта гулли эди шекилли?

Қодиржон ака қочиримга тушуниб, сирни кулги би-
лан хас-пўшлашга ҳаракат қилди.

— Оббо Маҳсум ака-ей, ўзиям жуда шўхсиз-да! Тўғ-
ри, қосаям пахта гулли эди... синган-да! Сиз билан биз
нима ҳам қила оламиз! Ажали етса одам ўларкан... ке-
линг, майли, қосадан қирқтаси сизларга тега қолсин!

— Инсоф қилинг, Қодиржон иним!

— Оббо, жа мелоч экансиз-да, Маҳсум ака! Э бо-
ринг, 45 та бўла қолсин! Қани, Шокиржон, коса билан
пиёлаларни айиринг, ўтинг маиа бу ёққа!

Шокиржон деган қорача йигит коса-пиёлаларни ши-
қирлатиб санаётган эди, Маҳсум ака:

— Ҳовлиқманг,— деди уни чиннивор буюмлардан на-
рироқ итариб,— аввал келишиб олайлик, кейин бирва-
ракайига бўлиб олаверамиз! Ҳа, давом этинг, Қодиржон
иним, ҳўв бола, бор, нарироқда ўйна, бизга мушшай
қилма!

Сўри чамбарасига осилиб ҳуштак чалиб юрган тўрт-
беш ёшли бола (Қодиржон аканинг невараси бўлса ке-

рак) Маҳсум акага тилини кўрсатди-ю, унинг хезланганидан қўрқди шекилли, қочиб кетди. Қодиржон ака рўйхатга қараб гапира бошлади.

— Олтмишта чинни лаган бўлиб, шундан эллик учта қолган.

— Пахта гуллиси бўлса...

Энди Қодиржон ака ҳам чидаб туролмай жаҳлга минди.

— Қўлам гапни олиб қочманг, Маҳсум ака!— деди у овозини бир нарда кўтариб.— Нима, ман рўзгоримга ишлатаманми? Маҳалладан нарнисига буюрмасин-э, билдизми, буюрмасин!

Уни ҳай-ҳайлашиб зўрга шаштидан туширишди. Маҳсум ака жим бўлиб қолди. Маҳалла бисотнинг қолган қисми — дастурхон, патнис, чойнак, ликобча ва мураббо соладиган идишлар гап-сўзсиз бўлинди. Фақат чой қайнатадиган бак устида жанжал чиқди. Сабаб, бак битта дошқозон ўрнига юсуфободликлар маҳрига тушди. Самоварчи Акбарали ака эса, Тўдақамишга кўчар эди, шу бир оз қизариб олди.

— Тобут масаласи,— деди Қодиржон ака айвон томон кўз ташлаб олиб,— маҳалламизда битта тобут бўлиб, уни ҳам раҳматли магазинчи Шарифхон акам гуллар солдириб ясаттирган эдилар... бандалик экан, ўзларини ҳам шу тобутга солиб қабристонга оборган эдик...

Шу пайт яқиндаги мачитнинг сўфиси, бир оз ирkitроқ кийинган бўлсаям, халқ эътиборини қозонган Зокирхон домла инқиллаб юриб бориб, тобутнинг ичига ўтириб олди.

— Йўқ! Бу тобут мен билан Тўдақамишга кетади... шу тобутда охирги манзилимга боришни ният қилганман!— деди у кўзига ёш олиб.— Уч кунлигим борми, тўрт кунлигим борми... ўлигим чиқсин... ҳа-ҳуқ... ҳиқ... раҳмларинг келсин...

Бошқаларнинг ҳам кўнгли бузилди. Маҳсум ака кўз ёшларини енгига артиб, бурнини тортиб қўйди.

— Бўлди, Сўфи амаки, бизлар розимиз...

Яна павбат Қодиржон акага келди.

— Қадрли жамоат,— деди у шикаста овозда,— кўпгина азизларнинг айтишларича дини ислом, яъне мусулмончилик ер юзидан то рўзи маҳшаргача йўқолмас экан. Бунинг яна бир мисоли шулдирким, кейинги пайтларда мусулмончиликка кенг йўл берилди. Баски шундай экан, биз ҳам ота-боболаримизнинг урф-одатларига риоя қилмоғимиз керак... гапнинг ўғил боласи шуки, маҳалланинг битта паранжиси бўлиб, уни ҳам менинг ўзим ўтган йили Пастқам бозоридан топиб келган эдим...

Маҳсум ака бир қўлини тўни остидан орқасига тутиб, иккинчи қўлини паҳса қилиб гапирди.

— Сен топиб келган бўлсанг ҳам маҳалланики ахир?

— Шундайку-я, лекин мусулмончилик дегандай, баъзан тўйларда керак бўлади... келинни шусиз гўшангага киритиб бўлмаса...

— Ҳа балли!— деди Маҳсум ака бошини қийшайтириб.— Ахир бизгаям керак-да, Қодиржон ишим... кеча ҳисоблаб чиқдим, биз билан домга кўчадиганларнинг бўйга етган 23 нафар қизи, 30 га яқин Фарҳоддек ўғли бор экан... Улар ҳам чимилдиққа киради, ота-оналарининг орзуи ниятлари бор... бу жонивор ноёб нарса бўлса...

Шу пайт сочи елкасидан қирқилган, қил-қизил шим кийиб олган бир қиз ингичка пошналарини асфальтда тирсиллатиб қийшанглаганча ўтиб қолди.

— Ҳу анови қизни қаранг!— кўрсатди Қодиржон ака.— Ҳусан оғзи каттанинг қизи, ана шу қизгаям тўй куни паранжи ёпмасангиз жойига тушмайди, ҳа...

— Биламап, биламап!— деди Маҳсум ака.— Кеча анови янги микрорайондаги домлардан бирида тўй бўлган экан, келиннинг бувиси: «Илло-билло неварамни гўшангага бепаранжи киритмайман!» — деб йиғлабди. Музейдан икки соатга битта паранжини зўрға олиб келишибди...

Қодиржон ака бўхчаларни титкилаб қоп-қора, зар уқалп қадимий парапжини олиб кўз-кўз қилди.

— Энди қаранг, бунақасини Ленинграддаги музейдан ҳам топиб бўлмайди-да, ака. Бир кампирдан олган эдим, бу ўша кампирнинг ойсиники бўлиб, унинг ойси Бухоро амирининг канизакларидан экан, билдизми?

— Билдик!— деди Маҳсум ака унинг қўлидан паранжини тортиб олиб.— Локигин, бу биз билан кетади!

— Кўпам жаҳдимми чиқарманг, ака!— деди Қодиржон ака.— Бермайман дедимми, бермайман, паранжи сиззикмас... бу ўз пулимга келган...

— Бу қанақаси?— деди ҳалига қадар бир бурчакла биқиниб, ҳеч нарсага аралашмай ўтирган слесарь Шаҳобитдин ака.— Дошқозон Тўдақамишга кетсин, тобут Тўдақамишга кетсин, паранжи Тўдақамишга кетсин, яна пахта гулли коса-пиёлаларнинг кўпи Тўдақамишга кетсин, адолат борми ўзи? Бу ишингиз яхши эмас-да...

Юсуфободга кўчадиганлар Шаҳобитдин аканинг гапини маъқуллаб, шовқин солишди. Маҳалла вакили — Қодиржон ака талмовсраб қолди.

— Хўп, нима қил дейсиз, ака?

— Нарсаларни бошқатдан, деталний қилиб бўламиз! — деди Шаҳобитдин ака.— Агар керак бўлса маҳалла бисотини адолат билан тақсимлайдиган ЖЭҚ данми, исполкомданми комиссия чақирамиз!


Шаҳобитдин ака шундай деди-ю, ўрнидан туриб, этагини қоқиб жўнаб қолди. Унинг кетидан бошқалар ҳам бирин-кетин тарқашди. Қодиржон ака билан Маҳсум ака қолди. Улар бир-бирларига қисқа муддат маънисиз қараб туришди, охири Маҳсум ака:

— Манг!— деди жаҳл билан паранжини унинг оёғи остига ташлаб.— Олинг паранжингизни!

Қодиржон ака унинг изидан қичқириб қолди:

— Нега меники бўларкан, маҳалланики-да, ака!

Эртасига маҳалла бисотини тақсимлашга ЖЭҚ дан комиссия келди.



Ҳажвиялар

КОЛЛЕКТИВ ШИКОЯТ

Кеча шанбаликка қатнашмаганимиз учун директори-миз мени ва химия ўқитувчиси—Зокировни бир оз койиди. Айниқса, менга айтган гапи жон-жонимдан ўтиб кетди. Нима дейди-я: «Агар аммабувингиз вафот этган бўлсалар ҳам шарт эмас эди ўша куннинг ўзпадаёқ етиб бориш, фотиҳа қаримас деганлар, бир-икки кун кейинроқ борсангиз ҳам бўларди!..» Тавба... хайрият, дарсга қўнғироқ чалинди-ю, у сўздан тўхтаб, тўнгллагача бошқалар қатори ташқари чиқиб кетди. «Ўқитувчилар хонаси»да икки киши қолдик. Мен ва «иш план» тузиб ўтирган эски тарихчи—Турди ака Ражабов. У кишини мактабда ҳамма «доммулло» деб, муомала қилади. Турди ака узоқ вақтлар мактабда директор, илмий мудири бўлиб ишлаган. Иложини топди дегунча ҳаммага панд-насихат қилади. У қўлидаги ручкани столга қўйди-ю, менга меҳрибонлик билан тпкилди.

— Шу директиризга ҳам тушунмадим-да,— деди энгагини қашиб,— гапирмаса ўзидан кетяптими дейман. Наҳотки аза билан тўйнинг фарқига бормаса. Бир кишининг кўнглини хуфтон қилиш нимага даркор экан. Ўтган куни Шариповга: «Нега мактабда нос чекасиз, ҳеч бўлмаса ўқувчилардан уялинг!» — дейди. Ахир у бечора папиросни ташлаб носга ўтган эди. Жуда кайфи учди. «Нима иши бор, папирос чекаманми, нос чекаманми, бу менинг ишим!» — деб фиғони чиқиб юрибди...

Эшикдан фаррош аёл кирди-ю, Турди ака гапдан тақа-тақ тўхтаб, қўлига ручкани қайта олди. Мен кайфим учганча ташқари чиқдим. Гулзор бўйидаги скамейкага ўтирар эканман: «Ҳақиқатан ҳам директор ўзидан кетяпти», дея кўнглимдан кечирдим. Ўша куни дарсдан кейин Зокиров билан бирга уйга қайтаётган эдик:

— Директорам аста-секин ҳурмат-эътиборни йингиштириб қўядиганга ўхшайди-ку,— деди Зокиров менга

мон қараб олиб.— Йўқ, буни бугун бизга қилган муомаласидан кейин айтяпти деб ўйламанг яна.

— Ҳа!

— Иккинчи чоракдан кейин ўн икки соат қўшимча дарсни мендан олиб, Қаримовага берди. Нима эмиш, унинг эри партшколада ўқирмиш, иқтисодий жиҳатдан қийналмасин эмиш. Хўп, буям майли, ўтган йил мактаб ер участкасидан олинган олма-узумларнинг пули қаерга кетди? Ҳаммаси 235 сўм бўлган экан. Хўш? Бу пул директориғизнинг чўнтагига тушмадимикин?

— Қим айтди буни сизга?

— Ҳамма айтиб юрибди,— қўлини пахса қилди Зокиров.— Масалан, дейсизми? Масалан, домла Турди ака...

«Э ҳали бу томони ҳам бор экан-да», деб ўйларканман, Зокиров яна сўзида давом этарди:

— Хўш, бултур қўшимча синф бинолари қуриш учун келтирилган харилардан ортиб қолган олтитаси қаерга кетди, биласизми?

— Йўқ!

— Ана!— деди Зокиров, «кўрдингизми?» дегандек бошини қимирлатиб.— Турди аканинг айтишича, директорингиз ўз уйига ташиб олган эмиш.

— Э, қизиқ-ку!

— Жуда қизиқ... хўп, қани, ҳовлига кирайлик,— деди Зокиров яқинлашиб қолганимизда дарвозасига ишора қилиб,— марҳамат!

— Йўқ, бошқа вақт.

Хайрлашдик. Ҳақиқатан ҳам директорнинг қилмишлари жаҳлимни чиқариб юборди. Эртасига «тарих кабинети»га кирсам, Турди ака математика ўқитувчиси билан суҳбатлашиб ўтирибди.

— Келинг, ука! Дарсга кирмабсиз-ку?

— Учинчи соатга қўйилган, домла,— дедим.

— Келинг, мана бу ерга ўтиринг!— деди Турди ака столни суриб, кейин Шариповга юзланди-ю, кулиб сўра-

ди:— Қани, Шарипув ука, бу носни ташламадиларми ҳали?

— Ношни ташасак бу логайфмик масалаларни ди-йиктийиз ечиб беядими?— деди Шарипов носли оғзини юқори кўтариб.— Ҳай ким ўжига...

Шарипов шундай деди-ю, очиқ деразадан эгилиб по-сиши ташқарига туфлади. Қайтиб келиб ўтираркан, Тур-ди ака сўради:

— Директорингиз ўшандан бери гапирмайдими?

— Гапирарди-ку, кўрган эмас-да,— деди тили билан милкларини тозалаб, қайта тупуришга қўзғалгап Шарипов,— туф... туф... ҳа ўшанда, энди бир ҳурмат қилдим-да, бўлмаса-ку...

Турди ака кула-кула унинг гапини маъқуллаб деди:

— Тўғри, тўғри. Сиздан ҳар нима кутса бўлади. Ҳа-қиқатини олганда директорингизнинг чап бўлмаган бир-орта ҳам одами қолмади. Кеча музыка ўқитувчиси Остонжонни хафа қилди. Нима дейди-я, мактабга соқо-лингизни ўстириб келманг эмиш. У бечора: «Кечира-сиз, эрталаб бир оз вақт бўлмай қолди», деса, «кечаси тўйда узоқ ўтирмаслик керак эди», деди. Бечора йигит қизариб кетди. Ахир у ерда хотин-қиз ўқитувчилар ҳам бор эди-да!

— Тавба!— деди Шарипов.— Бировнинг соқолию нос чекиши билан нима ишинг бор? Буларни кавлаштириб юргунча, ўз қилмишларингни ўйла!

Турди ака эгилиб, овозини пасайтиб гап бош-лади:

— Агар бошқа мактабда бўлса, аллақачон орқасига тепардилар. Ҳалиям бизларнинг ёшлар яхши, андиша-ли. Бўлмаса, шу ўзимизни қишлоқдан директир бўладиган киши топилмай қолибдими? Қараиш, Зокировдан ўн икки соат дарсни жўраси Қаримовнинг хотинига олиб берди, олтита, йўқ, ўн учта харини, мактабнинг чой қай-натадиган бакини уйига олиб кетди.

— Шундай, шундай,— деди Шарипов.

— Хўш, мактабнинг завхози ким? Ўз қишлоғидан, жиянп. Хўш, хотини бўлса ҳам секретарь, ҳам кутубхоначи. Бунинг устига ўқитувчиларга мана бунақа бюрократларча муомала қилади... Агар ана шуларнинг ҳаммасини беш-олти киши коллектив бўлиб район партия комитетига ёзса борми, оёғи осмондан келтирилади...

Директорни ёмонлаш бир ҳафтагача давом этди. Пана-пастқамда тўпланиб турганимизни кўрган директор, негадир баттар тундлашар, арзимаган нарсага тўнгилларди. Унинг ёнида илжайиб, сир билдирмай турадиган Турди ака, сал парироқ кетиши билан:

— Кўрдингизми димоғ-фироғини! — дерди сийрак қошларини учириб. Шундай қилиб, аста-секин уюша босладик. Турди аканинг таклифи билан район партия комитетига шикоят ёзишга қарор қилинди. Шикоятни адабиётчи бўлганлигим учун уйда мен ёзиб келишим керак эди.

Эрталаб мактабга келсам, Турди акадан бошқа ҳамма бор. Шикоятни бир-бир ўқиб чиқиб қўл қўйишди. Турди ака йўқлиги сабабли унинг ўрнига, стадионни тикан бостириб қўйганлиги учун яқиндагина директордан койиш эшитган физкультура ўқитувчиси Илҳомжон қўл қўйди. Шикоят хатни Зокиров биринчи автобус билан районга олиб жўнар-жўнамас шимининг почаларига лой сачраган Турди ака келиб қолди.

— Ие, домла, кечикдилар-ку?

— Ҳа, сабзига сув очган эдим, — деди Турди ака қўлидаги газетага ўроғлик китоб-дафтарларини стол устига қўйиб. — Қани, хўжайин йўқлар-ку?

— У киши бизнинг ёнимизда нима қиладилар, ўзларининг кабинети хосларида бўлсалар керак! — деди Шарипов.

— Ҳм... хўш, ёздингизми? — сўради Турди ака ўнг кўзини сал қисиб.

— Ҳа, ёздик ҳам, жўнатдик ҳам!

— Ҳа... қани, юринг, «тарих кабинети»га кирайлик, холироқ.

Мен, Шарипов ва Илҳомжон домланинг изидан «тарих кабинети»га кирдик. Эшикни қаттиқ бекитгач, Турди ака бит кўзларини чақчайтириб сўради:

— Қани, нималар деб ёздингиз?

— Район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ҳожиевга, деб ёздик...

— Ҳа-ҳа!

— Бизнинг мактабимиз директори ўртоқ Салохов ўқитувчилар билан доимий равишда тўраларча, бюрократларча муомалада бўлиб келади.

— Яхши... тўраларча... топасиз-да, топасиз. Хўш, кейин?

— Кейин, яна ёздикки, Салохов мактабни ўз авлодлари билан тўлдириб юборди, масалан, мактаб завхозни жпяни, секретарь-кутубхоначи хотини...

— О... яхши... жуда яхши!— Турди ака ўрнидан туриб, йўрғалаганча келиб елкамга қоқди.— Хўш, хўш!

— Яна ёздикки, мактабнинг ўн учта харисини, чой қайнатадиган бақини ўз уйига олиб кетган, мактаб ер участкасидан тушган даромаддан катта бир қисмини ўзининг чап чўнтагига...

— Чап чўнтак... ҳи... ҳи... чап чўнтак!— яйраб кетди Турди ака.— Офарин, офарин, жуда яхши! Қани, яна давом этинг.

— Ҳамма фактларни тўла-тўқис ёзиб бўлиб, директорни биздан олишларини сўраб қаторасига имзо қўйдик.

— Хўш, кимлар?

— Мен, Зокиров, Шарипов, Илҳомжон, сиз...

— А?— у яқиндаги стулга ўтириб қолди.

— Ҳа!

— О, ман йўқ эдим-ку!— деди у ўрнидан қайта қўзғалиб.— Қандай қилиб имзомни қўяркансизлар? Йўқ... бу бўлмади, ким менинг имзомни ясади?

— Ана, Илҳомжон қўйди.

— Йўқ, мен билмайман, агар бирон гап бўладиган бўлса, ўзингиз жавоб берасиз, ҳа!

Жаҳлим чиқиб кетди.

— Ахир шикоят ёзишга ўзингиз ундадингиз-ку, домла!

— Ман ундадимми, ман-а? Ундаганим йўқ, шунчаки айтдимда, агар менинг имзомни у ердагилар кўрса аввал директор бўлган, яна шу мансабга хомтамалиги бор дейишмайдами? Ман бошқасини билмайман? Агар фактлар тасдиқланмай, бирор гап чиқадиган бўлса, имзомни ясаганлигингиз учун ўзингиз жавоб берасиз, ўртоқ Илҳом Файзиев!

Илҳомжоннинг ранги қув ўчди, бизларга жавдираб қараб турарди. Шарипов оғзидаги носини лаби билан саришталаб, Турди акага қаради.

— Шатқайи одам!— дея орқа ўгирилиб эшикни тепиб очди. Ташқари чиқа солиб қаттиқ тупуриб деди:— У шайтон ана шу тупурилган носдан ҳам ифлос! Бу гап ҳам сувни лойқалатиб ўзи қуруқ чиқмоқчи, писмиқ. Ўзи айтади-ю, яна фактлар тасдиқланмаса дейди-я, аблаҳ! Қани, Илҳомжон, тез мотоциклни миниб райкомга ҳайданг, Зокировни топинг... акс қолда...

Унинг сўзи оғзида қолди. Чунки, «ЗИС-5» машинаси мактаб ҳовлисига кириб келар, унга олтига хари ва чой қайнатадиган бак ортилган эди. Кабинадан директоримиз тушди. Саломлашгач:

— Ўтган ҳафта тўйга олиб кетган эдик, бугун эсга тушиб қолди. Қани, ёрдамлашиб юборинглар.

Турди ака «ҳи-ҳи»лаб машина бортига ёпишди. Шарипов ер остидан Илҳомжонга қараб «тез бўл» маъносида «лунжи»ни қимирлатди.

Илҳомжон зудлик билан районга жўнади. Хайрият, Зокиров ҳали шикоятни киритиб беришга улгурмаган экан.

Бўлмаса...,

ҲАММАСИ РАВШАН

«Россия» меҳмонхонасининг бешинчи қаватидаги 526- хонага жойлашдим. Хона шинам, икки кишига мўлжаллангап. Ҳамма шароит муҳайё, фақат ҳамхонамнинг ким эканлиги ҳали номаълум. Вақт бекор ўтмасин, йўлнинг чанг-ғуборлари кетсин деб душга кирдим. Энди устки кийимларимни ечган ҳам эдимки, эшик чертилди. Хайрият, ваннага киришга улгурмаган эканман, шоша-пиша шимни кийиб, эшикни очдим. Остонада ҳали самолётда мен билан бирга учиб келган, гўштдор бетлари қип-қизил, оғзи ҳаддан ташқари кичик, елкаси кенг, белбоғли қизил пальто кийган, қора галстугининг тугуни бир томонга қийшайган киши жилмайиб турарди.

— Сизни бу ерда ҳам тинч қўймайдиган бўлдик!— деди у ўсмирларникидек соф, майин овозда.

— Ҳамхонам сиз, бунинг устига ҳамшаҳарим бўлганингиздан беҳад хурсандман!— дедим унинг қўлидан кичик чамадончани олиб. Менинг бу илтифотимдан унинг боши кўкка етди. Тезда пальтосини ечиб, шакафга осиб қўйди. Кейин самолётда яхши учиб келигани ва бу ёғига трамвайнинг ғийқиллаб секин келгани ҳақида гапира кетди. Бу орада яқиндан танишиб ҳам олдик. Ҳамхонам областимизнинг узоқ бир районидан бўлиб, исм-фамилияси Исломжон Оқилов экан.

— Бизни маориф министрлигига беседага чақиритилган,— деб гап бошлади у фахр ва ифтихор тўла овоз билан,— шунга мундай бир пойтахтни яхшироқ томоша қилиш учун бир кун олдиноқ йўлга чиқавердик.

— Жуда соз-да, мен қоракўлчилар кенгашига келганман... хўп бўлмасам, айбга буюрмайсиз, навбати билан душга кириб чиқсак.

— Марҳамат, марҳамат, базавқ!— деди Исломжон ака бош қимирлатиб. Мен душга кириб кетдим. Узоқ

чўмилиб қайтиб чиқсам, Исломжон ака костюм-шимини ҳам ечмасдан ўз каравотпда гужанак бўлиб уйқуга кетибди. Бечора чарчабди-да, деб ўйладим. Халақит бермаслик учун секин-аста варақлаб китоб ўқишга тушдим. Бирор соатлар ўтгач, Исломжон ака уйқудан уйгонди. Кўзларини худди болалардек мушти билан уқалаб, керишаркан:

— Самолёт бирам лоҳас қилибдики...— деди. Мен чўйнакни олиб чойга чиқдим, қайтиб келсам, Исломжон ака ювиниб бўлиб артинаётган экан.

— Домла, келинг, бир пиёладан чой ичиб олайлик.

— Хўп, раҳмат, базавқ!

Исломжон ака ҳам келиб ўтирди. Унинг юзлари уйқу ва совуқ сувдан кейин янада бўғриққан — қип-қизил. Бир пиёла чой узатдим, у киши бир хўплаб:

— Билмадим, индинга беседа қандай ўтаркин?— деди ташвиш ва фахр билан. Мен: «Ҳаммаси тўғри бўлиб кетади!»— дедим. Исломжон ака мен суҳбатнинг қайси мақсадда эканлигини сўрайвермагач, ўзи ёрилди:

— Бундан саккизи йил олдин ҳам бир уч йилча маориф мудури бўлганмиз. Райисполком раиси ўзгарди-ю, баъзи бузғунчиларнинг гапи билан «олий маълумоти йўқ» баҳонасида ишдан бўшатган эди. Уша пайтда учительский институтни битирган эдик-да. Ҳа, педагогическийни яқинда заочний битирдим... Ҳозирга қадар ўқитувчи эдим, географиядан дарс бераман. Қайси кун янги райисполком раисимиз Ҳошимжон ака чақириб қолдилар.

— Э, аввал совхозлар трестида ишлаган Ҳошимжон аками?

— Ҳа, кам бўлманг,— деди Исломжон ака ҳаддан зиёд хурсанд бўлиб,— худди ўзлари! У киши ўзимизга яқин одам! Шу дедиларки: «Акамullo, аввалги ишингизга ўтмайсизми?!» Энди нима дейман, бир-икки минут жавоб бермай турдим. Қарасам, ҳамон менга қараб жавоб кутиб турибдилар. «Агар лозим топсангизлар!»—

дедим камтарлик билан. Ҳошимжон акам ўзлари ҳам жуда ишчан одам-да — кадрнинг қадрига етадилар.

— Тўғри, ташкилотчи киши!— дедим маъқуллаб.

Исломжон ака чақалоқникидек майин лабларини чўччайтириб:

— Ҳа, кам бўлманг, сизам одамшунос экансиз, ука,— деб сўзида давом этди, — ҳақиқатан ҳам район марказини обод қилишда Ҳошимжон аканинг заслугаси катта бўлди. Энди шундай кишининг сўзини икки қилмадик. Шунинг учун десангиз, маориф министрлиги бесадага чақирибди. Буюм янги министрдан чиққан гап бўлса керак.

Яна бир пиёла чой ичиб олгач, китобни олиб, каравотга чўзилиб ўқий бошладим. Исломжон ака чой ҳўпларкан, эгилиб қўлимдаги китобнинг муқовасига қаради.

— Китобингиз қанақа?

— «Қора кўзлар».

— Қора кўз қизлар ҳақида бўлса керак.

— Ҳа!— дедим гапни чўзмаслик учун. Лекин бу билан ҳам Исломжон акани тинчита олмадим.

— Ташкилотчи бўлиш учун кўпроқ гапдон ҳам бўлиш керак, гапдон бўлиш учун эса кўп китоб варақлаш керак!— дея каромат қиларди у.— Мана, менинг ўзимни олинг, «Минг бир кеча» дейсизми, «Гўрўғлию» «Авазхон» дейсизми, яна ким қанақа китобларни ўқиб чиққанман. Қарайман, агар шу ернинг магазинларида бўлса, беш-олтита дostonлардан олиб кетмоқчиман. Шундай, ўқишга зўр бермасак бўлмайди. Бундан кейин мажлисларга чиқиб нутқ сўзлашга тўғри келади.

Исломжон ака чойнакнинг чойини пиёлага сирқитиб ичиб, деразадан атрофни кузата бошлади. Ўзича: «Благоустройства зўр-а!»— деб қўйди. Кейин яна қайтиб келиб ўтирар экан:

— Министрликдан бизди кутиб олишга чиққан йигит келмади-ку?— деди.

— Бу ердалигингизни биладими ахир?

— Ҳа, биледи, ўзи келтириб қўйди-ку?— деб кара-
вотга бориб ёнбошлади. У қўлидаги эски газетанинг у
ёқ-бу ёғини ағдариб кўрди, лекин ўқимоққа ҳафсаласи
бўлмадими, газетани юзига ёпиб пишиллаб уйқуга
кетди.

Кечга яқин министрликда ишловчи йигит келди:
бўйи узун, ориқ, юз тузилиши анча хушбичим. У мен
билан «Анваржон Шамсиев» деб дўстларча қўл олиб
кўришди. Ундан-бундан суҳбатлашиб ўтиргач, Анвар-
жон:

— Исломжон ака, театрга қалайсиз?— деб сўради.
Исломжон ака бир қўлини белига тираб, иккинчи қўли-
нинг бармоқларини букиб:

— Театр, адабиёт, санъат, концерт — булар менинг
жоним!— деди дона-дона қилиб. Анваржон чўнтагидан
учта билет чиқариб деди:

— Бўлмаса жуда яхши. Ҳамза театрига — «Гам-
лет»га кирамиз!

— «Гамлет»га?!— ажабланиб деди Исломжон домла.

— Ҳа!

— Ашулаю қўшиқлари кўпми ахир?

Анваржон ялт этиб Исломжон домлага қаради, у ки-
ши жиддий қиёфада қўл қовуштириб турардилар. Ан-
варжоннинг синчков назари домлани аянч аҳволга со-
либ қўйди.

— Бўлди-бўлди, борамиз-да, биздан нима кетибди!—
деди зўраки жилмайиб.

Йўл-йўлакай овқатланиб, жиндай-жиндай кайф ҳам
қилиб олди. Театрга кирдик, томоша бошланди. Айни
қизиқ жойи — Гамлетнинг «Ўлиш ё қолиш» монологи
ўқиляётган пайтда домла безовта бўла бошлади.

— Ҳа, домла?— сўрадим секин.

— Бошим қаттиқ оғриб қолди,— деди инграб. «Ҳали-
ги ичганимиз коньяк ёқмадимикин?» деб ўйладим. Бир
вақт домла секин эгилиб ташқари чиқиб кетди. Ўзимни

мажбур қилиб изидан чиқдим. Қарасам, домла фойеда pista чақиб ўтирибди.

— Ҳа, домла?

— Ҳе ўргилдим, олиб келган томошасидан! На қўшиғи бор, на рақси! «Ўлиш ё қолиш!» Ҳе, ўлсанг ўлавер, демайди бир киши...

Домлани қўярда-қўймай қайтиб ичкарига судрадим. Кўнмайвергач:

— Ахир министрликдан келган йигит хафа бўлади! — дедим. Домла афтимга ҳайрат билан қаради-ю: «Шундайми?» — деди ва сўзсиз менга эргашди. Келиб жойимизга ўтирдик. Спектаклдан кейин Исломжон ака Гамлетнинг қиличбозлигини анчагача мақтаб гапириб келди. Анваржон бизларни меҳмонхонагача кузатиб қўйиб: уйга жўнаб кетди. Вақт анчадан ошган эди, шунинг учун ҳам Исломжон акани гапиртирмасдан кела солиб ётиб олдим.

Эртаси кун бўйи кенгашда бўлиб, кеч соат еттиларда келдим. Келсам, Исломжон аканинг жиғибийрони чиқиб мени кутиб ўтирган экан:

— Ечинманг! — деди у дагдага қилиб. — Ҳозир «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам»га борамиз! Ана билет, ўртоқ Шамсиев ўша ерга келадилар.

Биргалашиб йўлга тушдик. Йўл бўйи Исломжон ака «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» китобини ўқиганлигини, Ғарибнинг онаси кўр бўлганлигини, унинг қўшиқлари кишининг юрагига таъсир этажagini айтиб борди. «Мен бу китобни ўқиганман», дейишимга қарамай, айрим жойларини мижғовланиб тўлиқ ҳикоя қилмоқчи бўларди. Хайрият, театрга яқин жойда рўпарамиздан Анваржон чиқиб қолди-ю, домла бир оз сайрашдан тўхтади.

Театрга кириб, спектаклнинг бошланишини кута бошладик. Кийинишидан олақарғани эслатувчи, сочи жингалак, чиройли бир йигит дирижёрлик пультага чиқиб, қўлидаги таёқчасини қимирлатувдиямки, залда

оркестр садолари янградн. Домла ҳаяжонланиб кетди. У бир менга, бир Анваржонга қараб:

— Кўрасизлар ҳозир... ҳозир парда очилади, — деди. Биринчи кўриниш ҳам тугади. Домланинг кайфи чоғ. Бир пайт у:

— Юринглар мана бу ёққа! Зойир дуторчининг ўғлини бир кўрайлик! Отаси бизларда, «Дом пионер»да музика ўргатади! — дея бизларни эндигина тушиб кетаётган ҳалиги дирижёр йигитнинг ёнига бошлади. У домла ва биз билан санъаткорларга хос назокат билан сўрашди, домладан уй ичлари ва райондаги янгиликлар ҳақида сўради. Домла ҳамманинг соғ-омонлигини айтarkan:

— Тойиржон театрда ишлайди дердилар, шу ерда ишларкансиз-да? — деди йигитнинг елкасига қоқиб.

— Ҳа, домла!

— Тойирбой, бу ашула-пашула ҳам айтасизми, ёки фақат шунақами? — деди домла иккала қўлини кўтариб дирижёрлардек силкитаркан. Дирижёр йигит қип-қизариб кетди.

— Ҳа, энди, домла, шуниси ҳам бўлади-да.

Исломжон ака мен ва Анваржоннинг бир-биримиз билан кўз уриштириб кулиб қўйганимизни сезмас эди. У яна дирижёр йигитнинг елкасига қўл ташлади:

— Тойиржон ука, кўнглингизга қаттиқ олмасангиз, устоз сифатида сизга бир гап айтаман.

— Марҳамат... марҳамат, домла! — деди дирижёр йигит.

— Агар хафа бўлсангиз...

— Йўқ... нега хафа бўларканман!

Домла каттакон залга ишора қилиб деди:

— Қаранг, ука, залда қанча киши ўтирибди. Уларнинг орасида бобою бибингизга тенг кишилар бор, яна уларнинг қанчалигини айтинг... бир минг киши бордир. Ана шу жамоага орқа ўгириб таёқчангизни ликиллата-сиз...

Бизлар учаламиз — Анваржон ҳам, мен ҳам, Тойиржон ҳам, қаттиқ кулиб юбордик. Домла бўлса ўғлидан ранжиган отадек:

— Тўғри-да, ахир, тўғри-да! Одоб-ахлоқ деган гаплар бор,— дея бизнинг кулгимизга зўрма-зўраки қўшилди ва,— шу нағмани бутун халойиққа қараб қилса ҳам бўлади-ку!— деди.

Учинчи қўнгироқ чалиниб, чироқ ўчди, бизлар жой-жойимизга бориб ўтирдик...

Эрталаб азонда мен домла билан хайрлашиб, уйга қайтдим. Орадан уч ойлар чамаси ўтиб кетди. Бир куни ўз шаҳримиздаги китоб магазинига кириб, янги адабиётларни кўздан кечирар эканман, ён томондан ўсмирларга хос овоз келди.

— Синглим, «Гулихиромон»ни кўрсатинг!

Қарасам, бутунлай тўпори кийинган Исломжон ака, кўриша кетдик.

— Қани домла, ўшанда «беседа» қандай ўтди?

Исломжон ака бошини сал эгиб деди:

— Беседа-ку ёмон ўтмади-я, лекин ўзим районга келгач, маориф мудирлигига рози бўлмадим, қариликда нима оворагарчилик, дедим.

— Жуда тўғри қилгансиз, домла!— дедим. Бошқа нима ҳам дердим, у томони ҳаммаси менга равшан эди-да.

ФИРОҚ АЛАНГАСИ

Нашриёт редактори Соли Қодирийни бўлим мудири ўз ҳузурига чақирди. Нимага чақирдийкин? Ёки яқинда туширилган қўл ёзмалардан бирор ишқал чиқдимми? Ишқилиб охири бахайр бўлсин!

Қўл ёзма ва корректура ўқийвериб кўзи хиралашган, янги касалдан турган кишидек ранги заҳил Соли Қодирий нимқоронғи коридордан энгашганча қилтиллаб

юриб бўлим мудирининг хонасига кирди. Савлатли бўлим мудирини рўпарасида қорни белнига ёнашар даражада ориқ, юзлари серажиш, ҳурпайган сочи мош-гуруч бир киши тик турарди.

— Соли ака, танишинг!— деди бўлим мудирини ўрнидан туриб.— Авторимиз Ғози Нозим..

Янги автор ишшайгандек бўлди. Унг қўлини сал кўтариб бўлим мудирини беозор уқтирди:

— Ҳозир тахаллусимиз бирмунча ўзгарди... Катта акаларимизнинг маслаҳатлари билан Ғози Нозим эмас, Ғози Нози деб қўйдик... агар иложи бўлса китобда ҳам... ҳар қалай қофияли...

Бўлим мудирини:

— Хўп майли, сизнингча бўлсин!— деди ва Соли Қодирийга юзланди.— Гап бундай, Соли ака, сиз нашриётимизнинг тажрибали редакторисиз... энди мана шу Ғози Нози акаимиз яқинда қирққа кирарканлар... китобларини кўрган бўлсангиз керак, планимизда ҳам бор...

— Кўзимиз тушувди!— дея гудранди Соли Қодирий маънос тортиб.— Мақсад!

Бу орада янги автор Ғози Нози сайраб кетди.

— Солихон домланинг кўп нарсаларини ўқиганмиз, бизга маъқул,— деди у. Соли Қодирийнинг афтига қараб ишшайаркан.— Домла жуда зўр ёзадилар, шахсан бизга маъқул... Домланинг яқинда чоп этилган «Ҳақиқат юлдузи» китобларини рафиқамизга ҳам ўқиб чиқишни тавсия этдик.

Бўлим мудирини стол тортмасини титкилаб, Соли Қодирий бўлса энсаси қотиб, янги муаллифнинг мақтовларини эшитарди. Бўлим мудирини қизил бир папкани олиб, редакторга тутқазди.

— Мана Ғози аканинг қўл ёзмалари... номи нима эди! Ҳимм.

Редактор папкани очишга уннаётган эди, авторнинг ўзи ҳовлиққанча эслатиб юборди:

— Номи... номи «Фироқ алангаси».

Бўлим мудирини яна маслаҳатга кўчди.

— Энди, Соли ака, бир ёрдам берасиз-да, мана, қанча ишлатсангиз автор тайёр...

Ғози Нозини яна қўл силкиб гап қотди:

— Ўзини пачти тайёр, пишиб қолган... домланинг ўз услубларига яқин, лирик, ярим юмористик планда...

Шундай қилиб, Соли Қодирини китобга редакторлик қилишни ўз бўйнига олди. Автор Ғози Нозини икки қўлини чўнтагига тиқиб шимини бир кўтариб олди-да, хурсанд чиқиб кетди. Редактор қизил папканинг боғичини ечиб, ўқишга тутинди.

«Фироқ алангаси» деган сарлавҳа остида — қавс ичида «Лирик ҳикоя» деб ёзилган эди. Редактор ижирганиб қўлидаги қора қалам билан «Лирик» деган сўзни ўчирди. Яна кўзойнагини тузатиб олиб, дастлабки жумлаларни ўқишга тутинди.

«Дарҳақиқат Малоҳатхон малоҳатли эди. У оппоқ лорсиллаган жувон бўлиб, лабидаги якдона холи Самарқанд кишмишидек ўзига ярашган, бир кўрган киши гўё олиб егиси келарди...»

Соли Қодирини қўлидаги қаламни столдаги ойнага итқитиб юборди. «Ҳеч вақо йўқ экан-ку, бу Ғози Нозини деганда!» — У ўзини босиб олиш учун чой қуйиб ичди. Бир оз жаҳлдан тушгандек бўлди. Қўлидаги қалам билан ёзди, чизди. Хуллас, дастлабки жумлалар таҳлил этилди.

Редактор қўл ёзманинг қолганини уйинга қўлтиқлаб кетди. У шу китоб жавобгарлигини ўз бўйнига олганига минг-минг пушаймонлар қилиб, бир неча кун деганда Ғози Нозини қўл ёзмасини таҳрирдан чиқарди. Бу орада Ғози Нозини икки-уч марта хабар олди, ҳар гал Соли акадан ишшайиб сўрарди:

— Қалай бизнинг асар! Ҳа, раҳмат... лиричнинг... Ҳа, ҳа, ташаккур, бир олам миннатдорчиликлар бўлсин сизга...

«Фироқ алангаси» машинкадан чиқди. Лекин Соли

Қодирий машиинетка Нурия опа билан икки-уч марта қаттиқ айтишиб олди. Ғози Нозининг асари ишлаб чиқариш бўлимига тушган купи Соли Қодирий бир яйради, нашриёт рўпарасидаги дўкондан уч кружка пиво ичиб, уйга ҳорғин йўл оларкан: «Ҳайрият, қутулдим-э!»— деб ўйлади.

Бир ойлардан кейин «Фироқ алангаси»нинг биринчи корректураси келди. Аксига олиб корректор касал экаи, ишлаб чиқариш бўлимидагилар редактор ўқиб берсин деб талаб қилишди. Соли Қодирий катта бир мажбурият билан кеча қўлидан тушириб бир палласини синдирган кўзойнагини қирра бурни устига қўндирди. «Фироқ алангаси»нинг дастлабки жумласи босмахонада қуйдагича босилган эди: «Малоҳат поқпоққина, лорсиллаган жувона эди. Юпқа лабида Самарқанднинг қора кишмишидек холи бўлиб...»

Редактор баттар диққат бўлди. Корректурани четига «поқпоққина» ни «оппоққина» қилиб тузатди ва «жувона» сўзидаги ортиқча «а» ҳарфини олиб ташлади. Унинг диққатини бўлим мудирининг гулдураган овози бўлди:

— Соли ака, илтимос, корректурани эрталабгача ўқиб келинг-а, яна босмахонага штраф тўлаб юрмайлик!

— Маъқул!— деди зўрға Соли Қодирий.

Бўлим мудири чққиб кетгач, хонага шошилганича Ғози Нози кириб келди. Редактор ичида: «Оҳ, кўзим учиб турувди-я санга!»— деб ўйласа-да:

— Мана, тўпламингизнинг корректурасини ўқиб ўтирибмиз,— деди зўраки жилмайиб.

— Ҳа, тузук-тузук!— деди Ғози Нози редакторга миннатдорчилик билдириб.— Ташаккурлар спэга, домла... яшанг, домла, ғайрат қилсинлар, китобнинг оши ўзларига интизор...

«Ошинг бошингни есин!»— деб ўйлади Соли Қодирий кўзларини бир муддатга юмиб, Ғози Нози яна бир нималар деб жавради-да, капалакдек учиб чиқиб кетди.

Редактор «Фироқ алангаси»нинг корректурасини

қўлтиғига қисганича уйига йўл олди. Бола-чақасини тинчитиб, ўзини сиртмоқ солгандек мажбур қилиб, кечаси билан корректура ўқиб чиқди. Эрталаб у уйқусизликдан қийналса-да, негадир руҳи енгил эди. Корректурани топшираркан, елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди.

Унинг елкасидан яна икки-уч марта тоғ ағдарилди. «Фироқ алангаси»нинг иккинчи корректурасини, алоҳида листларини, сверкаси ва яна сигнал нусхасини сатрма-сатр ўқиб қўл қўйиб босмахомага жўнатганда ўзини анча енгил ҳис этди. Ҳар сафар ҳам елкасидан тоғ ағдарилар, ҳар сафар ҳам: «Уф... хайрият қутулдим-э!» — деб ўйларди.

Ниҳоят, китоб ҳам чиқди. Редактор ҳамма нарсани хаёлидан чиқарган, бутун ташвишларидан фориг ўтирган эди, Ғози Нози кириб келди.

— Бирданига ўн экземпляр салом ва ташаккурлар бўлсин!— деди у одатдагидек яйраб.— Қани, домла, туринг, кетдик!

— Қаёққа!

— Анави дўконга муздеккина пиво келибди. Пивони билсангиз керак, бу суюлтирилган нон, арпадан бўлади...

Ғози Нози редакторни қўярда-қўймай олиб чиқди. Хиёбондаги дўконда навбатда туриб, тўрт кружка пиво олди. Редактор кўзларини юмиб, ҳузур қилиб пиво шимирарди. Ғози Нози қўлидаги папкани очиб, «Фироқ алангаси» китобчасидан битта олиб, кўзидан узоқроқ тутиб қаради.

— Домлажон!— деди у редакторни туртиб.— Буни қаранг, қандай чиройли... мана эшитсинлар!— Ғози Нози «Фироқ алангаси»нинг биринчи саҳифасини очиб, қироат билан ўқишга тушиб кетди.— «Малоҳат оппоққина, лорсиллаган»,— оҳ, воей, қалай, домла!

Ғози Нози китобини бир бошдан эзмаланиб ўқир, айрим жумлаларга ўзи ҳамду сано айтар, завқ билан қаҳ-қаҳ уриб куларди. Редактор маъюс тортиб қолди.

Ушинг кўзлари тиниб, оч қоринга хом тарвуз еб, устидан арақ билан коньякни аралаштириб ичгандек кўнгли айниб кетди.

Ҳозир Нозии ҳамон эзмаланиб, чайналиб ўқирди:

— «Малоҳат ўз севгилиси ҳажрида, фироқ аланга-сида лов-лов ёнарди гўё...» — автор оғир хўрсиниб, ўқишдан тўхтади-да, — ўзимам шу китобни ёмон ёзмаганман, — деди ошкора мақтанчоқлик билан, — шундай эмасми, домла!

Нашриёт редактори Соли Қодирий шўрлик кўзларини аранг очиб, гуноҳкорлардек аянчли жилмайиб қўйди...

СОДИҚ ДАҚАНГ

Балонгни олай, мелиса ука. Кел энди, бир марта кечир. Байрам куни маломатга қолдирма одамни. Кўп олдида шарманда бўлганим ҳам етар. Бошдан айтиб беринг, дейсанми? Хўп, акаси жонидан, ҳозир ҳаммасини айтиб бераман. Фақат кўзингни ола қилма, жон ука! Юрак-бағрим худди пишган тутдай дув тўкилай деб турибди. Ҳозир ҳаммасини бир бошдан айтиб бераман.

Аслида бу хўрозбозлик менга ота мерос. Раҳматли отам: «Ўв, Содиқ сағалак, хўрозбозликни ҳам хўроз йигитлар қилади. Йиғиштир беданангни», дердилар. Ўшанда бедана ўйнардим-да. «Йиқивозлик қилсанг, хўроз уриштир, галварс, номадикорда ўлиб-нетиб қолса, қозонга соласан — бир қозон шўрва бўлади, тўртта улфатинг билан аламдан чиққунча ичасан!.. Беданани иштон боғи кандирлар кўтаради, хумпар», дердилар. Шуларни ҳам ёзясанми, ука? Ҳа, майли, билганингни қил. Нега сартарошни урдингиз, дейсанми? Яна жаҳлинг чиқмасин-у, мелиса ука, менинг ўрнимда бўлсанг, сен ҳам ўша эма сартарошнинг патини битталаб юлардинг.

Ахир, ўзинг ўйла. Йилда бир марта Пахта байрами бўлади. Аслида байрамлар кўп-у, лекин биз қишлоқларга боптаси Пахта байрами. Шунини хурсандчилик билан ўтказиш керакми, ахир? Ҳа, баракалла, етти пуштингга раҳмат! Ўтган йилги Пахта байрамида Содиқ акангнинг бабоғи доврўқ таратганини эшитгандирсан? Ушанда валламат акангнинг хўрози энг жангари хўрозларнинг тожини юлиб, товўқдай қийқиртириб қувган. Уша бабоғим бўлганда-ку, бугунги дилсиёҳликлар ҳам рўй бермас эди! Эси-а! Шу йил чеканка вақтида дон тиқилиб ўлди. Сенга тиқилган дон менга тиқилса бўлмасмиди? Ҳе, пешанада бор экан, дедим-да, тақдирга тан бердим. Ҳозир, ука, кўп диққат бўлаверма, сартарошни нега урганимни рўй-рост айтиб бераман. Айтмаган номард! Бабоғим ўлгач, бозорга тушиб янги хўроз изладим. Бормаган бозорим қолмади. Тўртинчи марта шаҳарга тушганимда битта чипор хўрозга кўзим тушди. Гавдаси унча катта бўлмаса ҳам, бўйни узун, оёқларини кериб турибди. Тожи ҳам ёқутдай. Ҳавасим келди. Нархини суриштирсам, эгаси олти сўм сўради. Чурқ этмай саккиз сўм санаб бердим-у, уйга олиб келиб, уч ой боқдим. Уришқоқ бўлсин деб ўзининг тожига ўхшаш қон томчилаб турган гўшт, анорнинг донаси билан боқдим. Ана-мана демай, ҳовлидаги товўқ-хўрозларни тирқиратиб қувадиган бўлди. Унга қараган сарим кўнглим тоғдай бўларди. «Ўс, ўсавер, акангнинг дакани», дердим. Ўзи ҳам гумбаздай хўроз бўлди... Ҳозир, акаси жонидан, ҳозир... Қарабсанми, пахтани ҳам териб олишибди, ҳамма ёқда карнай-сурнай, ўйин-кулги! Гумбурлаб байрам бошланиб кетди-ю! Эрта билан туриб, дакангни қўлтиққа қисиб, райондаги стадионга қараб йўл олдим. Бир ёқда кураш, бир ёқда кансерт, яна бир ёқда... пастқамроқ бир жойда бизнинг улфатлар... Йўлдан ўтаётган эдим, омонат бостирма томондан Абдурауф чақириб қолди. Шериклари билан юз-юз қилиб турган экан. Бордим. Менга ҳам бир сих кабоб

билан бир пиёла тутди. Худо ҳаққи ичмоқчи эмасдим, лекин: «Дакангнинг галабаси учун», дегач, ноилож симприб, кабобдан газак қилдим. Хўроз кабобга интилган эди, бермадим. Қўлдан нарса еб ўрганган-да, касофат! Даврага қўшишдан олдин жаҳлини чиқармоқчи бўлдим.

Баҳузур овқатланиб олгач, секин ўша пастқамлик томон юрдим. Қийқириқ авжида. Даврадагилар орасида шов-шув бўлиб кетди: «Ана, Содиқ даканг келяпти», «Қўлтиғидаги бабогини қаранг, худди туяқуш». «Бу йил ҳам соврини шуники!»— деган шчвир-шивир... Даврага Хусанча деган чиқиб, хўрози билан айлана бошлади. Қарасам, хўрози унча катта эмас. Макиён нусха, тожи ҳам хирпароқ кўринди. Кел, таваккал, дедим-да, ўртага чиқдим... Манави хумса қанотларини ёзиб тўғри бўлди-ку... юрагим гуп-гуп уради. Икки марта парт-парт ташлашди. Бир пайт қарасам, бу ҳаром ўлгур, биқиниб олиб жуфтани росгласа бўладими! Бўлди қийқириқ, бўлди кулги... Ер ёрилса-ю, гумдон бўлсам! Раҳматли бабоғимнинг қадри ўтди. Ор-иомус ер билан яқсон бўлди... кейин, акаси жонидан, ярадор дакангни, садқайи даканг деган ном кетсин, уйга элтиб, отам айтганларидай шўрва қилиб, алаимдан чиқмоқчи бўлдим. Уни қўлтиққа қисиб уйга қайтаётган эдим, йўл бўйидаги сартарошхонадан анави эзма, оти нима эди, ҳа, Исрофил... Ўша деразадан мўралаб турган экан. Сурнайдай овози билан чийиллаб: «Хў ака мулло, жўжа неча пул бўлди?»— деб сўради. Жавоб бермадим. Эшикдан югуриб чиқди-да, рўпара бўлиб яна сўради: «Жўжани қанчага олдингиз!» Кўз ўнгим тиниб кетди. Йўлимда давом этавердим. У бўлса менга эргашиб олгач. «Жўжани менга сотинг, сота қолинг шу жўжангизни!»— деб жаврагани-жавраган. Юрагим қон бўлиб кетди. «Мана сенга жўжа», деб хўроз билан урганимни билмай қолибман. У бўлса: «Вой мусулмонлар! Анави менн эшшакдай хўроз билан урди!»— деб дод солса бўладими...

Йўқ, кулма сен, мелиса ука! Юз сўм иштараф қилсанг қил-у, лекин бошқа чора кўрма, жон ука! Ўзим бўлганимча бўлганман! Истасанг, анави касофат хўрозни олиб, Исрофилга бер-у, мени халос қил! Даъвосидан кечса бўлгани! Йўқ, сен ишонма унга, қоп ундап чиққан эмас, у ярадор хўрознинг қони!.. Ке, жавоб бер энди, илоё звониянг каптонликдан истарший сержонтликкача кўтарилсин. Хўп де, ука!..

СЎЗ ОҒЗИНГИЗДА

Шаҳарнинг нуфузли лекторларидан саналганим учун бўлса керак, халқаро аҳволда қандай янгилик бўлмасин газета-журналлардан қидириб топаман. Мабодо бирор киши: «Дунёнинг тагию устида нима янгиликлар бор?»— деб сўраб қолса борми, икки-уч соат навбат бермай гапиришим мумкин. Ҳа, гапдонлик ҳам ҳунар-да. Қасбимиз шу бўлгандан кейин нима ҳам қилардик. Кечга яқин уйга шошилиб қайтаётган эдим, магазин деразасига суяниб, оёғини чалиштириб турган Жаъфарга кўзим тушди. Жаъфар эски ҳаммаҳалламиз. Ҳозир ёғоч базасида мудир. Унинг бир оз сергап, эзмалигини билганлигим учун ҳам ўзимни кўрмасликка солиб паст кўча томон бурилар эканман:

— Ҳо Асқар,— деган чақирғини эшитдим. «Жуда чатоқ бўлди-ку!» деб ўйлаб орқага ўгирилдим.— Ўзингизни кўрмасликка соласиз-а...

Изимга қайтдим. У билан бориб кўришдим. Жаъфар бир оз гина қилган бўлди. «Кечирасиз, кўзим тушмапти, шошилиб кетаётган эдим», дея важ-корсон кўрсатдим. Шу пайт магазиндан ўнг қўли шими чўнтагида бир йигит чиқди. Бўй-басти худди Жаъфардек келадиган, лекин боши катталигиданми ёки мулозаматданми бир томонга сал қийшайиб, ерга қараганча бизга томон келарди.

— Ана, Шодивой ҳам келиб қолди.— Шодивой ўта мулозамат билан: «Ассалому алайкум, биродар!»— деди йўгон овозда. Жаъфар уни мен билан таништирди. Шодивой шу яқиндаги колхозлардан бирида экснентор экан.

— Хўш, қалай, ҳалми?— сўради Жаъфар.

— Албатта ҳал-да, биродар.

— Қани кетдик бўлмасам,— Жаъфар менинг қўлтигимда олди,— мана шу яқиндаги «Чучварахона»га кириб, ўтган-кетгандан, дунё воқеаларидан икки оғиз суҳбатлашамиз.

Ўзимча: «Булар ҳақиқатан ҳам янгиликка қизиқсалар керак»,— деб ўйласам-да:

— Бошқа вақт, дўстим, уйга меҳмон келмоқчи эди,— дедим. Лекин у қисқа муддат ичида «кўзимни ёр босганлигню улардек кичик кишиларни менсимаслигимни» қайта-қайта юзимга солди.

— Майли, бизлар бир бечора одам, ярим соатга вақт тополмасангиз ихтиёрингиз, зоримиз бор-у, зўримиз йўқ.

— Энди йўқ демасинлар, биродар,— деди бошини ўнг томон қийшайтирганича Шодивой.— «Билим» жамиятида ишларкансиз, у-бу янгиликлардан айтиб берарсиз...

Рози бўлдим. Улар билан бошлашиб «Қомсомол» кинотеатрининг ёнгинасидаги «Чучварахона»га кирдик. Атиги учта стол қўйилган, нимқоронғи бино бўм-бўш. Столларда яримлаб қолган пиво кружкалари, нон ушоқлари, қолган-қутган сомса, арақ шишага солинган сирка. Семиз бир кампир ҳўл латта билан бир столни артарди. Шодивой тўғри буфетга бориб, бир қўли йўқ ориқ буфетчидан олти кружка пиво олди.

— Токим овқат олгунча шупинг иложини қилайлик,— деди у илжайиб.— Қани, биродарлар.

Мен уларнинг қистови билан бир кружка пивони зўрға ичдим. Кружкалар қайта тўлдириб келинди.

Жаъфар уч косада чучвара келтирди. Бу орада яна

бир кружкадан пиво ичпди. Шодивой қорнини силаб туриб узун кекирди: чучвара, яна пивонинг ачимсиқ хиди уфурди. Жаъфар четга қараб, бурнини жийриб гап бошлади.

— Чучвара яхши-ю, уйда пиёзни камроқ солдириб, нуқул гўштдан пиширилса-да. Буни қаранг,— у коса остида қолган икки дона чучварадан бирини ёриб кўрсатди,— гижир-гижир кўк пиёз. Пиёзнинг ҳам фойдаси бор...

— Сўз оғзингизда, гапингизни бўламан, биродар,— деди навбатдаги кекиришни ярмида тўхтатиб Шодивой,— пиёзда тишни мустаҳкамлайдиган «С» витамини бор экан. Мана, қаранг, тишларимни. Қирққа кирган бўлсам ҳам ҳали бирортаси қимир этмайди, бўлмаса...

— Кечирасиз, сўз оғзингизда, бу гапингизга қўшимча бўлади-ю, лекин...— деди Жаъфар пиво хўплаб,— лекин ҳар нарсанинг ҳам меъёри яхши. Мен агар пиёзли нарса есам, қорним фулдураб анча безовта бўламан, совуқлик-да, савил...

— Сўз оғзингизда, кечирасиз, биродар,— деди Шодивой Жаъфарнинг елкасига қоқиб. — Ман вино ичсам ичим фулдирайди, демак, вино ҳам совуқлик экан-да, бўлмасам. Қайси куни денг, вино заводида ишлайдиган қўшнимиз...

Жаъфар унинг сўзни чўрт кесди:

— Кечирасиз, сўз оғзингизда, гапингизни бўлдим, тоифи ёки беҳишти узумдан бўлган вино албатта совуқлик. Яхшиси, вино ичгандан кўра юз, икки юз грамм оқидан ташланса ҳам иштаҳага, ҳам соғлиққа...

— Ҳаммасиям бир бало,— дедим лаврадаги узилишдан фойдаланиб,— бирортасининг ҳам саломатликка...

— Кечирасиз, сўз оғзингизда, биродар,— деди Шодивой кекиришни бир хўплам пиво билан босаркан,— тўғри, арақ ёмон, ёмон... ҳа, ёмон... лекин бу Абу Али Сино ҳам ўзининг катта «Тиф» китобида чарчаганда оз-оз ичилса фойдаси бор деб кўрсатган. Бизнинг жиянимиз дўхтирликка ўқийди, ўша...

— Кечирасиз, гапингизни бўлдим, Шодивой дўстим, сўз оғзингизда,— деди Жаъфар қотган балиқ қилтигини туфлаб,— ароқ бу эскичасига — май. Май ҳақида Умар Хайём ҳам яхши гаплар ёзган экан, кеча акамнинг ўғли литфақда ўқийди — ўша тўрт-бешта қизиқ-қизиқ шеърларини ўқиб берди...

Гап мавриди келганда энди оғзимни очар-очмас дам униси, дам буниси: «Кечирасиз, сўз оғзингизда», дея ўзига хос мулозамат билан сўз улоғининг почасидан илиб олиб, «сухан оти»га қамчи босишар, мен бўлсам уларга анграйганча қараб қолардим. Гап айланиб яна пивога тақалди.

— Бир минут, кечирасиз, биродар, сўз оғзингизда,— Шодивой ўрнидан қандайдир бир зўриқиш билан қўзғалиб, чўнтагидан яримта «Столичний» чиқарди,— ҳозир мана бу хушқомат, ингичка бўйинни пиво билан...

— Кечирасиз, сўз оғзингизда,— деди Жаъфар унинг сўзини бўлиб.— Бу киши ичмасалар иккаламизга оғирлик қиладим дейман...

Гапга аралашдим:

— Тўғри, мен ичмайман, ўзингиз биласиз, жигарим оғрийди, парҳезликман.

— Кечирасиз, сўз оғзингизда,— деди Шодивой арақни уч стаканга бўлиб қуяркан,— бу... бу... ис... иссиқлик...

— Ахир мен ича олмайман, ҳали...

— Кечирасиз, сўзингизни бўлдим...

— Ҳали касалхонадан...

— Кечирасиз, сўз оғзингизда, бир қултум... кўнгил учун...

— Ҳа-ҳа.

— Ҳали касалхонадан чиққанамга икки ой ҳам бўлган эмас. Сарик касалини ўзингиз биласиз, парҳез...

— Кечирасиз, сўз оғзингизда, сарик касалини оқ билан ювамиз, ҳиҳ, лаббай...

— Ахир менга сизлар дўстми ёки...

— Кечирасиз, сўз оғзингизда...

Жаҳлим чиқиб кетди.

— Йўқ, тўхтанг, ўша сўз сизнинг оғзингизда... ҳа, энди...

— Кечирасиз, сўз...

— Йўқ, айтяпмай-ку, ўша сўз сизнинг оғзингизда... Тушунарлими?— дедим-да, эшик томон йўл олдим. Орқадан қуйидаги узук-юлуқ жумлаларни эшитдим:

— Узиям жуда бўлмағур-да,— дерди Шодивой йўғон овозда,— асли «улфати се, анда мазза не» деб шуни айтса керак.

— Кечирасиз, сўз оғзингизда...

БИР «ДУО»ГА УН «ҚАРҒИШ»

Қишлоқда энг кўримсиз уй Алёрхўжа эшонники. Қари-қартанг у кишини — «Ака мулло!» деб эъзозлайди. Эшонда нима бор, овоз бор-да. Бурама қулфнинг калитидек узун, иигичка кекирдақларидан шундай бир бўкириш гумбурлаб чиқадики, агар фан тараққий қилиб, товушларни тенг иккига бўладиган асбоб чиқса, шу муборак овоз тоза балогатга етган икки йигитчага бемалол етиб ортади. Ҳа, гап эшоннинг муқаддас қулбаи гўшанишинлари ҳақида бошланган эди: етти тўсинли пастаккина сомон шувоқ уйлари уч пахса девор билан ўралган, икки табақали дарвозадан ташқари бирорта ҳам туйнук кўзга ташланмайди. Бу — уйнинг ташқи кўриниши. Ичкарини ҳеч ким кўрмаган, ундан бирор марта бўлса ҳам бирор хил товуш эшитган эмас.

Яқинда ана шу уйда ҳам қўшиқ янгради, унга офтоб нури тушадиган бўлди. Эшоннинг яккаю ягона, эрка-тан-тиқ қизи — Ношпўттибегим қандайдир бир «бедин» хўжабачча билан қочиб кетди. Алёрхўжа ортиқча дод-вой кўтармади. Аксинча, авваллари: «Китоб, газет, радиёл — бу намерсалар аҳли аёл халқини, яъни ожизаларни йўлдан чиқарур, аларни бетга чопар қилур!»— дердилар. Қизлари қочиб кетгач, орадан кўп ўтмай, «карнайчи» бо-

лани дуо қилиб, уйларига бепул радио тушириб олдилар — етмишни уриб қолган завжаи муҳтарамалари «йўлдан чиқиб» қайга ҳам борарди. Энди паст бўлса ҳам уйларига кўча томондан иккита дераза қўйиш лозим, дўхтир қиз хотинларини кўриб: «Сизнинг касалингизга қуёш нури, соф ҳаво фойдали»,— дебди. Шундай қилиб, Алёрхўжа эшон деразани мактаб болаларига дуррадгорликдан дарс берувчи, андак «куфр табиат» Уста Ражабга буюрар бўлдилар. Уста: «Вақтим йўқ, материал йўқ»,— деб важ кўрсатди. Эшон зору тавалло қила қила аранг кўндирди. Ваъда — пайшанба куни. Икки дераза йигирма сўмга ясаладиган бўлди.

Алёрхўжа ваъдадан роса бир ярим соат ўтказиб устаникида ҳозир бўлди.

— Уста Ражабқул, ҳорманг, ҳорманг! Бу «қул» деганимга аччиғингиз чиқмасин, бо яна, биз ҳаммамиз оллойи таоллонинг қулларимиз,— деб изоҳ бергач, устанинги ёнидаги бири шапкали ва яна бири боши яланг бола билан қўл учиди кўриша бошлади.

— Боракалло, йигит, яхшимисиз?.. Ўзларидан сўрасак, мулла... ҳа-ҳа, бисёр хуб...

Уста Ражаб қўлидаги деразанинги ошиқ-мошиғига охириги миҳни уриб, ўнг тиззасини қоққанча ўрнидан турди, эшонга одоб билан жой кўрсатди. Алёрхўжа ўтирар-ўтирмас:

— Уста Ражабқул, бугун жумъа. Келинг, шу баҳона уйингизда бир хатми сағира қилайлик!— деди. Ҳамма эшоннинг рўпарасига тиз чўкди. Машҳур бир оят уч марта ўқилди, қўллар фотиҳага очилди, эшон ўз кучларини худди ана шунда кўрсатдилар.

— Илоҳи омин, падарон, модарон, жамъки аз ҳамин манзил гузаштагона раҳмат кун!— Эшон ер остидан ёнидагиларга қараб олгач, бу ёғини арабча-ўзбекча аралаш, замонангироқ қилиб давом эттирди:— Худоё худовандо, ёшларга тавфиқ, қариларга имон бергайсан, омин... Ҳукумати шўромизнинг адолатига адолат, бандаларининг

умрига умр, ризқига ризқ қўшгайсан, омин... Фан ва илму ҳикматда қўлимизни баланд, бошимизни адл, қўс-мусга учган шерзодларнинг парвозини баланд, сафарини беҳатар қилгайсан, омин!

Эшон фотиҳа охирида ўқилган оятнинг савобини Уста Ражабнинг отаси, онаси, қайната, қайнанаси (кейингилар бошқа қишлоқда — тирик) арвоҳларига бағишлаб, унинг касби корига барака тилаб, қўлларини серсоқол қизил юзларига суртди. Кейин деворга тираб қўйилган деразалар кўздан кечирилди. Биттасининг ромидан, яна биттасининг ойна қўйиладиган жойидан андак қусур топилди. Уста рандаю теша дегандек, тезда нуқсонларни қайта тузатди. Иш ол-берга келиб тақалди. Эшон, хом сурп кўйлагининг чўнтагидан узун, халтага ўхшаш ҳамён чиқариб, орқага ўгирилди. Ундан яширинча пул олгач, яна деразанинг табақаларини очиб-ёпа бошлади:

— Хў-ш... уста Ражабқул,— деди у устага яқин келиб,— бу омонатни олинг, қани!..

Эшон кафтидагини пана қилиб туриб устанинг қўлига қистирди. Уста Ражаб олиб санади:

— Бу ўн сўм-ку, эшон бобо!

— Ҳа, иним, отангизга раҳмат, бир червон-да, бир червон!

— Ахир йигирма сўмга шартлашган эдик.

— Энди, иним, қолган ўн сўмини биз учун ўтасиз, ҳаққингизга бир дуо қиламан.

Уста Ражаб атрофга ўйчан кўз югуртирди. Сўнг эшондан сўради:

— Эшон бобо, мен учун бир дуо афзалми ёки ўн қарғиш?

— А, дуо! Қарғиш! Ло ҳавла валоқуввата,— талмов-сиради эшон,— қарғиш ёмон! Зинҳор, базинҳор қарғиш олманг!

— Ҳа раҳмат, менинг ўнта болам бор... Ҳар қалай оч-яланғоч эмас, лекин сиздан битта дуо оламан деб, уларнинг ҳар биридан битта қарғиш олайми бўлмаса!

Эшоннинг сарғиш тўрва соқоли билинар-билинмас титраб, бит кўзларнинг қизғиш жияклари йирилгандек бўлди:

— Уста Ражабқул, гапишгиз бисёр хуб ва лекин яна бир тарафи бордурким, яъни олло таолонинг даргоҳида норасидаларнинг қарғиши эмас, фақат, фақат дуолари ижобат бўлғай!..

— Шундайми, ё?..

— Шундоқ, иним, шундоқ!

Уста кўпам ўйлаб турмади:

— Агар шундоқ бўлса, эшон бобо, ўша ўн сўмни бу ёққа беринг! Мен болаларга бир сўмдан бўлиб берай, албатта қора кўзлар дадаларини дуо қилишади, қалай, гапим ғалатми, ё?..

Алёрхўжа эшон нимадир деб тўнғиллади. Сўнг мажбурий бир кайфиятда ҳамёнини қайта очишга тутинди.

БОБИК

Оқжар ПОсининг раиси Яхшибой ака дам олиш кунларидан бирида дўрдоқ лабларида ҳуштак чалганча идорасига кириб келди. Ҳуштак чалишдан мақсад ўзини бепарво кўрсатиш эди. Атроф жимжит. Катта йўлни ҳисобга олмаганда идора олдида одам кўринмас, ҳамма магазин ва дўкон мудирлари тарқаб кетишган эди. Яхшибой ака ташқи эшик олдидаги кичик зинадан оғир кўтариларкан, ҳуштагини тўхтатиб, чап қўлни юқори кўтарди, енги ҳимарилгач, соатига қаради: «Тўртдан ўн беш минут ўтибди,— ўйлади у,— яна 45 минут бор... оҳ! — унинг кўзларига яқинда тапишгани Сумбулхон кўриниб кетди.— Келади, албатта келади... шундай пешвоз чиққаман-у.... — Унинг эти жимирлаб, керишгиси келиб кетди, - - ошиқлик мунча яхши-я...»

Яхшибой ака инглиз қулфига калитни солиб айлантираркан, хавотир билан атрофга аланглади. Ҳеч ким

йўқ. Фақат рўпарадаги пахса билан ўралган ҳовлидан бир киши бош чиқариб қарагандек бўлди: «Дандонов,— ўйлади раис ичкари кираётиб,— кўзи тушди чоғи! Ўзи ям ёмон эзма одам-да. Лаганчаси доим қўлида... Хўп, кўрса нима!— Яхшибой ака коридордан ўтиб, ўз кабинети эшиги олдидаги эски гнламчага оёғини тозалаб туриб тагин ўйлади:— Нима деб эркаласам экан! Сочини силайман... холодильникда ҳаммаси бор... Сейфидаги атласни кўрса... умм... ҳе, буям бир маишат...»

Яхшибой ака узун столпи айлалиб сейфига яқин борганда томогига тупуги тиқилиб қаттиқ йўталди. Шу пайт бир нарса «чирт» этиб узилгандек бўлди. Бу — қора хитойча костюмининг ўрта тугмаси эди.

Тугма полда думалаб кетарди, раис бесўнақай энгашиб, ҳарсиллаганча икки қадам наридан бориб тугмани кўтараркан: «Семирибман!»— деб хаёлидан кечирди ва бахтиёр жилмайиб қўйди. У тўрдаги креслосига келиб ўтираркан, кўзи ён деворга суяб қўйилган диванга тушли. Ўрнидан қайта турди, гавдасига ярашмаган ҳаракат билан тез юриб бориб, диваннинг бир оз ғижим бўлган оқ гилофини текислаган бўлди. Қайтиб жойига келиб ўтирди-да, сейфига калит солди, лекин шу пайт ташқарида оёқ товуши эшитилди. Яхшибой аканинг юраги ҳаприқиб кетди. Наҳотки айтганидан олдин келса! Ё бошқа бировмикан? У ҳар эҳтимолга қарши стол устидаги папкалардан бирини очиб, ичидаги қоғозларни титкилай бошлади.

— Ассалому алайкум, яхшимисиз, Яхшибой ака!

Эшикда бўйи узун, илгичка, қотма бир киши жилмайиб турарди.

— Э ҳа, Дандонов!— деди Яхшибой ака.— Келинг! Қалай, тинчликми?

— Шукур-шукур!— деди Дандонов раис билан ийманибгина кўришаркан. У Яхшибой аканинг тамом тескарисиди: ориқ, оёқлари узун-узун бўлиб, почалари кенг шими юрганда оёқларига ўралиб-ўралиб кетарди. Энсиз камарининг қора тешиклари янада кўпайган, белига

қарийб бир ярим барлвар айланган эди.— Қани, Яхшибой ака, бахайр!— деди у илтифот билан.

Раис: «Ҳе турқинг қурсин!»— дегандек унга нохуш қаради.

— Баъзи ҳужжатларни расмийлаштириш керак эди, эртага комиссия келиши мумкин!— дея ғудранди.

— Ҳм, комиссия!— деди Дандонов сийрак қошларини кериб ва ўзича аччиган, меҳрибон овозда сўзида давом этди.— Раҳбарлик ҳам огир-да, бозор демай, байрам демай ишлайсизлар, баракалло сизларга... ҳа, манам фактураларни бир кўздан кечирсам бўларди... комиссия келса...

Яхшибой ака «комиссия келади!» деганига қаттиқ ўқинди. Бу орада Дандонов қўшни хонадан бир қўлтиқ қоғоз олиб чиқди-да, раиснинг рўпарасидаги бўш столга ўтириб оларкан:

— Ҳар қалай икки киши яхши-да,— деди у мулойим ишшайиб,— гангир-гунгир, зерикмаймиз...

Яхшибой ака хафа бўлиб кетди. Ошига пашша тушган олифтадек дўрдоқ лабларини жийриб, писандсиз гапирди:

— Сиз дам олсангиз бўларди, худонинг эртаси ҳам бор-ку!

— Ий, бу раисимиз ишлаб ўтирсинлар-у, биз ялло қилиб дам олайликми... зарари йўқ, Яхшижон ака, бир кун нима деган гап...

Яхшибой аканинг жигибийрони чиқса ҳам ёлгондакам кулиб, асабий равишда қоғоз варақларди. Шу орада у соатига қараб олди. «23 минут кам беш! Ёки қаттиқ гапириб ҳайдаб юборсаммикан! Йўқ, сезиши мумкин! Бунча хира бўлмаса экан бу касофат... Яна қошларини чимириб олиб текширалла... э ўл-э! Ҳали замон Сумбулхон келиб қолса... ишқилиб бу миждов кўрмаслиги керак, эртага ҳамма ёққа мов мушукдек миёвлаб юради...» Раис ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа юрган бўлди, мажбуран керишди.

— Чарчадингизми, Яхшижон ака?— меҳрибонлик билан сўради Дандонов.— Чой-пой ташкил этиб юборайликми?

— Ҳожати йўқ!

— Раҳбарлик ҳам қийин-да!— деди яна Дандонов.— Масалан ман кичик бир қуруқ мева искалоди учун жавоб берсам, Сиз бутун ПО учун ади-бади айтасиз... Кошки денг одамлар яхши бўлса! Буни олдиси бор, бердиси бор... яна ҳар куни комиссия, ревизия, ОБХСС деган гаплар...

Дандонов сийрак қошларини чимириб узоқ эзмаланди, раис бўлса тиши оғриган кишидек икки кафти билан чакагини ушлаб асабий ўйлаб ўтирарди.

— Ҳа, нима бўлди, Яхшижон ака, тишингиз оғриятими, кўзларингиз ҳам қизариб кетибди.— Дандонов унга яқин келиб жавдираб турарди.— Сизларгаям қийин-да, раҳбар бўлгач...

Раис шарт ўрнидан туриб, нафрат билан юзини деразага ўгириб олди. Дандонов ноилож жим бўлди. У бир оз серрайиб тургач, яна бешиктерватардай қилтираб юриб жойига бориб ўтирганча жиддийлик билан қоғоз титкилай бошлади. Раис соатига кўз ташлаб олиб, орқага ўгирилди-да:

— Ҳали ишингиз кўпми?— деб сўради.

— Ҳа, андак бор ҳали,— деди Дандонов жилмайишга ҳаракат қилиб,— ҳаммасини бир қатор кўздан кечириб, гап тегмайдиган қилмасак бўлмайди-да...

«Э ўл-э!— деб ўйлади Яхшибой ака.— Бунча бифаросат бу... Сумбулхоннинг келишига яна беш минут қолибди... У келса-ю, манови эшакмияни кўриб изнга қайтса, кетса... нима бўлсаям бу Сумбулхонни кўрмаслиги керак!..»

Орадан икки-уч минут ўтгач, Яхшибой ака Дандоновга юзланди:

— Ўртоқ Дандонов!

— Лаббай, Яхшижон ака!

Дандонов пилдираганча раисга рўпара бўлди. Раис кулиб турарди. Дандонов ҳам кулди. Раис Дандоновнинг қоқ тарашадек билагидан тутиб деразага яқин олиб борди.

— Ҳу ана, қаранг, кўрдингизми?!

— Ҳа-ҳа, кўрдим,— деди Дандонов жонҳолатда,— кўрдим!

— Нимани кўрдингиз?

Дандонов талмовсираб қолди. Чунки у кўп нарсани— икки қаватли чала ҳаммом биносини, сув оқиб турган водопровод жўмрагини, тунукадан қнлинган ахлат яшигини, яна алланарсаларни кўрган эди. Бошлиқ буларнинг қайси бирини сўраётган экан.

— Ҳе-ҳе, ҳаммасини кўряпман,— деди Дандонов ҳиринглаб.— Сизга қайси бири керак!

Яхшибой ака Дандоновни деразага янада тақалтириб олиб келди-да, кўрсатгич бармоғини бигиз қилди.

— Ҳў ана... Ҳу тўғридаги анови итларин кўряпсизми?

— Аҳа!— деди Дандонов ҳаяжон билан.— Кўряпман, иккаласини ҳам кўрдим. Биттаси қора, бўйни оқ... олдингиси сариқ... ҳи-ҳи, ургочи бўлса керак.

Дарҳақиқат ташқарида — ўтпояда бири қораю бўйни оқ, иккинчиси сариқ ит бир-бирига суйканишар, сариқ ит попукли думини қисиб қочар, қораси бўлса лўкиллаб уни қувиб тутар, бўйнига бўйнини ишқарди...

— Ана ўша қора ит бизники!— деди Яхшибой ака.— Ечлиб чиқибди, савил... жуда ёмон бўлди-да...

— Ҳзимам ўйладим-а қорасини Сизники деб, худди бахмалдайгина экан... ҳи-ҳи, отп нима, Яхшижон ака!

— Оти Бобик!

— Ҳи-ҳи, Бобикми? Бобик бўлса яхши-да... Бизникиям Бобик! Итларимиз адаш экан...

Яхшибой ака қараса, Дандонов ҳали узоқ гапирадиган, шунинг учун асл мақсадга кўчди.

— Ҳртоқ Дандонов!

— Лаббай, Яхшижон ака!

— Шу Бобикни тутиб келишга ёрдамлашмайсизми? Дандонов эриб кетди. Икки қўлини кўксига қўйиб, бошини қийшайтирди.

— Бобикжонни тутиб келишми ахир, ҳозир ташкил этиб юборамиз, ака.

Дандонов узун, кенг шимпни бир кўтариб олиб, югурганича эшикдан чиқиб кетди. Коридорда парча кўйлакли, ҳаво ранг ялтироқ дурра боғлаган, гажакдор бир жувонга урилиб кетишига сал қолди.

— Вой... ҳа!— дея жувон ўзини четга олди Дандонов бўлса «Боб... Бобик!» деганча ташқарига отилди...

Намозгарда бир қўли рўмол билан боғланган Дандонов «Бобикни» етаклаб Яхшибой аканинг ҳовлисига келди. У жуда ҳорғин кўринса-да, лекин жуда хушчақчақ овозлар чиқарар, орқага тисарилиб келаётган Бобикни эркалаб ҳуштак чалар: «Маҳ-маҳ, ҳушт... Бобик, Бобик!»— деб итти эъвозларди. Бобик билан Дандоновни раиснинг ташқи ҳовлисида устунга боғлоғлиқ бузоқдек келадиган ола бир ит вовиллаб қарши олди. Дандоновнинг ҳафсаласи пир бўлди. Бобик бўлса устунга боғлоғлиқ итнинг важоҳатидан қўрқди шекилли, ғингиб Дандоновнинг пинжига биқинди. Бирдан елкасига эскироқ беқасам тўнни ташлаб олган Яхшибой ака чиқди.

— Э раҳмат, ўртоқ Дандонов!

— Ўзиям жуда узоқ кетдиларда бу Бобикжонингиз... Аввал «Хўжалар» қишлоғига, кейин «Меҳнат» колхозига, яна «Наққошлар» қишлоғига, у ердан Қашқартолга ўтдилар... бир молхонадан бориб тутиб олдим... барака топгур молбоқар жуда яхши одам экан... оти Қаромбой. «Шу, шу қораси раисимизнинг итлари, тутишга ёрдамлашинг», дедим... шу денг Қаромбой олдидан, биз орқадан иккаласини бир бурчакка қамаб олдик... анави урғочисини ураман деган эдим, «ғарч» этиб қўлимни тишлаб олса бўладими, қанжиқ! Ўзиниям бошлаб урдим. Аслида Бобикжонни ҳам йўлдан чиқарган ўша...

Яхшибой ака Дандоновнинг қўлидан Бобикнинг чил-вирини олди-да, кучукнинг орқасига бир тепди. Бобик вангиллаганича ўрта дарвозадан чиқиб қочди. Устунга боғлоғлиқ ит унинг орқасидан голибона ҳуриб қўйди. Бечора Дандонов сўррайиб қолди. Бир оздан кейин пахтадек оқарган, юпқа лаблари сўзга очилди:

— Қаромбой ит қопганни қирқта укол қилиш керак дейди, шу ростми, Яхшижон ака?

Яхшибой ака тўрга солинган оқ тарвуздек майкани туртиб чиққан думалоқ қорнини серкиллади кулди.

— Йўқ, сизни эмас, ўша сизни қопган итни қирқта укол қилиш керак!— деди.

Дандонов: «А!»— деди-ю, кейин энгашиб кенг шими почаларининг чангини қоқишга киришди.

Яхшибой ака изига қайтди.

Т О П И Л Д И Қ

«Душанба оғир кун» дейишлари бежиз эмас. Чунки, икки кунлик дам олишдан кейин ҳар кимда ҳам бир эринчоқлик пайдо бўлади. Айримларда эса, бундан ҳам баттар кўргилик...

Одатдаги душанба кунларидан бири. Эрталаб. Хотин қизил сатин кўрпа остида ғужанак бўлиб ётган эрини уйғотади:

— Туринг ахир, кун ёйилиб кетди-ку!..

Эр ғингишиб, оёғини чўзади ва яна пишиллаб уйқуга кетади. Хотиннинг сабри тугаб, эри устидан кўрпани жаҳл билан тортади:

— Туринг-ге! О, ишга кечикасиз!..

Эрининг усти очилади. Қоқ ганида майка-турси. Қўл-оёқлари чиллакдай, рангсиз. Елкаларининг суяги туртиб чиққан. Эр жойхоби устида оёқларини ёзиб ўтиради, бошини кафтлари орасига олиб, «оҳ», деб қаттиқ инграйди.

— Кеча кўп ичибмиз... бошим ёрилай дейди... оҳ!..

Эр ўрнидан туриб кийинди. Хотин дастурхон ёзди. Эр дастурхонга қараб турди-ю, чимирилиб юзиши тескари ўгирди.

— Шишада қолганми бир оз?

— Кеча қурутган эдингиз!— деди хотини иддао билан.— Ичманг, ичманг дедим... Ана энди керак бўлиб ўтирибди...

Эр оғзини катта очиб эснади. Бошининг орқа томонини қаттиқ қисганча:

— Оҳ-оҳ!— деди ва хотинига илтижо билан қараб.— Бир сўм бер!— дея қўл чўзди.

Хотин: «Пулни қаердан оламан сизга!» — деб ўшқирди. Эр сўзсиз елка қисди. Боши ҳамон ёрилар даражада оғрирди. Бир оздан кейин у ноиллож ишга отланди. Умидсизланиб, хаста ҳолда эшикдан чиқиб кетаётган эди, хотини:

— Манг, мана бу шимни кийинг!— деди бир эски шимни унга итқитиб.— Эгнингиздагини ечиб беринг, кир-ғир бўлиб кетибди...

Эр хотинга маънисиз қаради. Кейин журъатсизгина шимини ечиб, эскисига алмаштириб кийди. Эски шимнинг бели бир оз кенг эди. У қайишни тортиб боғлади.

Ишхонага келганда бошлиқ унинг сўлғин рангига қараб туриб:

— Ҳа, Остон ака, кайфиятингиз...— деди.

— Бир оз тобим йўқ!— деди Остон ака кўзларини бир нуқтадан олишга эриниб.— Шамоллабманми дейман!

Остон ака бир оздан кейин кайфи учиб дарвоза олдига чиқди. Бировдан қарз сўрашга истиҳола қиларди. Бошида ҳамон ўша оғриқ. Юз граммгина бўлса, мияси «шарқ» очиларди. Икки-уч марта дарвоза олдига чиқиб, қайта кабинетга кирди. Башарасида аллақандай сўлғинлик. У охирги марта кабинетга кирганда, секретарь қиз қаламтарош сўради. У кичкина паккичасини доимо

шимининг соат чўнтагига солиб юрарди. Шунинг учун ҳам чўнтагини тимироскилашга тушди.

— У шимимда қолибди!— деди Остон ака икки бармоғи билан чўнтагини ковлаштираркан. Бир пайт ўша чўнтакдан унинг титроқ бармоқларига бир қоғозча илиниб чиқди. Қоғозчани кўзига яқин келтириб қаради-да, юзи ёришиб кетди.— Э яшасин! Буни қаранг, бир сўм!— деди у қувониб.— Раҳмат Сизга, Лайлохон, қаламтарошни сўрамасангиз бу пулни топмас эдим... р-раҳмат!..

Лайлохон тиззаларига уриб кулди.

— Мен қаламтарошни топдингизми деб ўйлабман.

— Йўқ, ана буни топдим!— деди Остон ака бесўнақай лапанглаб ўйнаркан. Қисқаси у шод эди. Гўё унинг бош оғриғидан асар ҳам қолмаган, завқ билан қандай қилиб бир сўмликни топганини айтарди.

— Билмадим қачон қўйган эканман!— деди у ва ўзи жавоб берди.— Бир вақт қўйганман-у, кейин эсимдан кўтарилиб кетганда... эрталаб янгангиз у шимингизни ечиб кетинг, юваман деди... Қаранг!..

Остон ака дарвоза олдига чиқиб, бир сўмликни қоровулга кўрсатиб деди:

— Қаранг, ана шу бир сўмликни бир вақтлар ана бу чўнтакка қўйган эканман-у, эспмдан чиқиб кетган экан... Бугун Лайлохон қаламтарош сўради. У шимим хаёл қилиб бундай бармоғимни тиқиб қарасам, ана шу бир сўмлик...

Шу пайт шофёр келиб: «Нима? Нима?» — деб гапга аралашди. Остон ака унга ҳам қўлидаги пулни кўрсатиб тушунтира бошлади.

— Мана бу бир сўмликни ҳозир мана бу чўнтакчамдан топиб олдим!— деди у яйраб:— Лайлохон қаламтарош сўраган эди, бундай бармоғимни тиқиб қарасам, ана бу ерда яширишиб ётибди...

Остон ака идорага қайта кириб, бир сўмликни қандай топганлигини завхозга, ҳисобчи хотинга, бўлим му-

дирларининг ҳар бирига бир мартадан айтиб чиқди-да, паст кўча билан секин буфетга йўл олди.

У куни билан шод, хушчақчақ юрди. Уйига боргач, кечаси билан ҳамма эски кийимларининг чўнтаklarини ковлаштириб чиқди. Лекин ҳеч нарса топа олмади. Эртасига бошлиқ билан холи қолганда:

— Бир янгилик!— деди.

— Хўш!— бошлиқ кўзойнаги устидан қаради.

— Кеча ана бу чўнтакчамдан,— дея бош бармоғини ўша, эски шими чўнтагига тиқиб кўрсатди,— бир сўм топиб олдим... Лайлохон қаламтарош сўради, бундай бармоғимни тиқиб кўрсам, бир сўм...

Бошлиқ нимагадир эътибор бермади. Чунки, бу янгиликни у идорадаги бошқа одамлардан кечанинг ўзидаёқ эшитган эди.

МАЛЛА

Институт қошидаги озиқ-овқат дўкончасининг мудир «чап» билан қўлга тушиб ишдан олинди. Унга берилган жазо билан ишимиз йўқ. Фақат янги мудир — Самижон ҳақида икки оғиз гап. Самижон келган куннинг эртасига қоровул чол носини тупуриб ташлаб, ўзига яқин студентларга маъни қилди.

— Бай-бай, жуда художўй, ҳалол-покиза йнгит экан!— деди у оғзини пиёладаги совуқ чой билан чайқаб ташлаб.— Отаси яхши эди-да, Самижоннинг... отадан ўғил дегандай бола пақир бирам хушмуомалали. Кеча шўрвага соладиган барг бор-ку, ҳа бали — лавровий лист олувдим денг, бир тийиним қолган экан, барака топгур, изимдан битта гугурт бериб юборибди... Э аввалгиси қайда, ола ҳаққанинг остидан тухумини урарди.

Ҳақиқатан ҳам Самижон биринчи кунданоқ ҳалоллиги ва ширин тили билан атроф маҳаллага танилди-қолди. У ҳаммани бир кўзда кўрар, қўлига тушган ҳар қандай ноёб нарсани ҳам тезроқ пуллашга ҳаракат қи-

ларди. Ишга келганининг учинчи куни базадан 10 яшик вино келтиришди. Юк машинаси устида бир йигит бор эди. Унниг бошида қачонлардир «андатра» деб аталган, ҳозирда сувга тушган мушукни эслатувчи телпаги бўлиб, манглай томони орқага қаратиб кийилган эди. У машинадан лип этиб сакради, қўллариши шимининг орқасига ариб кўришди.

— Ҳм... Салом, хўжайин!— деди ориқ, нимжон гавдасига ярашмаган сохта оҳанг билан.

— Ассалому алайкум!

— Яхшиларми, хўжайин?— деди у ҳамон ўша оҳангда.— Қани, танишиб олайлик, хўжайин... бизнинг отимиз Малла... ҳа, бир оз сариқроқ туғилганимиз учун раҳматли бувимиз «Маллажон» деб ном қўйган эканлар...

Малланинг кулгисига шофёр йигит ҳам «хў-хў-хў!»-лаб қўшилган бўлди. Шофёр Малланинг тамом тескариси: Малла ориқ бўлса, у семиз, Малла сариқ бўлса, у ҳабашдай қоп-қора эди.

— Менинг отим Самижон!

— Салимжон!

— Йўқ, Самижон!

— Э-ҳа!— деди кулиб Малла.— Самижон, жуда зўр... қани, Самижон ука, манави яшикларни тушуриб, мана бу қоғозга қўл қўйиб берсангиз...

Самижон ҳайрон қолди. Шунча яшикни бир ўзи тушира олармикан? Ахир яшикни уларнинг ўзлари туширишлари керак-ку?

— Тушириш ўзларидан-да, Малла ака!

— Лаббай!— деди Малла, пиқ-пиқ кулиб.— Биз... ҳа майли, рози қилсалар кераг-а, Бозор!

Шофёрнинг оти Бозор экан. У оппоқ тишларини кўрсатиб илжайди. Малла машина ғилдирагига оёғини қўйиб кузовга чиқди. У яшикларни олиб узатар, Бозор енгил-енгил кўтариб ерга олиб қўярди. Иш тугади. Малла машинадан тушиб фактурага қўл қўйдириб олди. Самижон хайрлашиб дўконга кираётган эди, Малла Бозор

томон қараб секин кўз қисиб қўйди. Уч-тўрт минут ўтди. Мудир ҳадеганда чиқавермади. Малла чирт эткизиб тупурди-да, тумшайиб дўконча эшигидан ичкарига кирди. Дўконнинг торгина, бўш яшиклар қалашиб ётган йўлагидан ўтиб, чўт қоқиб ўтирган Самижонга яқинлашди. Мудир ҳисоб билан бўлиб унинг кирганини сезмади. Малла томоқ қирди:

— Э, Малла ака, ҳалиям шу ердამисиз?

— Ҳа, хўжайин,— деди Малла кемшик тишларини кўрсатиб илжайаркан,— бу ўзлари савдода янгиларда-а, хўжайин?

— Янгимиз... бир ҳафтача бўлди...

Шу пайт Бозор ҳам келиб орқасида турди. Малла унга бир қараб олиб:

— Янги эканлар, тушунтирсакмикан-а, Бозор?— деди пиқ-пиқ кулиб.— Гап бундай, хўжайин... бу чой пули деган гаплар бўларди...

Самижон ҳайрон бўлди. «Булар шу иш учун ойлик олишади, яна қанақа «чой пули» экан. Кел майли,— ўйлади Самижон,— бир сўм берай, чойхонага кириб чой ичишар!»— тортмадан бир сўмлик олиб Маллага узатди.

— Мана, ака!

— Қизиқ-ку, а, Бозор?— деди Малла башараси нордонлашган шофёрга қараб олиб.— Э раҳмат, хўжайин! Олиб қўйинг пулишгизни, гадой-падойга садақа қиларсиз! Қайтдикми-а, Бозор?— у шундай деганча жаҳл билан изига бурилди.

— Ахир меҳнатингиз учун давлатдан ойлик оласиз, ака!— деди Самижон куйиниб. Малла эшик олдида орқага бурилди:

— Баракалла, ақлингизга офарин! Ойлик оламиз, хўжайин!— деди киноя билан.— Қалласи зўр-а, Бозор?!

Самижон нимадир демоқчи эди, Малла имкон бермай сўзида давом этди:

— Хайр, хўжайин,— деди у қизарганча,— қали тушунмайсиз, хўжайин! Ҳали ёшсиз-да, хўжайин!..

Малла чиқди. Бир оздан кейин ташқарида машина гувиллади. Самижоннинг кўнгли хижил бўлиб узоқ туриб қолди, стол устидаги ёғимланган кирчил бир сўмликни олиб тортмага ташлади.

Уч кундан кейин Малла япа келди. Бу сафар у бошқа — Коля деган шофёр билан машинада 10 яшик арақ олиб келган эди. У Самижон билан ҳеч нарса кўрмагандек «хўжайин, хўжайин» дея муомала қиларди.

— Мўсафидларни юқорироққа ўтказамизда-а, хўжайин?— деди у машинага қайта яқинлашиб.— Қани, Коля, чиқ кузовга!

Шофёр йигит сакраб машинага чиқди. Самижон ҳам машина ёнига келаркан:

— Ёрдамлашайми, Малла ака?— деб сўради.

— Э йўқ, овора бўлманг, хўжайин!— деди у мулоҳим.— Бизлар ўзимиз... Ҳоппа-а!..

— Овораси борми?— деди Самижон бир яшикни олиб унга тутқизаркан. Малла дўкон йўлагига учта яшикни устма-уст териб қайтиб келаркан, яна пиқ-пиқ кулди.

— Тўхтанг, хўжайин, бу бизни вазифамиз,— деди у яшикни шофёрнинг қўлидан оларкан.— Давлат бизга фақат машина устида яшикларни тутиб келишимиз учун ойлик бермайди-да... қани... ҳо-па!..

Малла иккинчи қатордаги икки яшик устига учинчиси элиб қўйганича, изига чаққон бурилувдиямки, яшиклар ағдарилиб кетди. Қаттиқ гумбурлаш ва шиша жаранги эшитилди. Малла жонҳолатда кўзларини аланг-жаланг қилиб бурчакка тикилди. Самижон югуриб яшиклар ёнига келди. Яшиклар тўнтарилиб ётар, синган шишалардан қилқиллаб суюқлик тўкиларди. Самижон ҳовлиққанича яшикларни тўғрилаб қўйди.

— Хайрият, устимга йиқилмади, хўжайин!— дерди Малла, ёлғондакам титраб.— Юрагим ёрилди-е!

Синган шишалар санаб кўрилди. Беш дона синган шишадан иккитаси бўм-бўш, қолганларнинг ярим-ярми-сида арағи қолган эди, холос. Самижон қип-қизариб

кетган, юқори лаби пир-пир титрар, Малла бўлса: «Касофатда, хўжайин, касофат!»— деб турарди. Самижон ўзича алам билан тўнгиллади:

— Жудаям бунчалик қилиш яхшиямас-да, ахир!

— Нима, мани қастдан қилди дейсизми, хўжайин?— дея чинқирди Малла.— Ўзим зўрға қочиб қутулдим-у!.. Ажали етса одам ўлади... ҳали бу ароқ экан-ку...

Самижон бошини қашлаб, чуқур хўрсинди. У Малладан ҳазар қилар, унга қарашдан ўзини тийиб турарди. Чунки, у Малланинг икки яшик устига учинчи яшикни қасддан қия қўйганини кўз қири билан кўриб қолган эди.

— Жуда жавр бўлди,— деди Самижон йиғламсирагандек,— ҳали бир ҳафта ишламасдан...

— Э қизиқ экансиз, хўжайин,— деди Малла қўл силкиб,— шунгайм... шунча алам... «ўлат-да ғам!»— деган экан тожиклар... бунинг чораси оппа-осон!

— Қанақа чора,— сўради Самижон,— яшик ағдарилгандан бери биринчи марта Маллага тик қараб,— қандай?!

Малла унга яқин келиб, елкасига қўл ташлади.

— Биласизми, фақат бир нарсага чора йўқ!— деди сариқ тишларини кўрсатиб жилмаяркан.

— Нимага?

— Фақат ўлимга чора йўқ! Қолган ҳамма нарсанинг чораси бор... Ҳозир дарров битта акт ёзинг... бешта эмас, ўнта шиша сииди деб, ана бу Коляжон билан биз қўл қўямиз... а лаббай! Э яшанг-да, хўжайин! Ахир биз шу пишегоргда ўн йилдан бери ишлаймиз!.. Ҳа, ёзинг...

Акт ёзилди. Самижон акт тузганда ҳам инсоф билан ёндошди. Малланинг: «Э ўнта ёзаверинг, хўжайин, ким кўриб ўтирибди!»— дейишига қарамай, 6 та араққа акт тузди. Аввал Малла, шофёр йигит иккинчи бўлиб, энг охирида Самижоннинг ўзи қўл қўйди. Дўкоцдан чиқаверишда Малла керилиб гапирар, тинмасдан мингирларди.

— Қалай, хўжайин, чораси ўзимизнинг қўлимизлада!— деди у Самижоннинг тирсагидан тутаркан.— Яна

мана бу ярим-ёрти ароқлар ҳам ўзларига қолади... Ҳа, битта-яримта пахмилталаб келса... бу яна бир шиша ортиқ ҳам ёзилди... ҳа, буюрсин, хўжайин, буюрсин... Бизлар бўлсак, эртадан-кечгача югуриб-елиб... бир чой пули деб...

Самижоннипг миясига бигиз суқулгандек бўлди. Малланинг таъмагирлик билаи айтган гапларига энди тушунган эди. У чўнтагини ковлаб бир даста пул чиқардида, битта 5 сўмликни олиб, Маллага тутқизди.

— Мана, Маллавой ака!

— Э... э, ҳожати йўқ эди-ку... раҳмат, хўжайин!— Малла ширингина бўлиб, ялтоқланаркан,— қани, Колкажон, кетдик, ука!— деди.

Машина кетди. Самижон дўконнип бекпиди-да, актни олиб шаҳар чеккасидаги озиқ-овқат торги идорасига йўл олди. Таксичи йигит ҳам «чой пули»га ишқивоз экан, икки сўмдан қайтим бермади. Торгдаги ҳисобчи аёл Самижон берган актни синчиклаб кўздан кечирди-ю, бўлмайдн дегандек нари суриб қўйди. Самижонга акт тузишдан олдин ўша синган шишаларни, тўкилган арақларни торгнинг махсус эксперти кўриши керак, деб тушунтиришди. Учинчи-тўртинчи бор қатнаганда Самижон экспертини топиб, қанча зору тавалло билан дўконига бошлаб келди. Эксперт йигит шишаларни бир-бир ушлаб, ичидагиларни ҳидлаб, айримларида шиша синиқларини бирлаштириб кўрди. Кейин кўзойнагини олиб: «Бир оз ишончсизроқ!»— деб қўйди. Самижон бечора титраб-қақшаб қасам ичарди...

Хулласи, битта 7 сўмлик «Плиска» коньяги очилди. Эксперт йигит фақат бир қадаҳча ичиб, бир дона школаднинг ярмини тишлаган бўлди. Акт тасдиқланди. У кетгач, яна юк тушурувчи Малла ва ҳабашдек қора Бозор машинада банкали узум шарбати олиб келишди. Малла: «Хўжайин, хўжайин!»— деб яшиқларни туширар, чаққонлик билан бурчакка териб қўярди. Самижон:

— Эҳтиёт бўлинг, Маллавой ака, чой пулиси бор!—

дея эслатар, яшикларнинг ёнида юрагини ҳовучлаб турарди.

Малла уч сўми ҳалоллаб кетгач, институт қоровули келди, битта нон ва иккита қатиқ сўради. Самижон пештахта остидан тимирскиланиб, аллақандай бир тугунни қоғозга ўраб-чирмаб ичкарироқ итариб қўйди.

— Мана битта нон... мана қатиқ!

Қоровул чол нарсаларни олиб сумкасига жойлаштирди-ю, негадир яна бир оз кетмай турди:

Самижон икки тийин қайтимини бермаётган эди.

«Ҳе дариг!— ўйлади чол инқиллаб изига буриларкан.— Ҳалолгина бола эди-я!»

Чол бечора Малла ва унинг шерикларига бериладиган «чой пули»ни қайданам билсин...

«МУШТИПАР»

Кабинет эгаси гардиши тилла ранг кўзойнаги устидан кирувчиларга ҳайрон бўлиб қаради: эшикдан бир хотин икки боласи билан кириб келарди. Хотиннинг устида узун, ранги униққан қора атлас кўйлак бўлиб, ёқаси қийшайиб, ич кўйлагининг кирчил ипи кўриниб турар, сепкилли қорача юзи сал-пал пардозланган, қалин лаблари дидсиз бўялган эди. Унинг қўлидаги иштончан боланинг огзидан сув кетиб, ёқасини шилта ҳўл қилган, этагидаги қизалоқ эса онасининг оёқларига ёпишиб, тўрдаги амалкига ҳадиксираб қарарди.

— Ассалом... редактор ўринбосари Турсун Тўраевич Сиз...

Ёши пенсияга яқинлашиб қолган кабинет эгаси унинг сўзини бўлиб: «Ҳа, биз бўламиз!»— дея жилмайиб, бош силкиди ва қўлини чўзиб:

— Марҳамат, ўтиринг!— деди.

Хотин қизалоғини нарироқ суриб, этакларини тортиб, оёқларини жуфтлаганча стулга ўрнашиброқ ўтирди.

Сочлари қуюқ, қўғирчоқдек қизалоқ юзларини онасининг тиззаларига бекитди, аёлнинг қўлидаги бола: «Агга!»— дея Турсун Тўраевичга талпинди. Кабинет эгаси кўзларини юмиб, лабларини чўччайтириб: «Пч...чччу!» дея болани эркалаган бўлди.

— Хўш, хизмат?

Аёл унга тик қаради. Унинг қачонлардир териб юриладиган, ҳозирда қалинлашган қошлари остидаги қўй кўзлари намли, юзлари оқ ва сўлгин эди.

— Ман Очил Юнуснинг...

Гапни охиригача эшитишга сабри чидамайдиган редактор ўринбосари ўрнидан даст туриб кетди.

— Э, шундай демайсизми, келин!— деди у ҳовлиқиб, стол устини титкилар экан.— Ҳали Очилжоннинг рафиқалари бўламан денг... жуда яхши, жуда яхши, ана, газетамизнинг кечаги сонини ўқигандирсиз? Унда Очилжоннинг иккита шеърини ёритдик. Биттаси: «Э фалак!» деган ғазал, яна биттаси «Ракеталар» деган замонавий шеър...

Турсун Тўраевичнинг ҳали-вери гапдан тийилшига кўзи етмаган хотин қўлидаги боласини ён тарафдаги стулга ўтқазди-ю, оғзига сўрғичини солиб, жаҳл билан ўрнидан турди.

— Раҳмат Сизларга, минг раҳмат!— деди йиглоқи овоз билан.— Уша ахлоқи бузуқ, хотинбоз бир кишининг шеърларини чиқариб, яна уни мақтаб турган Сизларга раҳмат!— Бу орада Турсун Тўраевичнинг бир неча бор: «Сабр қилинг! Очиқроқ сўзласангиз-чи?» дейишига қарамасдан, хотин ҳамон жавраб гапирарди.— Сизларнинг ҳаммаларингиз бир гур, асли артисту шеърларга ишониб бўлмас экан...

Хотиннинг кейинги гапи Турсун Тўраевичнинг жонжонидан ўтиб кетди, у қўли билан столни «шاپ» эткизиб урди-да:

— Менга қаранг!— деди баландроқ овоз билан. Хотин оловланган қўй кўзларини унга тикди.— Шовқин сол-

манг! Сиз бир эрингиз деб ҳамма шоирларни ёмон отлик қилманг, қани, бир бошдан гапиринг-чи...

Хотин аввалги шаштидан бир оз пасайиб, стулга бориб ўтирди ва чинқириб йиғлаётган боласини олиб, овута бошлади.

— Ҳа... ҳа... жо-он-жонгинам... Уша хотинбозини бизларни ташлаб кетганига...

— Ташлаб кетган?!— ажабланиб сўради Турсун Тўраевич.— Икки бола билан ташлаб кетдими?

— Ҳа,— деди хотин маъюсланиб ерга тикиларкан. Шу пайт хотиннинг қўлидаги овунган бола: «Агга»,— деганча яна Турсун Тўраевичга талпинди. Редактор ўринбосарининг кўзига шу бола ёшидаги кичик, эркатой невараси кўриниб, юраги орзиқиб кетди.

— Вой нодон, вой ярамас-э!— деди Турсун Тўраевич бош чайқаб.— Гулларни хор қилибди-да, касофат! Гулдай болалар-а, нега ташлаб кетди?

Хотин чамаси кўп кишиларга айтавериб, ёд бўлиб кетган сўзларни яна такрорлади.

— Баҳона мингта!— деди у йиғламсираб.— Авваллари у ичиб келарди, нега ичиб келасиз, десам, шоир киши ичиши керак, ичмаса илҳом келмайди, дерди. Майли, дедим, ичсин, илҳоми келсин, дедим. Кейин-кейин урадиган одат чиқарди...

— Нега уради, сабаб?

— Баҳонаси оз дейсизми, болангни эркаклар олдида эмиздинг, деб уради, товонинг ёрилиб кетибди, деб уради, мошкичирини моши хом қолган, деб уради...

— Э, ҳалиям урадими?

— Йўқ, авваллари урарди,— деди хотин кўзларини мўлтайтириб,— кейин-кейин гапирмай қўйди. Мана, етти ойдан бери уйга қадамини ҳам қўйган эмас.

Турсун Тўраевич жаҳлга минди.

— Нега милицияга, судга мурожаат қилмадингиз?

— Ман бир муштинлар она бўлсам, гапирмай юравердим,— деди хотин боласининг огзини рўмолча билан ар-

тиб,— судга ўзи мурожаат қилди, ажрим ҳақида ўзи ариза берди...

— Хўш?!

— Суд ажрим қилди!— деди хотин куйиниб. Унинг тиззаларига ёпишиб турган қўғирчоқдек қизалоғи ҳам тўрдаги амакига бепарвороқ қараб турарди.

— Суд ажримига Сиз ҳам рози бўлдингизми?

Хотин бурнини тортиб, кўз ёшларини этагига артиб олди.

— Ҳа, нима, ман кўчада қолибманмики, унга хушомад қилсам?..

Хотиннинг тиззасидаги бола яна қийқириб, Турсун Тўраевичга талпинди. У ҳам боланинг эркалигига жавобан лабларини чўччайтириб: «Пч...чччуп!»— деб қўйди. Юрагидан аёлнинг аҳволига қаттиқ ачинди. Гап худди шу билан тамом бўлгандай эди. Лекин, хотин яна жаҳл-га минди.

— Ўша хотинбоз, бошқа бир сатанг билан турмуш қурган,— деганча ўқчиб, йиғлашга тушди,— кошки чиройи мандан ортиқ бўлса, ўшанинг уйида яшаяпти... алиментни ҳам ойдан-ойга кам юборяпти...

Турсун Тўраевичнинг баттар жаҳли чиқди. Иккита бола билан қаровсиз қолган муштипар онанинг аҳволига ачинди.

— Аҳмоқ!— деб ғудранди редактор ўринбосари.— Сатқайи шу гулдай фарзандлар кет, сатқайи ижодкор деган ном кет!

— Яна Сизлар унинг шеърларини...

— Бўлди!— деди редактор ўринбосари кафти билан стол устига уриб.— Бундан кейин газетамиз ўша ахлоқсиз шоирнинг бир сатр ҳам шеърини ёритмайди!

Турсун Тўраевич ўрнидан туриб, эшикни қия очди-да, ташқарига овоз берди.

— Маданият бўлими мудирини чақиринг!

Турсун Тўраевич қайтиб келиб, ўрнига ўтирганда, аёлнинг тўрт яшар қизалоғи: «Тетамиз!» — деб хархаша

қила бошлади. Турсун Тўраевич тортмадан икки дона «Қорақум» шоколадидан олиб, она-болаларга яқин борди-да: «Бўй-бўй-бўй!»— деганча болаларга тутқизди. Қизалоқ юзини онасининг этаги билан бекитиб туриб, шоколадга қўл чўзди. Эшик очилиб, сочлари қўнғироқ, чўзинчоқ юзли, ёқимтой бир йигит кирди.

— Қодиржон!— деди Турсун Тўраевич аёл томон ишора қилиб.— Танишинг, ёш шоир Очил Юнуснинг биринчи рафиқалари!

Қодиржон бош силкиб, илжайганча: «Танишмиз!»— деди ва аёлга:— «Яхшимисиз», деб қўйди. Аёл ҳам истамасдангина: «Шукур»,— деди. Турсун Тўраевич аллақандай шафқат ва ачиниш тўла кўзларини она-болаларга тикди-да, бир оз ўйлаб туриб, Қодиржонга юзланди.

— Бундан кейин,— деди у дона-дона қилиб,— ўша хотинбоз, болабезор, фарзандларидан юз ўгирган Очил Юнуснинг бирор нарсаси ҳам газетамизда ёритилмаслиги керак!

— Хўп!

Турсун Тўраевич яна ўша оҳангда сўзида давом этди:

— Иложи бўлса, фельетон қилишимиз керак уни!

Қодиржон енгил жилмайди.

— Фельетон қилишга ҳаққимиз йўқ эди-ку!— деди қафтларини ёзиб.— Уларни суд ажратган бўлса, Очил Юнус ҳар ой болалари учун алимент тўлаб турган бўлса...

— Ўтган ой кам тўлади-ку!— дея чинқириб юборди аёл.— Алиментни ҳам камайтириб юборди, ғаламис!

Қодиржон шошиб қолмади, аксинча:

— Бунга сабаб, ўтган ой фақат икки жойда шеър ва бир журналда ҳикояси чиққан эди,— деди босиқлик билан,— аввалги ойда эса катта журналда шеърлар туркуми босилгани учун алимент ҳам Сизларга кўп борган...

— Бизлар ҳеч нарсани билмаймиз!— деди хотин кимлардир ўргатган сўзларни тўкиб ташлашга чоғланиб.— Уша ахлоқи бузуқ, хотинбоз кишининг шеърлари газеталарда чиқмасин!

— Чиқмайди!— деди Турсун Тўраевич кескин.— Чиқмайди!

Қодиржон кулиб юборди.

— Нега куласиз?

— Кечирасизлар,— деди Қодиржон қизариб, ўша босиқлик билан,— тўғри, бизлар Очил Юнуснинг асарларини чиқармаслигимиз мумкин, лекин янга, Сизга, мана бу болаларга қийин бўлади-да!

— Нимага қийин бўларкан?— зуғум қилди аёл.

— Чунки, Очил Юнуснинг шеър, ҳикоя, дostonлари матбуотда тез-тез чиқиб турмаса, алиментни қаердан оласиз, алимент камайиб кетади-да?!

Хотин жим қолди. Турсун Тўраевич:

— Э, ҳали гапнинг бу томониям бәрми?— деб қўйди. Орага жимлик тушди. Турсун Тўраевич ўйларди: «Тавба... бу хил ижодкорларнинг шеърларини ёритса ҳам бир бало, ёритмаса ҳам... ёритмаса, бу муштипар она, гулдай беғуноҳ гўдаклар...»

— Шунинг учун,— уларнинг диққатини Қодиржоннинг ингичка, мулойим овози бўлди,— қўйинг, янга, собиқ эрингизнинг шеърлари кўпроқ чиқаверсин, алимент кўпаяди. Сизларга фойда...

Аёл ерга қараб, узоқ ўтирди, икки марта бурнини тортди, учинчи мартасида кўйлагининг этагига артиб қўйди, кейин «тақдирга тан бердим» деган оҳангда:

— Майли,— дея секин ўрнидан турди,— хўп, яна қачон унинг шеърлари чиқади?

Турсун Тўраевич ўйловдан бош кўтариб, сўради:

— Бизда бирор нарсаси қолдими?

Қодиржон шифтга қараб ўйлаган бўлди ва мулойимлик билан жавоб бера бошлади.

— Уша аввалги ўн беш кунликда қайтарганингиз

«Биринчи муҳаббат» деган ҳикояси, бешта саккизлиги, кеча ўзи олиб келган олтиликларни ва рубонийлари бор.

Турсун Тўраевич гадбиркор овозда:

— Тезда чоп қилиб, киритинг ҳаммасини!— деди қўшалоқ рангли шарикли, йўғон ручкасини олиб.— Шу бугуноқ қўл қўйиб, тушириб юборамиз... Сизни хафа қилиб қўймаймиз, келинжон, кейинги ўн беш кунликда камида 50 сўм гонорар, тоес алимент ишлайсиз... Ҳа, боринг тез, Қодиржон!

Қодиржон чиқди.

— Раҳмат, домла!— дея миннатдорчилик билдириб, хотин ҳам эшик сари йўналди. Орқасида қизалоғи кўйлағи этагидан тутиб борарди. Аёл орқага ўгирилиб сўради:— Амаки, Сиз билмайсизми, Очил Юнуснинг асарлари шу яқин орада яна қаерларда чиқиши мумкин?

— Йўқ!— деди Турсун Тўраевич. Хотин яна бир карра миннатдорчилик билдириб, чиқиб кетди. Редактор ўринбосари кўк майсадек пояндозда шоколад қозоғлари са иккига бўлинган, олқинди совундек шоколадни кўрди, яна... янгигина пояндозда эшиккача чўзилиб кетган сув томчилари... «Аёл қўлидаги боланинг иши,— дея редактор ўринбосари ижирғаниб, ўрnidан турди ва чуқур хўрсиниб, қўл силкиди,— қизиқ дунё экан...»

Шу кунларда ўша муштипаргина хотин газета, журнал редакциялари ҳамда нашриётларга бориб, собиқ эри— Очил Юнус асарларининг чиқишини тезлаштириб юрибди.

Энди ёзиш Очил Юнусдан, уни тезроқ чиқариш— биринчи хотиндан!

БЎЛҒУСИ ПЕРСОНАЖ

Янги йил арафасида янги уйга кўчдик. Янги уйга янги мебель ярашади. Мебелни каттакон бир базадан олишга тўғри келиб қолди. База директори қовоқлари солиқ, юқори лаби чўччайган, қуйи лаби сўлжайганроқ

Қобил Ботирович деган киши экан. У дастлабки учрашганимизда анча хушмуомала кўринди.

— Магазиндан расмийлаштиринг, навбатда туринг, ҳал қилиб берамиз!— деди.

— Навбатимиз етган, мана ҳужжатлар!

— Жуда соз!— деди у овозига атайин салобатли оҳанг бериб.— Эрта жума куни бир қўнғироқ қилинг!

Жума куни қўнғироқ қилдим. Телефонни ҳеч ким кўтармади. Душанба куни эрталаб яна базага такси ёлладим. Борсам, Қобил Ботирович кибр билан йўталиб кабинетига кириб кетаётган экан.

— Ҳнг, келдингларми?— деди у ўнг қошини кўтариб.— Ҳозир сизбопи йўқ, эрта-индинларга бир хабар олинг.

Изимга қайтдим. Шундан кейин яна ўн, ўн беш бор қатнадим. Ҳар гал борганимда Қобил Ботирович: «Ҳнг, келдингларми?»— дея қарши олар ва: «Фалон куни қўнғироқ қилинг!»—«Икки кунга сабр қилинг, ҳал бўлиб қолади»,— деб ваъда берарди. Бунинг устига кейинги бор қатнаганларимда у анча қуруқ қаршилайдиган бўлди. Утирган жойида: «Ҳнг!»— дея қўл чўзади. Менинг саволимга одатдаги ваъдалардан бирини пешкаш қилди-да, қовоғини уйганча қулт-қулт чой ичиб ўтираверади. Кўпроқ ўтириб қолсам секретарини чақириб койий бошлайди. Ўзимни ноқулай сезиб ташқари чиқаман.

Янги йилга икки кун қолганда дўстларимдан бири: «Э, Қобил Ботировичдан олмоқчимисиз?— деди кулиб.— Одамини топибсиз... Яхшиси бошқа йўлини ўйланг... Ҳозир мебель базада тиқилиб ётибди».

«Бошқа йўли» дегани нима экан? Уйлай-уйлай хуноб бўлиб кетдим. Шу Қобил Ботировичнинг ўзини эритиб бўлмасмикин? Кел таваккал, дедим-да, шундай қарорга келдим. Яқинда босмадан чиққан ҳажвий ҳикоялар тўпламимдан биттасини олдим, ички муқовасини очдим ва шундай деб дастхат ёздим: «Бўлғуси персонажим,

қимматли Қобилжон акага, катта эҳтиром билан. Автор — имзо».

Директор кабинетига кирсам, Қобилжон ака чой ҳўнлаб ўтирган экан. У одатдагидек ўтирган жойида қўл узатиб.

— Ҳнг, келдингларми?— деди писандсиз.

— Келдик!— дедим мен мулойим ишшайиб.— Сизга арзимас бир...

— Нима экан?— ҳовлиқиб сўради у.

— Мана бу китобчамиз чиққан эди,— дедим китобчани кўрсатиб,— Сизга эсдаликка...

— Ия, ҳали ёзувчимиз денг... қани-қани!

У китобчани олиб салмоқлаб кўрди, варақлади, суратларини томоша қилган бўлди.

— Ҳа тузук, тузук!— деди у жилмайиб.— Яхши, зўр-у. Ҳа-ҳа, лекин мана бу расмни ҳам қотириб чизибдими? Қим экан бу! Ҳм... «Ифвогарнинг туши...» ҳм, демак, бу ифвогар! Ҳа, зўр... бизлардаям биттаси борди— думини тугдик. Ия, мана буинсини қаранг. Ҳа-ҳа, бақбақаси қатланиб-қатланиб кетибдими? Бу ким экан? Ҳозир!— Ҳижжалаб сарлавҳани ўқиди — Тўрра Тўраевич... ҳа тузук, тузук... Бизнинг укамиз ҳам фанлар кандидати, уям диссертациясини брошюра қилиб чиқарган эди, ҳамма оғайиларига ёзиб берди... Ҳа тузук... тузук...

Ниҳоят, у китобчани ушлаган ҳолда учрашганимиздан бери биринчи бор менга жилмайиб қаради.

— Ҳўн, гап бундай, ука!— деди у қатъий.— Бугуннинг ўзидаёқ ишингиз ҳал бўлади!— У қўнғироқни босиб секретарни чақирди, секретарь директор ўринбосарини чақирди, директор ўринбосари омбор мудирини, омбор мудирини ўзининг чақмоқдайгина иккита юк туширувчи йингитини чақирди. Бирпасда директор кабинети одамга лиқ тўлди.

— Ана бу киши шоир,— деди Қобил Ботирович йирилганларга мени таништириб,— ана бу брошюра ани шу.

киши ёзганлар. Мебель олмоқчилар, навбатлари аллақачон ўтиб кетган... тезда машинага ортилсин!

Хижолатдан қип-қизариб ўтирсам-да, нимагадир хурсанд эдим. Йиғилганлар қанчалик тез тўпланишган бўлса, ундан ҳам тезроқ ғойиб бўлишди.

Пулини магазинчига тўлаб, мебель ортилган машина томон юрарканмиз, Қобилжон ака аста бплагимдан тутди:

— Ука, бу «Бўлғуси персонажим» деганингиз нима маъно англатади?

— Персонаж, ҳимм,— бир оз талмовсираб қолдим.— Персонаж бу лотинча сўз бўлиб, «персо — туғишган», «наж-им», яъни туғишганим, бўлғуси туғишганим дегани...

Қобилжон ака яйраб кетди.

— Раз туғишган бўлдикми, энди тез-тез келиб турунг, ука, бизда ҳам ёзадиган, брошюра қилиб чиқарадиган нарсалар жуда кўп.

— Хўп бўлади.

Машинага ўтирдим. Қобилжон ака қўл силкиб қолди.

Қ А С С О Б Ш О И Р

Дунёда ваъда бериб унга вафо қилмасликдан ёмонроқ. Ал ваъдайи дайн! Ваъда — вафоси билан дегани бўлса керак. Ёки ваъда бердингми — бажар! Ваъдага вафо марднинг иши...

Қисқаси, ваъда, вафо ҳақида ҳикматли сўз ва мақолларни ёзиб чиқса икки-уч варақнинг юзи қораяди. Азалдан ваъдаю воҳид муқаддас саналган. Албатта, бирлари чехра, соҳибжамолга ваъда бериб унга вафо қилмаслик увол. Ўлсин ундай ваъдабоз, тўғрироғи бевафо!

Кошкийди мен ҳам шундай бир самбит қомат, гўзал қизга ваъда бериш бахтига муяссар бўлсам. Вафо қилмасам, бўйним чўрт узиллиб, каллам оёғим остида коптокдек думалаб кетсин!!!

Қаранг, келиб-келиб бир ғарчашм қассобга ваъда берибман-а! Қиз-пиз қуриб кетган экан-да, дейсизми? Э, сиз сўраманг, мен айтмай. Келинг, яхшиси ўзингизга қулфи дилмни очай. Лекин, Сиз ҳам қатъий ваъда беринг! Тагин у ер-бу ерда оғзингиздан гуллаб юрманг, қассоб эшитиб қолса, нақ балага қоламан-а...

Ўзингиз биласиз, шу кунларда редакцияда иш қайнаб-тошган. Ҳали материал тушир, ҳали макет қил, ҳали корректура, ҳали оттиск... кечга яқин бошимнинг орқа томонида ғалати огирлик сезган ҳолда аранг судралиб кабинетдан чиқдим. Қалитни қоровул чолга қолдириб, биринчи қават йўлагига тушган эдим, билагимдан кимнингдир юмшоқ қўли оҳиста тутганини туйдим.

— Ассолому алайкум, шоири Даврон!

Рўпарамда оппоқ нейлон кўйлакни тўлдириб бақалоқ бир киши турарди. Унинг енглари йўғон, сержун билагингача зўрға ҳимариб қўйилган. Икки чети шапоқ боғлаган, қизғиш кўзлари кулиб турар, нафақат кўзлари, балки дўрдоқ, қип-қизил лаблари ҳам жилмайишга очилиб, ундан сарик, мўрт тишлари кўзга ташланарди. Ўша тишлар оралигидан хомпиёз, помидор ва арақ ҳиди сизгиб чиқарди. Отимин айтиб чақирганидан илтифотни жойига қўйдим.

— Адресингизни домла Зариқийдан олиб келдик,— деди у елкамга қўл ташлаб,— энди биз Сизнинг катта талантингизнинг кичик мухлисимиз-да, ука. Шеърларингиз, ашъори мунтахабчангиз доимо бошимиз учиде туради, ётсак ҳам ўқиймиз, турсак ҳам, радиоде эшитамиз...

Бошлашиб ташқари чиқдик. Қуёш баланд бинолар орқасига яширинган. Махсус машина асфальт йўлга сув сепиб ўтди. Ҳаво нафасни қайтарар даражада дим.

— Гўштни қайси бозордан оласиз?— тўсатдан сўраб қолди суҳбатдошим. Унинг бу саволи мени аввалига ажаблантирди. Сир бой бермадим.

— Дўқондан, баъзан магазиндан, қаер қулай келса ўша ердан,— дедим эътиборсиз.

— Бўлмаса бизни танимас экансиз?— деди нотаниш ҳамроҳим.— Биз пастқам бозордаги павильонда ишлаймиз... отимиз Ситамқул... бундан кейин ўзимизга келаверинг, қўлда сўйилган гўштга нима етсин, ҳалол, покиза...

Светофор ёнига келиб, кўк чироқнинг ёнишини кутиб турдик. Ниҳоят, у яна билагимдан тутди.

— Юринг, тез, нариги томонга ўтиб олайлик! Ажалдан — ҳазар!

— Йўлни кесиб ўтдик. Қатор кетган расталар. Бир бурчакда одамлар пивога навбатда туришарди.

— Бир кружка муздеккина пивога таъбингиз қалай?— сўради қассоб йигит.

— Навбат жа катта-ку!

— Пеҳ, ишингиз бўлмасин!— кўзини ғалати қисди қассоб,— бир сўм ортиқча берсак ўзи четга чиқариб береди, ҳу орқадаги болани кўряписизми? Дадаси уни бекорга дўқонга обкеган деб ўйлайсизми?

Дарҳақиқат, қассоб пиво дўқонининг орқа эшигига яқин бориб, ўша болага кўз қисиб имлади. Бола югуриб келди.

— Ма, мана бу уч сўмни олиб, олтига пиво келтир!— деди у мағрур.— Майдаси ўзингга қолсин... бизлар ҳу анови столда ўтирамиз...

Биз бурчакдаги бўш столга бориб ўтирдик. Шу орада қассоб яна кўзини ғалати қисди.

— Ҳозир ҳамма нарса пулнинг бошида!— деди билимдонлик билан.— Пул бўлмаса ота-онанг, ака-уканг ҳам, ўз пушти камарингдан бўлган фарзандинг ҳам сендан безор. Ҳамма нарсани пул билан, мулла червон билан ҳал қилса бўлади...

Мен анча хижолат чекдим. Наҳотки, ҳали берган уч сўмига шаъма қилаётган бўлса?

— Ҳозир, мен ковоб!— деди қассоб эшикка томон юриб. Мен ҳам ўрнимдан туриб кетдим.

— Менда ҳам бор,— битта беш сўмлик чиқардим,— мен олақолай.

Қассоб пихиллаб кулганча менинг қўлимдан пулни олиб, зўрлаб кўкрак чўнтагимга солиб қўйди.

— Йўқ, сиз ўтиринг, иккита ковоб нима деган гап, истасангиз бор-ку,— деди у яна мақтанчоқлик билан,— бутун редакциянгизни бир йил боқингизга қурбимиз етади. Ҳа, энди чопони эски деб ўйламанг-да, ука...

Ночор ўтирдим. Хижолатдан қизариб кетган эдим чамамда. Бир ҳисобда унга қўшилиб шу ерга келганимга ҳам пушаймон бўлдим. Кўрайликчи, бу ёғи нима бўларкин? Охири бахайр бўлсин-да, ишқилиб. Ниҳоят пиво ҳам, кабоб ҳам келтирилди. Қассоб менга манзират қила бошлади.

— Қани, олинг ковоб — бўлади савоб!— деди у сўзини қофияга солиб.— Ука, тўғрисини айтсам бор-ку, бизам шоир — гапга моҳир... Қани, пиво ҳўпланг! Хихх, бизни катта бобомиз шоир ўтганлар... бизам энди шеъримиз охирида «Э қассоб» деб қўямиз...

Мен унинг қофияларини жуфтлаштириб сўзлашига, чапиллатиб овқат кавшашига маҳлиё бўлиб ўтирар, вақти-вақти билан унга қўшилиб кулган бўлардим. Бир пайт у чўнтагидан эски, букланиб кетган, кирчил газета чиқарди.

— Мана, бизни ижод!— деди у район газетасини очиб, ўрта саҳифадаги «Э гул» деган саккиз йўлли газални кўрсатиб.— Чиққанига тўрт йил бўлди. Ўзим ёзмадим-да! Мотоциклда авария қилиб кўп овора бўлдик... Ҳозиргача ёзсам бор-ку, Муқумийникича бўлмасаям, Пурқатникича битта китоб чиқарса бўларди...

Суҳбатдошим ана-мана демай олтига шиша пиводап учтасини ўзи бўшатиб, тўртинчисига ҳам қўл чўзди. Унинг қистаб туришига қарамай бир шиша пивони стаканга қўйиб, майн-майин ҳўплаб ўтирардим.

— Пивога, мендан насиҳат, ҳеч туз солиб ичманг,— деди у маслаҳат овозида,— яхши эмас. Ошқозонни ишдан чиқаради. Ҳе, мени шеърларим жуда кўп,— қассоб қийма кабобни сихдан суғуриб олиб, сабзидек тишлаб ерди,— ароқ ичдим, бўлдим маст, сен жонимга қилдинг қасд! Ҳе, жа кўп шеърим бор,— Ситамқул қўл силкиб, кекириб юборди.— Давронжон, сиз энди гўшни биздан оласиз... «байроқ»даги шоир акамиз борлар-ку... Ҳа, кам бўлманг, ўша Зарифий ҳам гўшши биздан олади-лар!— у бир оз сузилиб турди-да:— Яримта келтирайми?— деб сўради.

Қаттиқ эътироз билдирдим. Қассоб ўрнидан чайқалиб туриб, чўнтак ковлашга тушди.

— Ммана бизни ашъор!— деди шимининг ўнг чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб.— Мана, ана буниси қизиқ, секретарь қизга беш сўм бериб машинкада чоп қилдирганман. Қишда навильонга от гўшти келганда ёзган эдим. «Қолхоз бозори» радиоузелидан ҳам ўқувдик. Бирпасда эллик тонна от гўштининг ҳаммасини талаб кетишди. Мана, сиз ўқинг... баландроқ ўқинг, сизни ўқишингизни яхши кўраман... ўқинг, ҳа, баландроқ...

Ноилож унинг шеърини паст, нохуш овозда ўқий бошладим.

О Т Г У Ш Т И

От гўштидир иссиқлик қоин,
Еганларнинг қолмас армони.
Қази-қарта беморлар жон,
От гўштига кеб қолинг, дўстлар!

От гўштида хосият катта,
Қўй гўштидай эмасдир латта.
Гўшлар ичра зўри, албатта,
От гўштига кеб қолинг, дўстлар!

От гўшти енг, отдай бўласиз,
Гижинглайсиз, кучга тўласиз.
Қассоб айтар бир кун ўласиз,
От гўшtidан еб қолинг, дўстлар.

Шеър орасида у завқ билан бош чайқаб турар. ҳар бир мисра охирида кафтини кафтига оҳиста уриб қўярди. Ниҳоят, шеърни ўқиб бўлдим. У шавқ билан пихиллаб кулганча, яна елкамга қўл ташлади.

— Бай-бай... Қассоб айтар бир кун ўласиз, от гўштидан еб қолинг, дўстлар! Зўр-а?! «Қўй гўшти», «Каллапочча» ҳақидаги шеърларим бундан ҳам зўр. Майли, уни кейин ўқийман... Энди ука, шу «От гўшти»ни эртанги газетада чиқарсангиз, илтимос...

Ноқулай аҳволда қолдим. Назаримда ҳозиргина ичган пиво ҳам заҳарга айланаётгандай эди.

— Ахир ҳозир жазирама ёз... от гўшти қишда ейилади.— дедим ундан қутулиш чорасини излаб,— ҳар нарса-нинг вақти, соати бор...

Қассоб шоир «ҳмм» деб қолди. Кейин яна алжий бошлади.

— Ҳар нарса-нинг вақти бор, арзон эмас, нақти бор!— деди у шимининг чап чўнтагини ковлаб.— Мана, манна бунисини ўқинг... Хихх. Лекин буниси ишқийроқ... яхшиси ўзим ўқий қолай (чамаси менинг ўқишим уни қаноатлантирмаган эди). Хўш.

Даво қилмадинг

Гўшт сотардим тошларни қалаб,
Бир қиз ўтди аста мўралаб.
Кўлгинамдан тушли-ю болта,
Оёғимни кетди қиймалаб,
Ҳой бевафо, нега билмадинг,
Оёғимга даво қилмадинг!

Қаранг-а,— деди у кўзларини ҳузур билан юмиб бош чайқаркан.

Ҳой бевафо, нега билмадинг,
Оёғимга даво қилмадинг!

Зўр-а! Бунисини чиқарасизми эртага? А?

Нима дейишга ҳайрон эдим. Ҳе, бир кружка муздек-кина пиво ичмай мен ўлай. У бўлса қизғиш кўзларини кўзларимга қадаб жавоб кутарди.

— Эртага эмас-да энди?

— Хўп, қачон?!

Худди ана шу ерда бўшашиб кетибман. Менинг ўрнимда бошқа киши бўлганда ҳам офтобда қолган сариёққа айланарди. Чунки, бир жуфт қизғиш кўз сизга илтимос билан жавдираб қараса, худди йиғлаётган боладек икки дўрдоқ лаб икки шалпанг қулоқ томон аянч йирилиб, ундан сариқ, мўрт тишлар кўриниб турса... Сув бўлиб кетдим.

— Бир ҳафтадан кейин!— деб юборсам бўладими.

— Ваъдангиз аниқми?— сўради у мендан, «ҳа» ишорасини олгач, завқ билан бармоқ бука бошлади:— Чоршанба, пайшанба... шанба, бозор — икки кун... демак келаси ҳафта шу куни — 28 числода, шундайми? Ваъдага вафо деганлар-а?.. Агар шу шеърим чиқса бор-ку, газетадаги барча оғайниларга катта зиёфат бераман... Қазӣ, қарта, ҳасип...

Қоронғи тушиб келарди. Шу қоронғилик билан менинг миямда ҳам бемаврид берилган ваъданинг қоп-қора кўланкаси чарх уриб айланарди. Қассоб шоир билан зўрга хайрлашдим. Йўлда биқинига «Гўшт» сўзи ёзилган машинани кўрсам ҳам, дастурхонга гўштли овқат тортилса ҳам, суҳбат орасида «гўшт» сўзини эшитиб қолсам ҳам қассобга берган ваъдам эсимга тушаверар, унинг ялғич акс этиб турган башараси кўз олдимдан нари кетмасди.

Эрталаб редакциядаги ўртоқларга қассоб шеърларини ўқиб берган эдим, улар қотиб-қотиб кулишди. Айримлари мени ҳам аскияга олиб, қовун пўчоқдек роса кумга булғашди.

— Гўшт ҳам нуқул сондан бўлади денг, Даврон ака.

— Э, йўқ, бу киши думғазага ўч!..

Багтар жаҳлим чиқди. Қандай бўлмасин, ваъдага

вафо қилиш керак. Номард бўлиб тирик қолгунча, мард бўлиб ўлган афзал...

Хуллас чоршанба куни қассоб шоирнинг ҳар иккала шеъри ҳам газетада босилиб чиқди. Қандай қилиб, дейсизми? Э, омон бўлинг-да сиз, наҳотки шунинг фаҳмига етмасангиз! Газетада унинг «От гўшти» ва «Даво қилмаднинг» сарлавҳали шеърларини ўзим ёзган «Қассоб шоир» деган ҳажвиянинг ичига киритиб юбордим...

Эшитишимга қараганда қассоб шоир чоршанба куни эрталаб киоскадан юз элликта газета сотиб олибди. Ундан ўзининг шеъри чиққан жойини авайлаб қирқиб олиб, қолганига гўшт ўраб сотаётган эмиш...

«ЧАП КҮЗ БИЛАН ҚАРАМАНГ»

Одамларнинг жисмоний камчилигидан кулиш ўта маданиятсизлик. Оқсоқ кишининг бетига қараб туриб: «Чўлоқ» ёки кўзи ожиз кишига эшиттириб «кўр» деган бемаънига минг лаънат! Жисман қусурли кишилардан кулгунча, «тавба!» деб ёқа ушланг! Бу тезкор дунёда инсон фарзанди бошига нималар тушмайди дейсиз? Лекин мен галварс бировларнинг жисмоний қусурини айтмасдан туриб ҳам балога қолиб ўтирибман. Бошим қотиб кетди. Нима қилишга ҳайронман. Келинг, бир бошдан айтиб берай, шояд Сиздан фойдалироқ бир маслаҳат чиқса.

Ўзингиз яхши биласиз, университетни битириб район газетасига ишга келганимга эндигина беш ой бўлди. Шу орада ўнлаб материалларим газетада босилиб чиқди. Мақтаниш эмас-ку, тезда фамилиям одамларнинг оғзига тушиб кетди. Бугун эрталаб редакциядан «Шарқ тонгги» колхозига йўл олдим. Колхоз идораси олдида мени партия ташкилотининг секретари кутиб турарди. Ёпирай, қайдан била қолди экан. У мен билан саломлашгач, беш

минутча олдин редакторнинг телефон қилганини, зудлик билан районга қайтишим кераклигини айтди. Қизиқ, редакторни ҳозиргина кўрган эдим-ку! Ёки... ҳар эҳтимолга қарши бир телефон қилиб, билиш керак. Идорага кириб, коммутатор қиздан районни улашни сўрадим. Трубкани редакторимиз Ҳалим аканинг ўзи кўтарди:

— Ало!

— Ҳа Одилжон, Сизми?— деди у ҳовлиқиб.— Тез етиб келинг!

— Хотиржамликми?

— Гап бор, тез қайтинг, Сизни исполкомда кутиш-япти.

Трубкани жойига қўйдим. Нима гап бўлса экан? Ёки уй беришдимикан-а? Ишқилиб гинчлик бўлсин-да...

Минг бир хил хаёл билан редакцияга етиб келдим. Редактор дарвоза олдида турарди. Башарамга бир олайиб қаради-да, тутила-тутила гапира бошлади:

— Ишқал... манг олинг, ана бу газетани сонини, ёзганда у ёқ-бу ёққа қараб ёзиш керак-да... боринг тез, исполкомни зампреди ўртоқ Илҳомов Сизни бир соатдан бери кутиб ўтирибдилар...

Газетани олиб кўз югуртдим. Унда менинг «Ўғай соҳа» деган танқидий материалим босилиб чиққан эди. Мақолада район матлубот жамиятининг китоб савдосига етарли эътибор бермаётгани, савдо маданиятининг пастлиги танқид қилинган эди.

Район ижроия комитетига етиб келгунимча терлаб кетдим. Юрагим гаш. Нимқоронғи коридордан ўгиб борарканман, қуюқ сочли, елкалари кенг, боши катта кишига рўпара келдим. У дағалроқ овозда: -

— Редакцияданми?— деб сўради.

— Ҳа...

— Юринг бу ёққа!

Унинг изидан қалтираб юриб кетдим. У салобат билан қадам ташлаб тўғридаги қора чарм қопланган эшикни очиб кирди. Изидан мен ҳам. Илҳомов деганлари

жуда басавлат экан. Кўзларим тиниб кетди. У тўрдаги эски креслога бориб ўтирар-ўтирмас:

— Бу нима бемаънилик!— деди.

— Тушунмадим.

-- Нега тушунмайсиз? Одамларни нега ҳақорат қиласиз?

Дабдурустдан берилган бу савол мени эсанкиратиб қўйди.

— Кимни ҳақорат қилибман?

— Бунинг учун Сизни суд қилиб, қамаш керак!— деди у йўгон кўрсаткич бармоги билан газетадаги «Ўғай соҳа» деган сарлавҳа остини нуқиб.— Безорилар!

Столга яқин келиб, газетага кўз ташладим. У ер-бу ери қизил қалам билан чизиб қўйилган эди.

— Фактлари тўғрийдикун...

— Нимаси тўғри? Одамларни ҳақорат қилиш, безорилк қилиш тўғрими?

Ҳеч нарсанинг фаҳмига етмасдан елка қисдим. Оёқларимга титроқ кирди. Ўртоқ Илҳомов газетани юлқиб олди-да, силтаб менинг кўзларимга яқин келтирди.

— Ўқинг манавини, ана бу срини ўқинг!— Газетани чўчиброқ унинг қўлидан олдим.— Ўқинг деяпман, овоз чиқариб ўқинг!— деди у ўдағайлаб. Ости қизил қалам-да чизилган сатрларни бўғиқ овозда ўқий бошладим:

«Умуман китоб савдоси ўғай соҳа бўлмаслиги керак. Район матлубот жамияти, (правление ранси Ж. Аъзамов) бу соҳага чап кўз билан қарамасликлари лозим...»

— Бас!— дея столни урди Илҳомов.— Безорилик бундан ортиқ бўладими, тирранча!

Ўзимни тутиб тура олмадим. Томоғимга бир нарса тикилгандек бўлди.

— Ўз... ўзингиз ҳақорат қиляпсиз-ку!— дедим араб.— Очиқроқ айтинг, ахир... мен...

Илҳомов ўгирилиб, столи устидаги яхна чойдан хўплади, кейин яна тергашга ўтди.

— Қайси кўз билан қарамасликлари керак дегансан?!

— Чап кўз билан...

— Безорисан...

— Ахир...

— Наҳотки сен райпомизнинг раиси Жўрақул ака-нинг чап кўзлари шишадан эканлигини билмасанг.

Бошимга гурзи билан урилгандек бўлди.

— Ахир шундай, «Чап кўз билан қараманг» деган ибора фразеологик бирикма...

— Бу ерда сан бола ибора-пибора, прозаология деб менга лекция ўқима! Буларнинг ҳаммасини яхши билман. Ана энди сенинг безорилигинг учун ҳамма Жўрақул акадан кулиб юрибди.

Гапнинг асл моҳиятига тушуниб ўзимни босиб олдим.

— Энди, ака, аввало мен у кишни кўрмаганман, кейин бу ерда ҳеч қандай ҳақоратли гап айтилмаган...

— Бас!— қичқирди у.— Кўп бошимни қотирма... ҳозир бориб Аъзамовдан кечирим сўра!

Менинг ҳам қайсарлигим тутиб кетди:

— Кечирим сўрашга арзигулик бирор гуноҳ қилганим йўқ-ку... ахир бу бир ибора... чап кўз...

— Ув тирранча, менга қара!..

Унга қарадим. Қайси кўз билан кўрайки, ўртоқ Илҳомовнинг ҳам... чан кўзи ғилай эди...

Қуйи лабимни қаттиқ тишладим. Ўртоқ Илҳомов ўдагайлаб узоқ гапирдилар. У кишининг сўзларидан қуйидагилари қулоғимга мустаҳкам ўрнашиб қолди:

— Ҳозир бориб кечирим сўрайсан, бўлмаса ижроком раиси номига тушунтириш хати ёзасан. Агар ёзмасанг, редакторингни бошида ҳам калтак синади... қани марш!..

Шунақа гаплар. Ҳозир тўғри ўртоқ Илҳомовнинг ёнларидан келяпман. Нима қилсам экан? Бошим қотди. Бориб Аъзамовдан кечирим сўрасаммикан?.. Ҳа, нега куласиз? Ҳали Сиздан бирор маслаҳатли гап чиқарманкин, деб бир соатдан бери жавраб ўтирибман-а! Сиз бўлсангиз нуқул пиқир-пиқир куласиз. Э ўргилдим Сиздай маслаҳатчидан...

Мундарижа

Ҳикоялар

Муаллифдан	3
Олтинбекнинг бувиси	6
Тўтихон	12
Туғилган куним қани?	19
Қитиғи ўлмаган қиз	27
Чақимчи	33
Чархпалак дунё	49
Арзи ҳол	56
Сузонғич роман	61
Туғилган ерда	67
Иўловчи	75
Шайтонга ҳай	79
Маҳбус	90
Шўрлик	97
Тақсимот	105

Ҳажвиялар

Қоллектив шикоят	113
Ҳаммаси равшан	119
Фироқ алангаси	125
Содиқ даканг	130
Сўзоғзингизда	133
Бир «дуо»га ўн «қарғиш»	137
Бобик	140
Топилдиқ	146
Малла	149
«Муштипар»	155
Бўлғуси персонаж	161
Қассоб шоир	164
«Чап кўз билан қараманг»	171

Аминов Неъмат.

Тилло табассумлар. Ҳикоя ва ҳажвиялар. Т.,
«Ёш гвардия», 1977.
176 б.

Аминов Н. Золото твоей улыбки. Рассказы.

Уз2

На узбекском языке

Н. Аминов

ЗОЛОТО ТВОЕЙ УЛЫБКИ

Рассказы

Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент — 1977

Редактор Э. Миробидов

Рисом А. Фуломов

Расмлар редактори Э. Валнев

Техн. редактор Г. Аҳмаджонова

Корректор М. Юнусова

ИБ № 322

Теришга берилди 25/1-1977. Босишга рухсат этилди 25/IV-1977 й. Қоғоз № 1
Формати 70×108^{1/32}. Босма листи 5,5. Шартли босма листи 7,7. Нашр листи
7,98. Тиражи 45000

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети „Ёш гвардия“ нашриёти, Тошкент,
700129, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 93-76. Баҳоси 66 т.
Заказ № 243. Р—09514.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб
нашриёти ишлари бўйича Давлат комитетининг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳақ.
за кўчаси, 21.